

Джеймс Ньенгуис

*Ер Сайёраси.*

*У шу қадар кўҳна-ми?*

Ўқув Апологетик маркази. 2011й.

Илк мартаба АҚШда – Old Earth? Why Not! ном остида нашр этилган/by James I. Nienhuis – Genesis Veracity, Houston, Texas, 2003. – 210p. ISBN: 0-9726206-0-5. Конгресс кутубхонасидаги рақами – 2002095802.

Ернинг яралиши ва ундаги ҳаёт ҳақида саволларга берилиб, Джеймс Ньенгуис ажойиб хулосаларга ке-лади: динозаврлар Ер юзида одамлар билан бирга яшашган, Умумжахон Тўфони – уйдирма эмас, балки ҳақиқат, музлик даври Қадимги Мисргача давом этган...

Ушбу китоб ҳавасманд ўқувчиларнинг кенг доираси учун мўлжалланган.

© 2003 by James I. Nienhuis

# Муқаддима

Бизга доимий равишда «кўҳна» Ер ва дарвин эволюцияси ғояларини ўқтириб келишган. Бу теориялар – фанга асосланмаган бўлиб Замин тарихининг библиядаги моделини инкор этадилар. Бироқ, аслида табиий билимлар маълумотлари ва антропология, инчунин Муқаддас Каломдаги сўзлар, замонавий фанда ҳукмронлик қилаётган доктриналарга қарама қаршидир. Ушбу китобнинг ҳар бир бобида, бу доктриналар асосида ётган тасдиқлардан бирини нодуруст эканлигини исботлашга ҳаракат қиламиз. Нодуруст ақидаларни ташлаб, факт юзига назар солишга уриниб кўрамиз.

# 1-Тасдиқ

## Динозаврлар тахминан 65 миллион йил илгари нобуд бўлган

Агар бу тасдиқ туғри бўлса, инсонлар динозаврлар билан учраша олмаган бўлар эдилар ва инсоният тарихида улар билан алоқаси ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас эди. Шундай эмасми?

Динозавр сузи 1841 йили инглиз олими Ричард Оуэн томонидан мулоқотга киритилган. Тошга айланган улкан судралувчиларни ўрганиш натижасида, Оуэн фанга номаълум бўлган бир қатор жонзотлар билан иш олиб бораётганлигини хулоса қилди ва бу жониворларни динозаврлар яъни “даҳшатли калтакесаклар” деб номлади. Бу, даҳшатли калтакесаклар инсониятни бутун тарихини кузатиб бормоқдалар. Жаноб Оуэннинг юрти Буюк Британияда, одамлар качандир бор динозаврларга дуч келишган.

“*Бриттлар тарихи*“ қадимги валлий тилида ёзилган бўлиб, Гальфрид Монмутск томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Ривоят қилишларича, эрамизгача 330 йили ҳукумронлик қилган қирол Морвид улкан судралувчининг қурбонига айланган. Солномаёзувчининг таъкидлашича: “Махлук қиролга ташланиб оғизини бутун катталигича очди ва худди кичик балиқни юткандай ютиб юборди”. Бу махлукни, Гальфрид *белуа*<sup>1</sup> деб атади.

Сўнгра 1405 й. қадимий солномада, Саффолик инглиз графлигининг Бериз шаҳарчаси яқинида яшаган махлук, ҳақида маълумот берилади:

«Садбери яқинида, Бериз шаҳарчаси атрофида қишлоқ, аҳолисининг бошига кулфат тушди. Яқинда, бошидаги қирраси бор, тишлари аррасимон, думи бениҳоят узун бўлган аждар пайдо бўлди. Аждар чўпонни ўлдириб, кўзиларни кўпини еб юборди. Терисидан ўқ ўтмаслиги сабаб, махлукни ўлдирмоқчи бўлган маҳалий ўқотарларининг уринишлари, зое кетди. Шунда “Махлукни нобуд қилиш учун бутун ён атрофдан халойиқ

йиғилди. Қулларида камон билан у томон яқинлашиб келаётган халойиқни кўрган аждар, оё ботқоқ, кул томон интилиб, баланд қамишзор аро яшинди ва уни бошқа, ҳеч ким кўрмади»<sup>2</sup>.

Британия ҳукумати амалдорлари учар судралувчиларни миллион йиллар илгари ўлиб кетганлигини эҳтимол билмаганлари учун, 1793й. куйидагиларни ёзишди:

«Ўтган йили ноябр ойнинг охири декабр бошланишида, кўпчилик қишлоқ, аҳолиси шимолдан шарқда тезлик билан учувчи аждарларни кузатишди. Шу аснода деҳқонлар, яқинда иқлимнинг ғайритаббий ҳолда ёмонлашини хулоса қилишди ва уларнинг тахминлари тасдиқланди»<sup>3</sup>.

Буюк Британия адабиёти ва фольклори айнан улкан судралувчилар, ҳақида ранго-ранг маълумотга эгадир. Тилларда ҳикматга айланган «Лохнес махлуқи» билан учрашувлар, ҳақидаги ривоятлар юзлаб саналади. Қирқ мартадан ошиқроқ, махлуқларни Лох-Морар кўлида кузатишган, ҳамда Лох-Ломонд, Лох-Эйв ва Лох-Раннох кўлларида махлуқлар билан учрашув ҳақидаги воқеалар, кенг жамоатчиликнинг эътиборига сазовор бўлмади<sup>4</sup>.

Юздан ортиқ Британ маҳалалари мавжуд бўлган вақтда, аждарлар пайдо бўлганлиги белгиланган ҳолбуки динозаврлар 65 млн. йил олдин нобуд бўлган-ку? Аполлоний Тианский 2000 йил олдин яшаб ўтган тарихшунос ва сайёҳ: «Ҳиндистонда кўпдан - кўп улкан аждарлар мавжуд, улар тоғлар ва ботқоқзорларда яшашади»<sup>5</sup>. Унинг сўзларига кўра, ботқоқ аждарлари ланж бўлиб, узунлиги 30 газ (17 метргача) етади. Танаси қора тангачага қопланган бўлиб, тоғ аждарнинг тангачасидан каттароқдир. Охиргиларни Аполлоний худди улкан мавжудот тилла рангда бўлиб, тезликда тоғ дарёсидек, филларни ўлдирадилар деб таърифлайди<sup>6</sup>.

Рим тарихшуноси Катта Плинийнинг таъкидлашича, Ҳиндистонда филлар ва аждарлар азалдан ашаддий душман бўлган. Плиний баёнига кўра, одатда ажларлар дарахтдан филга сакраб, тишлари билан филнинг хартуми ёки кузига ёпишади, атрофида айланиб ҳосил қилган ҳалқани оҳиста қисиб боради. Фил устидан аждарни йиқитишга ҳаракат қилади, лекин сиқув кучи ва аждар захри уни ўлдира бошлайди, шунда фил ҳушсизланиб, жуссасининг бор вазни билан аждар устига қуллаб уни эзиб юборади. Бундан ташқари аждарлар филларни сув ҳавзаларида пинҳона кутишади ва сув

ичишга келган филларга кутилмаганда ташланадилар, лекин бу олишувнинг юриши ва натижаси ўзгармас қолади<sup>7</sup>.

Марко Поло Осиёдан қайтгач, атоқли оилаларда аждарларни ўстириб кўпайтиришларини ва айрим ҳолларда император аробасига кўшишларини ва аждар организмининг айрим узвларини табобатда ишлатишларини ёзган<sup>8</sup>. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ҳозирги кунда кенг тарқалган хитой йилномасининг 12та жонзотлардан 11таси (сичқон, ит, бука, қуён, йўлбарс, илон, от, қўй, маймун, хуроз ва тўнғиз) 12-жонзот аждардир. Хитойликлар «афсонавий» аждарни машҳур жонзотлар рўйхатига кўшишармиди?

Қадимги юнон тарихшуноси эрамизгача V-IV асрда яшаб ўтган Геродот, Аравия осмонида учар илонлар, ҳақида ёзган<sup>9</sup>. Эҳтимол, худди шундай илонлар бугунги кунда Жанубий Африкада учишар, маҳалий, аҳоли уларни «конгамато» деб аташади<sup>10</sup>.

Америкалик суҳ қабиласининг ҳиндулари, қанотлари 6 метрдан иборат бўлган учар мавжудот, ҳақида ва ҳатто уни бир марта яшин урганини ривоят қилишади. Бу мавжудотнинг сурати, ҳам сақланган. Эҳтимол, бу америкалик ҳиндуларнинг қадимги фольклор персонажидан даҳшатли «Улкан Қуш» дир<sup>11</sup>.

“Эпитафия” газетасининг хабар беришича, 1890 йилда Аризоналик икки нафар ковбой улкан учар судралувчини ўлдиришган<sup>12</sup>.

Унинг боши аллигатор бошига ўхшар, узунлиги икки ярим метрга тенг, оғзи тишларга тўла бўлган. Ковбойлар ўлжа сифатида қанотини сўнгги қисмини узларига кесиб олишди. Унинг қанотида кўршапалак қанотига ўхшаган таранг пардаси бор эди.

Франция шаҳарчаси Нерлюк аждар устидан ғалаба қозонгани шарафига исми ўзгартирилган эди. Шоҳидларнинг гувоҳлик беришларича бу жонивор ўткир шохли буқага ўхшарди<sup>13</sup>.

Уйғониш Даври машҳур илмий китобида “*Historia Animalium*” (жонворлар тарихи) ёзилишича, XVI асрда аждарлар олдинга нисбатан кичикроқ бўлган ва камдан кам кўринган<sup>14</sup>.

Библиядаги Аюб пайғабар китоби тахминан эрамизгача 2000 йил олдин яралган бўлиб, унда *бегемот* исмли жонвор, ҳақида тўлиқ маълумот ёзилган (40 боб). Бу улкан суствҳаракат мавжудотнинг думи “кедр” каби бўлиб, ботқоқзорларда макон топган.

Эволюционистларнинг таъкидлашларича Аюб пайғамбар китобида гиппопотам ёки фил таърифланган лекин бу жониворнинг думлари кедрчаликми? Менимча йуқ.

Қушма Штатлар жануби - ғарбида яшаб ўтган анасази ҳиндулар қабиласининг тош суратларида, динозаврлар билан одамлар ёнма ён тасвирланган<sup>15</sup>. Суратдаги «Сахро қобиқи» нинг қалин қатлами шу ҳақида гувоҳлик берадики, расмлар неча асрлар илгари яралган. «Сахро қобиқи» - бу шамолни эсиш эвазига қоятошларнинг устига аста-секинлик билан йиғиладиган чанг ва чангзарралар қопламидир. Анасази суратларини қоплаган бу қалин қатлам, уларнинг ёши неча юз йилларга тенг келишини билдиради<sup>16</sup>. Демак, бу санъат асарлари қалбаки ёки Европалик келгиндиларнинг тоза шўхликдан бажарилган ишлари булиши мумкин эмас (Уларда бундай сохталаштириш машғулот турлари билан шуғулланишга сабаби булмаган). Тасвирлар уларни китъага келишларидан олдин яралган булиб, Америка маҳаллий, аҳолиси аждарлар билан бирга яшаб ўтганларидан далолат беришда хизмат қила олади.

Жанубий Америкада жойлашган Иканинг қадимги мозортошларида, одамлар билан бир қаторда трицератоплар, птерозаврлар ва тиранозаврларга ўхшаш махлуқлар тасвирланган<sup>17</sup>.

Янги Гвинея Пануа республикасида чоп этиладиган «The Independent» газетасининг хабар беришича, 11 декабр 1999 йили Бабоа шаҳарчаси яқинида қишлоқ, аҳолиси сувда сузувчи улкан калтакесакни куришди, кун ўтиб шу жойнинг атрофида махлуқни руҳоний ва черков бошқарувчиси кузатишди. Шоҳидларнинг таърифларига кўра, бу жонзот «узунлиги самосвалга, жуссасининг диаметри қариб икки метрга булиб, узун буйин ва узун ингичка думга эга эди». У куруқликдаги орқа оёқларида юрарди, оёкининг қалинлиги какосли пальма дарахтини танасига тенг, олд оёқлари орқа оёқларига нисбатан кичикрок эди. Унинг кўзлари катта, «бармоқ узунлигидай ўткир тишлари» бошининг тузулиши сигирни бошини эслатарди. Махлуқ териси тимсоҳ терисига ўхшар, орқасида эса етарлича чуқур ажинлар мавжуд» эди<sup>18</sup>.

Рим тарихшуноси Дион Кассий узининг ишларида, аждар билан бўлган воқени эслатади. Милодгача III - асрда Шимолий Африкада, рим армияси консул Регула бошчилигида, Карфагенга қарши уруш олиб борар эди. Аждар сездирмасдан яшиниб римлик жангчиларнинг, орқа сафига жойлашди. Регуланинг буйруқи билан аждар жангчилар томонидан ўлдирилди. Унинг терисини Рим Сенатига юборишди. Сенатнинг буйруқига биноан терини улчашди, натижаси кўпчиликни ҳайратга солди. Аждарнинг узунлиги тахминан 36 метрга, эни узунасига мувофиқ салкам тенг чиқди<sup>19</sup>.

Находки улкан судралувчиларни кўрган минглар одамларнинг ҳар бирида галлюцинация бўлган бўлса? Албатта йўқ! Бу шуни билдирадигани, демак динозаврлар 65 млн. йил илгари нобуд бўлмаган. Кимки, динозаврларни тўлиқ таърифлаган шоҳидларнинг гувоҳлигини танқид қилса, улар бошини қумда яширган туяқушга ўхшаган бўладилар.



## 2-Тасдиқ

### Қазилмадаги динозаврларга миллионлаб йилдир

Динозаврлар инсониятнинг бутун тарихини кузатиб келар экан, унда савол туғилади: Бизга айтканларидек тошга айланган жасадларнинг ёшлари шу қадар улуғлиги (яъни 65-150 млн. йил) ростми?

Қачонлардир қум ва гил сув ҳавзаларининг тубига тушавериб, у ерда жойлашган ўлган ва ўлаётган организмлар устини қоплаган. Сўнгра сув тушиб тўпланган қолдиқларни ер сатхига қолдиради, куёш нурида қуриб, вақт ўтгани сайин таркибида организм мавжуд бўлган қолдиқ, бора-бора қотиб тоғ жисмига айланади. Шу тариқа, тошланиш жараёни содир бўлади.

Агар динозаврлар ҳақиқатдан ҳам анча йиллар илгари ўлганларида, унда бу тош қолдиқларнинг таркибида органик моддалари мавжуд бўлмаслиги керак эди, ҳолбуки миллион йил илгари органик тўқималар емирилиб ёки минераллашган бўлиши керак эди. Шунга қарамай олимлар, тадқиқот жараёнида бир неча бор тош қолдиқларида органик моддаларни топишган. Бу шундан дарак берадики, тош қолдиқларнинг ёши минглар йилга тенгдир, ҳолбуки миллион йилдир. Бу ажабланарли ҳам эмас, агар ҳисобласак инсоният тарихида кўп маротаба тирик динозаврлар ҳақида, эслатади.

Герхард Мюцер динозаврлар суякидан остеокальци топилганлиги ҳақида ёзган<sup>1</sup>. Агар уларга миллион йил булганида, унда суяк оксиди минералланган сувнинг аралашуви билан кўмилган қолдиқлар ва ён атрофида жойлашган жисмлар аро намланиб, аллақачон йўқ бўлиб ёки ноорганик моддага айланиши лозим эди.

Монголияда қазилма ишлар жараёнида тошга айланган урғочи динозаврнинг қолдиғи топилди. У тухумларини босиб ўтирган ҳолатда кўмилган. Тухумлар сони 22 донани ташкил этган<sup>2</sup>. Тухумларни текширувдан ўтказган олимлар, унинг таркибида оксил

борлигини топишди. Оксилларни кимёвий ноустуворлигини назарга олганда, бу кутилмаган ҳолат эди<sup>3</sup>.

Монтана штати университетининг ўқитувчилар состави ва илмий ходимлари – эволюционистлар ва «Кўҳна» Ер ғояси тарафдорлари-тиранозавр суякидан қизил қон заррачасини топганларида ҳайратда қолдилар. Улар 6 мартаба турли хил тест ўтказиб, бу зарра эритроцит эмас, балки бошқа нарса эканлигини исботламоқчи эдилар<sup>4</sup>. Ҳаргал тестлар жавоби ижобий чиқгач, «Кўҳна» Ер ғояси тарафдорларини ваҳимага соларди. Шу сингари бошқа сенсацион маълумотлар, тошга айланган динозаврлар таркибидан топилган органик моддалар яъни “аномал” ҳолатлар билан боғлиқ бўлган маълумотлар кутилганидек газеталарнинг биринчи саҳифаларидан жой олмади.

Канаданинг Альберт провинциясида, темир конининг конкрециясидан динозавр суяки топилди. «Конкрециялар сув ўтишига тўсқинлик қилганлиги боис, бу суяклар бугунги кунда ўлган жонзотларнинг суякидан ҳеч қандай фарқли томони йўқ эди»<sup>5</sup>.

Шимолий аляскада ун йиллар илгари топилган суяк, яқин давргача буқа сўяки ҳисобланган бўлиб, улар тошга айланмаган ва жуда янгидек кўринарди. Аляскага шу сўякларни махсус текширувдан ўтказиш учун келган олимларнинг аниқлашларича, бу сўяклар, ўрдакбурун динозаврларга тегишли бўлган<sup>6</sup>. Эволюционистларнинг рад этишларига қарамай, тошга айланмаган ва кўриниши янгидек сақланган динозаврлар, сўякларининг ёши миллион йилар дийишига мувофиқ келмасди.

Фанга намоён бўлган, динозавр сўякларининг катта қисми шикастланмаган сўяк тўқималардан иборатдир<sup>7</sup>, акс ҳолда миллион йиллар мобайнида қалин қолдиқ қатлами аро парчаланиб кетар эди. Бу бобда айтиб ўтилгандек тошга айланган жисмларда органик моддаларни мавжудлиги, ўтган боб асосида инсонлар билан динозаврлар мулоқоти, буларнинг бари динозаврлар 65млн. йил илгари нобуд булганлиги ҳақидаги гипотезаси билан номувофиқдир. Бу жумбоқни қандай ечиш мумкин? Бу ҳақда кейинги бобларда билиб оласиз.

## 3-Тасдик

### Чўкинди жинслар миллион йиллар давомида шаклланган

«Кўҳна» Ер ғояси тарафдорларининг (бу иборани биз Ерга миллиард йил деган гипотезасини қўллайдиган инсонларга нисбатан ишлатамиз) таъкидлашларича, миллион йиллар давомида океан неча маротаба қуруқликга ўтади, сўнгра тушади ҳар гал чўкинди жинслар қопламини қолдиради. Бу гал чўкинди жинслар қоплами устидан океан китъаларни босиб ўтгач (миллион йиллар давомида қоядан ҳам каттароқ бўлиши керак эди) аста секинлик билан, янги қоплам йиғила бошлайди. Ушбу қатламлар ўз остида ётган ўлик организмларни гўё кўмади. Океан суви пастга тушгач, қатламлар қаттиқлашиб, ичида асир бўлган организмлар тошга айлана боради.

Ушбу теориянинг нозик томонлардан бири шундаки, чўкинди жинсларнинг қатламлари геологик колонасида жуда катта ҳудудларга – яъни давлатлар ва қитъаларгача дафн бўлган. Лекин бу қатламлар бутун қитъани забт этмасаларда, улар бошқача чўкинди жинслар турларига айланишади. Бу шундандан гувоҳлик берадики, чўкиндилар қатламлари океан бутун қуруқликни қоплаганидан пайдо бўлган<sup>1</sup> (У пайтда тоғлар булмаган, бу ҳақда келгуси бобларда баён этилади).

Агарда чўкинди жинслари ҳақиқатдан ҳам жаҳон океанининг тебраниши натижасида, яъни бутун қуруқликни сув босиб сўнгра қайтиб, пайдо бўлганида, унда улар фақат дарёнинг дельталар ҳудудларини қоплашлари лозим эди. Дельтанинг ўртанча ўлчами эса 50га - 50мильга баробардир. Буларнинг исботига шу факт хизмат қиладики, чўкинди жинслар асосан дарёнинг қуйилиш жойларида йиғилиб боради. Дарёлар дельталари уларнинг пайдо бўлишига муҳим зоналар саналади.

«Кухна» Ернинг моделига мувофиқ, океан қуйилгани сари, дарёлар чўкинди жинсларни йиғишни давом этган ва одатдагидек

материканинг қаърида жойлашиб, дельталарда йиғилаверган. Лекин бу ҳолда, океан ортга чекингач, қуруқликда ҳажми дарё дельтасига тенг келадиган қолдиқ қатламининг қолиши ва вақт ўтгани сайин, бу қолдиқлар тошга айланмоғи лозим эди. Шу боис биз геологик колонани ўрганиб, чўкинди жинслари жуда катта ҳудудларни – яъни вилоятлар, давлатлар, бутун қитъаларни забт этганини кўрамиз. Шу залда жаҳон океанининг даражаси ўзгариши боис, чўкинди жинсларнинг йиғилиши, ҳақидаги гипотеза танқидга дош бераолмайди. Эҳтимол, бир пайтлар қуруқликни эгаллаган сув ҳавзалари тубида-глобал сув тошқини даврида, чўкинди жинслари қатлами ҳосил бўлгандир.

Чўкинди жинслар қатламларида ажойиб ҳодиса кузатилиб, қатламларни тезда ҳосил бўлиши, ҳақида фикр уйғотади. Бу шундай аталувчи полистрат дарахтидир. Бу дарахтлар вертикал ҳолатда тошга айланган бўлиб, геологик колонасини бешумор чўкинди жинслар қатламини тешиб ўтган<sup>2</sup>. Агар «Кўҳна» Ер ғояси тарафдорларига ишонсак, унда бу дарахтлар қуруқликда ўсиб, қуруқликни сув босганидан сўнг миллион йиллар давомида сув остида туриб, атрофида аста секин қаватма - қават чўкинди жинслари йиғилиб бораверган, деб ҳисобланади. Бироқ, бугунги кунда, дарёларнинг тўлиб кетиши натижасида ғарқ бўлган дарахтлар, маълумки чириб бир неча юз йил мобайнида қуллайдилар. Шундай экан, нахотки биз, вертикал ҳолатда тошга айланган, миллион йиллар давомида сув остида турган ва атрофида секинлик билан чўкинди жинслар қатлами йиғилган дарахтга ишонсак? Бундай ҳодисаларни ҳақиқатга монанд дейиш мушқилдир.

Қоидага қараганда, полистрат дарахтларнинг баландлиги 6 метргача бўлиб, тепа ва илдиз қисмлари синдирилган. Бу дарахтлар, ўз йўлида барча нарсаларни супуриб ташувчи сув тошқинлари оқибатида “кесилган” ва вертикал ҳолатда турмагунича сузиб юрган, бунда илдизлар ўрама оғирлиги ёрдам берган. Синган дарахтлар вертикал ҳолатга келгач, уларни чўкинди жинслари шундай тезликда қоплашганки, дарахтлар чириб тўкилишга улгурмаган. Ҳалокатли сув тошқинларнинг шиддати, чўкинди жинслар қатламларини тезлик суратини шундай таъминлаганки, синган ва чўккан дарахтлар санокли ойлар давомида кўмилиб кетган.

Чўкинди жинслар миллион йиллар давомида қатламланиши тўғрисидаги теория, бир қатор сабабларга кўра ноустувордир, чунки океан қуруқликни маълум бир қисмини босиши учун, материк ер

қобикига тушиши керак ёки океанники кўтарилиши лозим эди. Материк ва океаннинг ер қобиқи – ер остининг устки қатлами бўлиб, мантия устидан жойлашгандир. Мантия - бу ядро ва қобик орасидаги ер ости қатламидир. Мантия ярим эритилган магмадан (лава) иборат бўлиб, жуда катта босим остида туради.

Материк ер қобиқининг зичлиги океаник ер қобиқидан кичикроқдир, шу туфайли қитъалар тубидаги ер ости қатлами океанниқидан кўра қалинроқдир. Шу тариқа, агар минераллар зичлигидан ташкил топган материк қобиқи ўз - ўзидан катталашса, фақат шу вақтдагина қитъалар океанга нисбатан пасайиши мумкин бўлади. Шунга ўхшаб, агар минераллардан ташкил топган океаник қобиқининг зичлиги бирдан ақл бовар қилмас даражада кучайса, шундагина континентал қобиқига нисбатан кўтарилади, натижада мантия устидаги қатлам қалинроқ бўлади. Иккала ҳолат ҳам, фақатгина геохимия қонунига ҳилоф равишда содир булиши мумкин. Албатта геофизиклар ҳам бу тариқа, узгаришлар қачонладир ўрин олганлиги, ҳақида маълумотга эга эмаслар.

«Кўҳна» Ер ғояси тарафдорлари, бизларни, ўлган жониворларни неча йиллар давомида аста секин сув остида йигилган чўқинди жинслари қоплаганлиги туғрисидаги маълумотга, ишонтирмоқчи бўлишади. Сўнг сув пастга тушади, қуёш тошга айланган қатламларни қуритади ва қотиш жараёни содир бўлади. Бирок ҳаммаси бундай эмас, жонивор сувли муҳитда ўлган вақтда, унга бактериялар ва лошахўрлар ҳужум қилишади ва санокли ҳафталарда ундан ҳатто изи қолмайди. Шунга қарамай, «Кўҳна» Ер ғояси тарафдорлари қатъиян таъкидлашларича, ўлган организмлар юз йиллар давомида сув остида тўлиқ чўқинди жинслар қопланмагунича ётган ва океан суви тушганидан сўнггина миллион йиллар ўтгач тошга айлана бошлаган. Бу – бекор гап, чунки бир неча ой ўтгач ўлган организмлар бошқа, организмлар томонидан изсиз емирилиб кетади.

Бу жониворлар жуда қисқа вақт орасида чўқинди жинслар қатлами аро кўмилиб кетганлиги, мутлақо аёндир. Бундан кейин кўп ўтмай сув тушгач, қатламлар тезда қотган ва уларда асир бўлган организмлар чиришига ва лошахўрлар томонидан ейилишига улгурмаган (9-боб, Умумжаҳон сув тошқини қандай қилиб тошланишни тезда ҳосил бўлишини вужудга келтирганлиги ҳақида сўз юритади).

Барча континентларнинг чўкинди жинсларида миллиардлар тошга айланган моллюскалар сақланган. Қизиқ бўлсада, уларнинг кўпчилигида чиғоноқлари ёпиқ бўлган. Моллюска чиғоноқи, у ўлганидан сўнг тажрибан икки соатдан кейин очилади; шунинг учун бу моллюскалар, қолдиқлар қатлами остида шундай тез кўмилганки, ҳатто очилишга улгурмаган<sup>3</sup>. Ўлик моллюскалар, ҳеч ҳам ёпиқ чиғоноқи билан, узоқ йиллар давомида тубда, чўкинди жинслари қопламагунича, ётиши мумкин бўлмаган.

Бутун жаҳондаги чўкинди жинсларида катта мазорлар сингари тошга айланганлар дуч келади<sup>4</sup>. Глобал ҳалокат, чўкинди жинсларни тезда қатламланиши билан бирга, майиб бўлган ва ўлган жонзотларни шиддатли равишда кўмилишига олиб келди. Сўнгра айтиб ўтгандай, қолдиқлар уларнинг таркибидаги организмлар тезда қуриган ва қотган. Хар хил экосистемадан, турли хил ҳайвонлар ва ўсимликлар тошга айланган мазорларда аралашган ҳолатда «ором топганлар». Эҳтимол, сувнинг даҳшатли оқими бу ҳайвонлар ва ўсимликларни бирга, чўкинди жинслар остида кўмилмагунига қадар олиб кетган.

1976 йили Калифорниянинг Ломпок шаҳарчаси яқинида, фойдали қазилмиларни қазиб олиш жараёнида, кондан узунлиги 25 метрга тенг келадиган, тошга айланган муйловли кит скелети топилди. Кит чўкинди жинсларда вертикал – думида тика турган ҳолатда жойлашган бўлиб, агар «кўҳна» Ер ғояси тарафдорлари фикрига ишонсак, у миллион йиллар давомида пайдо бўлган қатламларни тешиб ўтган. Шу аснода, кит миллион йил давомида денгиз туби думида мувозанат сақлаган<sup>5</sup> ва атрофида аста секинлик билан чўкинди жинслар қоплангунига қадар турган деб, хулоса қилиш туғрими?

Россияда лойли ер ва қумтош қатламларида – гуёки ёши 260 миллион йил эмиш, геоглоғлар 300 тага яқин тетраподларни узунлиги ярим метрдан кўпроқ, судралувчиларни топишди. Бу тетраподлар ҳам вертикал тарзда думи пастда, буйини тепага чузилган ҳолатда кўмилган бўлган<sup>6</sup>. Олимларнинг таъкидлашларича тетраподлар жойлашган чўкинди жинслар, йилига бир неча миллиметр тезлигида қатламлашган. Бундан чиқадикки, бу махлуқлар чўкинди жинслар остида буткул кўмилгунига қадар, минг йиллар давомида «думларида туриб қолганми?» Аксинча, модомики улар жуда қисқа вақт ичида кўмилган экан, демак уларни вертикал ҳолатда қолишлари мутлақо равшандир.

Униформизм тарафдорлари фикрларига кўра Ер куҳнадир. Ер куҳна бўлиши мумкин эмас, чунки яна оддий сабабларга кўра, континентларнинг ҳозирги зангланиш сурати океан билан 15 миллион йилда бутунлай тенг бўларди<sup>7</sup>. Шунга қарамай униформистлар, ўтмишдаги физик жараёнларининг ўзгармас тезлиги ғоясини бекор қилиб, тошга айланганлар ва қуруқликдаги жинсларнинг ёши - 500 миллион йил деб таъкидлашади. Лекин қанчалик қайғули бўлмасин сув ва шамол ёрдамида зангланиш жараёни, қуруқликни 485 миллион йил олдин муқаррар нобуд қилган бўларди.

Агарда жаҳон океанининг даражаси миллион йилларда бир неча маротаба кўтарилиб, сўнг олдинги ҳолига қайтса ва ҳар гал континентларда чўкинди жинслар қатламини қолдирса, демак бу қатламлар океанни ортга чекинган даврида эрозияга (занланиш) дуч келмоғи лозим эди ва яна океан қуруқликни босганида, эрозиядан жабрланган участкалар янги қатламлар билан тўлмоғи керак эди. Бу ҳолда олимлар албатта, анча кечроқ қатламлар билан тўлган водий ва дарё ўзанидан эрозия аломатларини топган бўлардилар. Бироқ геологик колонасида бунга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир<sup>8</sup>. Одатда жинсий қатламлар, пирог қатламига ўхшаб бир бирининг устида жойлашган бўлиб, сув тошқинлари даврида уларнинг пайдар пай қатламланишини билдиради.

Эслатиб ўтиш жоизки, бу геологик қатламлари жуда катта ҳудудларни, бутун давлатларни ва ҳатто қитъаларни забт этган. Агарда чўкинди жинслар қатламлари қитъаларни бутунлай ишғол этмаса, улар геологик жинсларнинг бошқача турига айланадилар. Организмлар бу қатламларнинг остида шундай тезликда кўмилганки, ҳатто бузилишга улгурмай натижада тошга айланган. Полистрат дарахтлари чўкинди жинсларнинг горизонтал қатламларини тешиб ўтган (гуёки миллион йиллар давомида йиғилган), лекин бу ҳолат фақатгина қисқа вақт ичида, содир бўлиши мумкин эди. Илмуфаннинг барча маълумотлари ҳалокатли сув тошқинини кўрсатадики натижада бутун ер юзини сув босиб ўз ичида миллиардлар организмларни асир этган, чўкинди жинсларни кенг қатламларини қолдирган. Ушбу сув тошқини – Умумжаҳон тўфонидир.

## 4-Тасдик

### Тоғлар тахминан 65 миллион йил илгари вужудга келган

«Кўҳна» Ер ғояси тарафдорларининг ўйлашларига, тоғлар тизими сайёрамизга тахминан 65 миллион йил илгари пайдо бўлган, уларнинг фикрига кўра, бу динозаврлар нобуд бўлган даврга тенг келади. Биз аллақачон ишонч ҳосил қилдикки, ўлган динозаврларнинг ёши миллион йил эмас, балки минг йиллардир (бу ҳақда 2-бобда сўз юритилди). Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, динозаврлар қатламлар остида кўмилганларидан сўнг, тез орада бир неча минг йиллар орасида тоғлар пайдо бўлган.

Баъзи тоғлар, ноҳамкор чўкинди жинслар қатламларидан иборат бўлиб, таркибида бисёр миқдорда тошга айланганлар мавжуддир. Тоғлар тузилиши жараёнида, бу қатламларни ҳар томондан ихоталанган – қитъаларни сув босиши натижасида пайдо бўлган жинслар ва қолдиқлар, эзавериб қешайтирган ва бурмалар ҳосил қилган (деформация – ернинг мантиясида отилиб чиққан магмадан ҳосил бўлган ва натижада тоғлар янада баландроқ бўлган 9 бобга қаранг).

Агарда тоғлар 65 миллион йил илгари ҳосил бўлган бўлса (қолдиқ-лардан тоғ тузилиши ҳозирги кунда ҳам кузатилади, бироқ бу узок ўтмиш давридаги процесслар акси садосидир) демак тоғ пайдо бўлиш жараёнида эзилган чўкинди жинслар, анча вақт олдин ҳосил бўлган. «Кўҳна» Ер ғояси тарафдорлари барча чўкинди жинсларнинг ёши 100 дан 500 миллион йилгача деб, таъкидлашади. Бу диапазонга бурмаланган жинсларнинг кўпи дохил бўлармиш. Лекин, агар чўкин-ди жинслар қатламининг ёшини 300 миллион йил десак, демак уша вақтда (одатдаги қарашларга мувофиқ) тоғ пайдо бўлиш жараёни бошланган бўлиб, уни ёши аллақачон 235 миллион йил бўларди. Бу муддатда – океан неча маротаба қуруқликни босиб



сўнгра тушган даврида – бу қатламлар қоя каби мустаҳкамланиши керак эди.

Чўкинди қатламлари, бурмасимон ҳолатга келгунига қадар, қотмоғи лозим эди. Бироқ бу ҳолатда, олимлар, бурмаланган қатламларда нур ўтувчи ёриқларни аллақачон топишарди. Агарда биз бирон жисмнинг майин пластикасини эгсак, нима содир бўлади? У дарз кетади. Худди шундай, чўкинди жинслар қатлами, қисилиб бурмаланганида, дарз кетмоғи лозим эди. Бироқ чўкинди жинсларда, деформация натижасида, дарз кетиш ҳолатидан асар ҳам йўқдир<sup>1</sup>.

Бундай ёриқларнинг йўқлиги, муайян хулоса чиқаришни таъминлайди, тоғ тузилиши жараёнида бу жинсий қатламлар қаттиқ бўлмаган. Бугинги кунда улар қоядек мустаҳкамдир, лекин бурма шаклига кираётганида улар ҳали нам ва юмшоқ бўлган. Демак барча қатламлар биринчи глобал сув тошқини даврида пайдо бўлган, сўнгра қотишга улгурмай бурмаланган<sup>2</sup>. Геология маълумотлари қайта - қайта Умумжаҳон Тўфон теориясини тўлиқ тасдиқлайди.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақт тупроқ зангланиши даражаси, камида 15млн. йилда, қитъалар океан билан баробар бўлар эди. Шунга мувофиқ барча континентал геологик шакллари (ёшлари 15 млн. йилдан кўпини ташкил этади) аллақачон эрозия натижасида йўқ бўлиши керак эди (Агар шундай бўлса, унда барча ёши тенг бўлган, денгиз сатҳидан баландда жойлашган ер шаклларида асар ҳам колмасди). Шунга қарамай, «Кўхна» Ер ғояси тарафдорлари, куруқликдаги қариб барча чўкинди жинслар ёшини юзлаб миллион йил деб, таъкидлашади. Агарда эрозиянинг ҳозирги тезлигини инобатга олсак, унда жинсларни ёшини ўлчаш натижалари, энг кам ўлчовнинг 30-40 маротаба кўтарилганлиги мутлақо маълум қилади (15млн-ни 30 га кўпайтириб, натижада 450 млн. йил оламиз, бу айнан тахмин қилинган чўкинди жинсларнинг ёшига мувофиқдир).

Биринчи навбатда тоғлар эрозиядан нобуд бўлиши лозим эди, чунки улар об-ҳавонинг ёмонлашувидан кўпроқ азият чекадилар. Кўхна Ер ғояси тарафдорларининг фикрларига кўра, тоғлар таркибида ёши юзлаб миллион йилга тенг келадиган жинслар мавжуд. Мадомики, текислик ҳудудларига нисбатан, тоғларда эрозия жараёни анча тез содир бўлар экан. Биз аниқлаган эрозия натижасида, қитъалар 15 миллион йилда океан билан тўлиқ тенг бўлишса, унда тоғлар биринчи 1,5 млн. йил ўтгач йуқолиб қолар экан<sup>3</sup>.

Шу орада тоғларда, таркибида тошга айланган чиғаноқлар, моллюскалар, кораллар ва ҳашаротлар мавжуд бўлган жинсларни

топишган. Улар гўё, эндигина бошланган биологик эволюцияси даврида, 500 млн. йил олдин яшаган (Эволюциянинг миллион йиллар ғояси 8-бобда рад этилган). Кўхна Ер ғояси тарафдорлари таъкидлашларича, биологик эволюциянинг эрта босқичлари геологик колоннада, худди тарих китоби саҳифаларидан-дек, акс топган. Аслида эса, шунча муддатда эрозия бу жинсларни, энг кам ўлчамида 30 маротабагача ер юзидан ўчириб юборган бўларди.

Эскимосслар фольклорида умумжаҳон сув тошқини туғрисида ривоятлар сақланган. Сув тошқини натижасида тошга айланган денгиз организмлари баланд тоғларда урнашиб қолган (Бу қандай содир бўлгани туғрисида 9-бобда ўқийсиз). Бундан келиб чиқадики, бу қадимги халқ намоёндалари кўпчилик замонавий олимлардан анча, ақллироқ экан. Улар, денгиз организмлари тоғга айланаётган чўкинди қатламларига тушиши мумкинлигини, агар глобал сув офати жараёнида қақшаткич сув оқими билан ушланиб, қолдиқлар қатлами остида кўмилгач, сўнг сув океан чуқурликларига тушиб қуруқликда чўкинди жинслар таркибида асир бўлган организмлар қолганини, тан олишган.

Тоғда айланаётган чўкинди жинсларнинг бурмалаган қатламларида, деформациядан ёриқлар йуқдир. Бу шуни билдирадики, тоғлар пайдо бўлиши жараёни Тўфоннинг охири кунларида бошланган ва чўкинди жинслар қатламлари бурма шаклини олаётганида улар ҳали қуримаган ва юмшоқ бўлган. Китъалар денгиз сатҳига нисбатан баландроқ бўла бошлаган (тоғларни пайдо булиши ва чўкиндилар қатламланиши натижасида), океан ҳавзалари эса, баракс чуқурлаша-верган ва Тўфон суви оқими оқиб келаверган (9-бобга қаранг).

Вулқонлар – бу тоғларнинг умуман ўзгача туридир. Улар ер қобиқининг ҳаракатланиши ва океаник тектоник плиталари китъаларнинг остидан сузиб ўтганлиги даврида вужудга келган. Уларни ташкил қилган жинслар мантияни аралашуви билан эриб кетади ва магма кўринишида континентал ер қобиқи аро кўтарилиб, ер сиртига вулқон – моддаларини ташлаб юборади. Ер қобиқининг ҳаракатланиши ер зилзилалари билан боғлиқдир.

Дунёда 50 000 тага яқин сўнган вулқонлар мавжуд бўлиб, асосан фаёл вулқонлардан фарқ киладилар. «Кўхна» Ер ғояси тарафдорлари фикрига кўра, кўпинча сўнган вулқонлар тахминан 65 миллион йил, континентал ер қобиқининг плиталари тўқнашганда тоғ чўкинди жинслари бурма шаклига кирганда (дарзсиз) вужудга

келган. Бирок, бир неча бор айтилганидек, барча “65 миллион йиллик“ тоғлар пайдо бўлганидан 15 миллион йил ўтгач, эрозия натижасида нобуд бўлиши керак эди. Вулқонлар ва зилзилалар – Тўфоннинг биринчи йилларидан кейин, ер қобиқининг тез ҳаракатланиши сабабли, вулканик ва сейсмик фаъолигининг акс садосидир.

Океандаги чуқурликлар, ҳавзалари океаник ер қобиқининг пастга эгилганлиги натижасида вужудга келганини тушунтирилади ва худди шу сингари ер қобиқи тепага қараб буқланиши натижасида, қуруқликда тоғлар пайдо бўлган. Океаник тектоник плиталарнинг тўқнашиши натижасида, қобиқ участкалари пастга эгилиб, океан тубида чуқурлик 11 километр келадиган ҳавзалар пайдо бўлган ва баракс, континентал плиталарнинг тўқнашуви натижасида, қобиқ участкалари ва чўкинди жинслар қатлами шишиб чиқиб, баландлиги 8 километр келадиган тоғларни пайдо бўлишига имкон яратган (бу жараён 9-бобда ёзилган).

Океан тубида аста-секин қатламлар йиғилиб боради. Улар океанга асосан дарёнинг қуйилиш жойларидан келиб тушишади. Океанлар 80 миллион йил ичида чўкинди жинсларга тўлиши керак эди (Чунки жаҳон океаннинг ҳажми денгиз, сатҳидан баланда жойлашган қуруқликдаги эрозияга учраган жинсларнинг ҳажмидан, тахминан 5 баробарга ошади). Бирок, океан ҳавзалари таркибида кичкина ҳажмда чўкинди жинслари мавжуддир. Шу орада, ҳавзалар биринчи навбатда бу жинсларга тўлиши керак эди. Чунки бу ҳавзалар океан тубининг энг чуқур жойи саналган ва уларнинг баъзилари жинсий қатламларнинг асосий манбаи бўлмиш дарё дельталари яқинида жойлашган. Ҳавзалардаги қатламларнинг озгина миқдори хали жуда ёш эканлигидан гувоҳлик беради (9 бобда сўз юритилади).

Агарда «Кўҳна» Ер ғояси тарафдорларига ишонсак, 65 миллион йил илгари, барча ақлга сиғар сиғмас офатлар дунёни ларзага келтирган, динозаврлар қирилиб кетаверган, тоғ тизмалари ўсаверган, минглаб вулқонлар отилиб чиқган, океанларда ҳавзалар вужудга келган ва буларнинг бари қариб бир вақтда содир бўлган. Илму-фан маълумотларига кўра, бу жараённинг барчаси, динозаврларни буткул ўлишидан ташқари, ҳақиқатдан ҳам бир вақтнинг узида, 65 миллион йил илгари эмас, балки бир неча минг йил олдин содир бўлган.

## 5-Тасдик

### Умумжаҳон Туфони – уйдирмадир

Ер шарининг барча гўшаларида, бугунги кунга қадар юзлаб қабилалар ва қabila гурўхлари яшашади. Уларнинг афсоналари оғиздан - оғизга, авлоддан - авлодга ўтиб келмоқда. Афсоналардан бири қариб барча қабилаларда бор бўлиб у тахминан Янги Гвинеяда яшовчи қабилаларнинг афсоналаридек, шундай жаранглайди:

«Бир вақт буюк Тўфон содир бўлди. Сув бутун қуруқликни қоплади ва Ер юзида барча одамзодни, байами халқининг аجدодларидан ташқари, несту нобуд қилди. Байами халқи гобиа дарахтига чиқиб олишди ва унинг пустлоғидан ўзларига туқима халталар тўқиб олишди. Улар дарахтга узлари билан бирга уруғликлар, деҳқончилик қуролилари, чорволари, мол, ит, тўнғиз ва тирикчилик учун барча керакли нарсаларни олиб чиқишди. Сув қанча баланд кўтарилса, улар ҳам шунчалик баландроқ чиқишарди. Бу дарахт шохларида улар хавфсизликда эдилар, чунки дарахтнинг шохлари доимо сувдан кўтарилиб турар эди. Ер юзидан сув буткул тушгач, одамлар дарахтдан пастга тушишган. Ер юзи балчиқ ва лой билан қопланган эди. Ниҳоятда бу халқ, экин экишга муваффақ бўлишди ва уларнинг чорвалари купая бошлади. Кўп утмай омон қолганлар ер юзига тарқалишди ва қайта ерни обод қилишди. Дарахтга чиққан одамлардан само, кубо, гобазини ва эторо халқари пайдо бўлди»<sup>1</sup>.

Қачонлардир ер юзини сув босганлиги ҳақида, 270 тадан ошиқ қабилаларнинг афсоналари, уларни гоё тарафдорларига санаб чиқишига имкон беради<sup>2</sup>. Канаданинг эскимосс қабилаларини ривоятларидан бири шундай дейди:

«Бир вақтлар дунёни сув барбод қилганди. Айрим одамлар олов руҳига айланишди, қолганлар сувда ғарқ бўлишди, фақат бир одам омон қолди. Сув тушгач, бу омон қолган одам ҳассасини ерга урган ва қаердандир аёл пайдо бўлган (Улар насл бошланишига йўл беришди). Уларнинг наслидан Ерда барча халқлар пайдо бўла

бошлади. Тўфон булганини исботига «баланд тоғларда жойлашган, тошга айланган денгиз мавжудотлари» хизмат қилаолади»<sup>3</sup>.

(Тошга айланган, денгиз организмларни қандай қилиб у ерга чиқганлини 9 бобда уқийсиз).

Турли қабилаларнинг афсоналари, Тўфон сюжети тафсилотларидан фарқ қилсада, лекин бири шубҳасиз: Ривоятлар уларга аждодлардан етиб келган. Улар уша бир воқеа (глобал сув тошқини тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлган) яъни, глобал сув тошқини, бизларнинг қисқа тарихимизда бунга ўхшаш воқеалар йук ва бўлмаган. Қадимий асурилар афсоналарида бу шундай юз берган:

«Худолар Энлилем бошчилигида, ер юзини тўлиб кетган одамзотдан тозалашга келишишди, лекин худо Эа бир одамнинг – Утнапиштимни тушига кириб, огоҳлантирди. Утнапиштим қул остидаги хизматкорлари билан бир ҳафта давомида катталиги акрга тенг келадиған етти палубали кема ясади (акр-англия ер улчови 4047 метрга тенг). У кемага оиласи, хизматкорлари ва “барча тирик мавжудотлар уруғларини” олиб кирди. Ерни тубсизлик сувлари босди, тўфон олти кун давом этди. Бўроннинг шиддати ҳатто худоларни кўрқитди. Барча инсонларни нобуд бўлганини кўрган худолар афсўсланиб йиғлашди. Нусур тоғи чўққиларидан ташқари, сув қуруқликни буткул ёпди. Кема шу тоғ устига келиб тўхтаб қолди. Етти кун ўтгач Утнапиштим кабутарни чиқариб юборди. Кабўтар эса, ҳеч қаерда қуруқлик йуқлиги учун қайтиб келди. Сўнг Утнапиштим чумчукни чиқарди, у ҳам қайтиб келди. Ундан кейин қузғуннинг навбати келди ва қузғун қайтиб келмади. Энди Утнапиштим ер юзидан сув пасайиб қолганини ва қуруқликга тушиш мумкинлигини билди. Утнапиштим худоларга қурбонлик келтирди»<sup>4</sup>.

Тўфон мавзуси дунё халқларини фольклорини бирга боғлайди. Масалан Африкада кўпчилик қатори қуйидаги қабилалар: пигмея (Марказий Африка), кикуйю (Кения), йоруба (Нигерия жануби-

гарби), мандинго (Фил Суяки Сохили) ва квая ( Виктория кўли райони)<sup>5</sup>.

Тўфон ҳақида хотиралар сақланган, Шимолий Америкада бу тарихни авлоддан авлодга эскимослар (Аляска), якима ҳиндулари (Вашингтон штати), чиппева (Азим куллар райони) чокто (Жанубий Шарқий АКШ) ва бошқаларда етказган<sup>6</sup>.

Осиёнинг кўп қабилалари, оғзаки ижодиётида ҳам глобал сув тошқини тўғрисида маълумотлар сақланган. Улар орасида, камчадал (Сибирь), бахнат (Кохинхин), миауцо (Жанубий Хитой), чингпа (Бирма) ва андаманлар (Бенгал Қултуғи) қабилаларда сақланган<sup>7</sup>.

Глобал сув тошқини туғрисидаги эслатмалар кўпчилик Европа халқларининг фольклорида жой олган. Жумладан: қадимий юнонларда, олмонларда, кельтларда, викингларда ва уэльцларда<sup>8</sup>.

Марказий ва жанубий Америкада Умумжаҳон Тўфон тўғрисида: яки ҳиндулари (шимолий Мексика), нагуа (марказий Мексика), Майя (Гватемала), ипурина (Амазонка тепалиги), короадо (жанубий Бразилия) ва бошқаларда ривоятлар нақл қилишади<sup>9</sup>.

Австралия ва Океанияда сув тошқини, ҳақида бошқа қабилалар қатори: кабади (Янги Гвинея), гумаидж (шимолий Австралия), маори (Янги Зеландия), мангайя (Кука ороллари) ва Гавайя полинезийларига маълумдир<sup>10</sup>.

Шу шубҳасиз, ҳалокатли сув тошқини туғрисида хотиралар кичик Осиё халқларида ҳам сақланган, бобилликларда (Ироқ), зардуштларда (Эрон), хеттларда (Турция) ва яхудийларда (Изроил)<sup>11</sup>.

Умумжаҳон Тўфони ҳақида ривоятлар орасидан шубҳасиз Библиядаги Ибтидо китоби 6-8 боблари ажралиб туради. Худованд одамлардан ғабланди ва Ер юзига тўфон юборди. Нух Кемасига олган барча нарсалардан ташқари, ҳамма мавжудотни қириб ташлади. Сув 150 кун тургач, ер юзидан туша бошлади. Кема Арарат (шарқий Турция) тоғи устига келиб тўхтади ва Нух қузғунни чиқариб юборди, қузғун қайтиб келди. Сўнгра Нух кабўтарни чиқариб юборди ва у қайтиб келганида тумшуғида зайтун барги бор эди. Шунда Нух, Кемадан чиқиш лозимлигини тушунди.

Мексикалик ҳиндуларнинг мичоакан қабиласида шунга ўхшаш афсоналари бор:

«Сув тўла бошлагач, Тецпи исмли бир одам, узи билан хотини, фарзандлари, ҳар турдаги ҳайвонларни ва ўсимликлар уруғини олиб катта кемага

кирди. Сув пасайишни бошлагач Тецпи грифни (лошахур) чиқариб юборди. Атрофда жасадлар кўплиги боис гриф қайтиб келмади. Бошқа паррандалар ҳам учиб кетиб, қайтиб келмадилар. Ниҳоят Тицпи, колибирини чиқариб юборди ва у тумшуғида яшил шохча билан қайтиб келди»<sup>12</sup>.

Кимки библияда ёзилган Тўфон тарихини афсона деб ҳисобласа, унда улар бутун дунё қабилалар асосчиларини ёлғончиликда айблаган бўладилар. Бу “политкоррект” олимлар учун катта муаммодир. Ер шарининг барча гўшаларидаги мутлақо турли элатлари, кўшнилариининг фольклор мероси бир бирига ўхшашлигига ҳеч қанча қизиқишмайди. Қачонлардир сув бутун дунёни нобуд қилгани тўғрисида афсоналар мавжуд. Бу оддий тасодифлар ва афсоналар негизида ҳақиқий тарихий асослар йуқлиги, эҳтимол ҳаддан ташқари камдир. Бир назарда қараганда, Тўфон фойдасига гувоҳликлар анча кўпдир.

# Кўмир ва нефт маъданларига миллион йилдир

Барча континентларнинг Тўфон натижасида пайдо бўлган чўкинди қатламларида, кенг кўмир қатлами ва бўшлиқлар мавжуд бўлиб, бу бўшлиқлар нефт ва газга тўладир. Улар органик моддаларини (ҳайвонлар қолдиги ва ўсимликлар) тўпланиши натижасида пайдо бўлган. Бу қолдиқлар чўкинди жинслар қатламлари остида кўмилган бўлиб, босим остида қолган ва мантияга яқин жойлашганидан исий бошлаган.

Агар нефт ва газ бўшлиқларига миллионлар йил бўлса, унда бугунги кунда газ, бўшлиқларда босим остида турмас эди, чунки у ковокли чўкинди жинслари орасидан тўхтовсиз ўтган бўларди. Бундан ташқари газли қатламларида жойлашган бутун газ, қолдиқлар орасидан атмосферага камида 100000 йилда сизиб чиқарди<sup>1</sup>. Шу орада тадқиқотчилар, чуқур скважина қазиб нефт ва газ горизонтига етиб боришганида (ёшлари тахминан юзлаб миллион йил) буравик трубаси ёрдамида, катта босим остидан ташқарига устундек газ ва “нефтли фаввора” отилиб чиқади. Жинсий қатламларда жойлашган нефт ва газнинг босими, бу конлар камида 100000 йил олдин вужудга келганидан гувоҳлик беради.

«Кўҳна» Ер ғояси тарафдорлари таъкидлаганларидек, 3000 метр, чуқурликда жойлашган нефт ва газ кони ёшини 300 миллион йил деб, фараз қилайлик. Бу чуқурликда катта босим остида жойлашган газ, чўкинди қатламлари орасидан атмосферага сизиб чиқади (мосламалар газни тепага чиқиб букорланишидан олдин, қайд қилишга имкон беради). Агар газ қатламлар орасидан йилига 2,5см суръатида сизиб чиқди деб фараз қилсак, унда 100.000 йил ўтгач барча газ атмосферага чиқиши керак эди. Барча газ 300 млн. йил ичида



атмосферага чиқиши учун (бу маъданларни тахминий ёши) қатламлар орасидан сизиб ўтиш суръати бор йуғи йилига 0,0075 см ташкил қилиши лозим. Йилига 2,5см суръати-0,0075 см нисбатан ҳақиқат монанд кўринади. Сув ва нефт - ёпишқоқ модда бўлиб улар жинслар орасидан анча тез намланиб ўтишади (масалан, ер ости сувлари ёмғирдан кейин тез даражада кўтарилади).

Чўкинди жинслар қатламларида кўмирнинг кенг қатламлари мавжуд. Уларнинг масофати баъзан юз минглар кв. метрига тенг келади. «Кўҳна» Ер ғояси тарафдорларининг фикрига кўра, бу кўмирлар миллион йиллар мобайнида ботқоқли жойларда ҳосил бўлган. Океан суви қайтгач, ботқоқзорларда ўсимликлар қолдиқи йиғилаверган ва океан суви қайта босгач уларни қолдиқлар қоплаган. Масофаси бир неча юз км бир неча метрлик қалинликга эга бўлган ботқоқни тасаввур қилаоласизми? (кўмир қатлами Оклахома, Миссури, Иллинойс, Индиана, Кентуни ва Пенсильвания ҳудудлари ўлчамида босиб олган?<sup>2</sup>).

Бироқ илму фан оламида, айнан мана шу ботқоқзорларнинг ўринида кўмир конлари шаклланган деган гипотеза ҳукм суради ва бу конлар сайёрамиз бойлигидир.

«Кўҳна» Ер ғояси тарафдорларининг ҳисоблашларича, кўмир миллион йиллар мобайнида шаклланган, чунки кўмирга айланган биомассанинг йиғилишига, кўҳна ботқоқ шароитида ўсимликларни ўсиши ва қуриши учун миллион йиллар талаб қилинади. Кўмир қатламларидаги органик моддаларнинг ҳажми бор йуғи 128 йил давомида ўскан ўсимликлар ҳажмига тенг келади, бошқача қилиб айтканда, бу ҳажм ҳозирги кунда Ер юзида ўсадиган ўсимликлар биомассасидан уч баравар кўпдир<sup>3</sup>. Бизнинг сайёрамизда миллион йиллар орасида, ўсимликлар асосида ташкил топган органик моддалар миллион баравар кўп йиғилади.

Бу жаҳондаги кўмир конларидан ҳам кўпроқдир. Кўмир таркиби ботқоқ ҳудудига хос бўлмаган ўсимликлардан ташкил топган. Қоидага қараганда бу ўсимликлар хусусияти тропик ўрмонларига мос келади (айниқиса тоғли ҳудудларига)<sup>4</sup>. Афтидан бу ўсимликлар синиб сувнинг оқими билан оқиб кетган ва ҳосил бўлган ўсимликлар тўдасини тезда жинсий қатламлар қоплаган. Бунинг барчаси ҳалокатли сув тошқини даврида содир бўлган. Сув дарахтларни илдизидан юлиб, шиддат билан қуруқликни ювган. Сўнг қариб бутун қуруқлик сатҳини қоплаган биомассаларни чўкинди қатламларида «жойлаган».

Кўҳна ер теориясига мувофиқ, кўмир қатламининг кўп қисми 250 млн йил атрофида шаклланган. «Ёш» Ер ғояси тарафдорларидан бир геолог, Австралиянинг кўмир конидан<sup>5</sup> олинган дарахт парчасини ёшини аниқламоқчи бўлиб, радиоуглеродли датчиклар (жинслар ёшини аниқловчи мослама) лабораториясига юборди. Шунда у, бу намуна ёши тахминан 250 млн. йил келадиган қатламдан олинганини билдирмади. Радиоуглеродли датчиклар умуман бошқача ёшни, 30.000 йил атрофида эканлигини кўрсатди (хатто бу рақамлар ҳам ҳақиқатга номувофиқ эди, радиоуглеродли датчик юқори натижани беради, нима сабабда шундай чиқишини 12-бобда билиб оласиз). Лекин бу қандай бўлиши мумкин? Намуна таркибидаги радиоактив  $^{14}\text{C}$  унинг ёши минг йилларга тенг келишидан гувоҳлик беради. Бирок илмий-доктрина тарафдорлари, дарахт кўмир қатламида радиоуглеродли датчики кўрсатган ёшига мувофиқ энг камида 10.000 баравар кўпроқ турганлигини таъкид-лашади. Бу кўмир яқинда яъни, сув тўфони даврида шакллангани мутлақо равшандир (5-бобга қаранг).

«Кўҳна» Ер ғояси тарафдорларининг таъкидлашларича, ҳар бир ҳолатда радиоуглеродли датчиклари кўрсатган натижаларига  $^{14}\text{C}$  кўмир намуналарининг ифлослиги таъсир кўрсатади, лекин бу эҳтимоллик арзимас даражада эканлиги исботланган<sup>6</sup>. Барча намуналар таркибида мавжуд бўлган  $^{14}\text{C}$  (углерод-14) ифлосланиш эҳтимоллиги натижасининг хатолиги, минимум 5 каррага ошади.

Агарда кўмир қатламлари ҳақиқатдан ҳам ботқоқ ўсимлигидан ҳосил бўлганида, унда олимлар қатлам остидан тупроқ ва илдизлар белгиларини топишган бўлишар эди, чунки буларсиз ўсимликлар ўсиши мумкин эмасди. Лекин кўмир қатламлари остида бунга ўхшаш нарса йуқдир. Уларнинг остида тупроқ ёки илдизларнинг бирорта белгилари ва қотишмаларсиз фақат чўкинди жинслар қатламлари жой олган<sup>7</sup>. Буларнинг йуқлиги, кўмирга айланган ўсимликлар сув ва лой оқимини шиддати билан ўсган жойидан бошқа жойга (яъни туриб қолган жойида кўмирга айланган) оқиб келганлигининг қўшимча аломатидир.

Кўмир қатламларида катта дарахтлар пояси дуч келади. Улар ердан сувнинг шиддатидан узилган бўлиб, ўсган жойидан бошқа узокроқ жойга оқиб кетган. Дарахтлар томир қисмидан синганлиги топилган жойида эмас балки бошқа жойда ўсканлигидан гувоҳлик беради<sup>8</sup>. Бу дарахтпояларнинг кўпи 3-бобда айтилган полистрат дарахтига мансуб эмас.

Кўпчилик одамлар, ўсимликлар кўмирга айланиши учун миллион йиллар вақт талаб қилинади деб фикр қилишади, лекин бундай эмас. Юқори сифатли кўмир (атрацит) лаборатория шароитида санокли ҳафталар ичида ишлаб олинган эди. Ўсимлик хом ашёсини қисқа вақт ичида босим остида исситишган ва натижада кўмир ҳосил бўлган<sup>9</sup>. Тўфон ва ундан кейинги даврда ер қобикларида рўй берган ўзгаришлар, кўмир шаклланишига шароит яратиб берган (9-бобга қаранг).

Нефтнинг пайдо бўлиши кўпинча жумбоқ бўлиб қолмоқда. Бирок лабораторияда ер ости сувларидан бир неча соат давомида нефт ҳосил қилиб олинган<sup>10</sup>.

Биз аниқ биламизки, юқори босим остида нефт ва газ конларида жойлашган бутун газ, ковокли қатламлар орасидан камида 100.000 йилда атмосферага сизиб чиқар эди. Барча кўмир қатламлари намуналарида таркиб топган  $^{14}\text{C}$ , кўмир яқин давр орасида пайдо бўлганлигини билдиради. Шундай экан, кўмирни кенг қатламлари, нефт ва газ конларининг ёши минг йиллардир, наинки миллион йил.

## 7-Тасдиқ

# Радиометрик улчовлари тоғ жинсларининг ёши миллион йиллар эканлигини кўрсатади

Олимлар отилиб чиқган жинсларнинг ёшини “калий-аргон” ёки «уран-курғошин» усуллари билан аниқлашганларини эҳтимол эшитгандирсиз ва буларнинг ёшларини миллион йиллар деб ҳисоблашган. Кўҳна Ер ғояси тарафдорлари бизларга радиометрик улчаш усули ишончли ва асосан беҳатолигига ишонтиришади. Аслида эса, бу методлар мутлақо ишончсиз ва исботсиз фаразларга асосланади. (Радиоуглеродли датчиклар маълумотлари тошга айланган жисмларни ёшини боридан зиёд кўрсатган, бу усул 12-бобда куриб чиқилади).

Радиометрик улчови усуллари асносида отилиб чиқган жинсларнинг изотоплари ва қора норадиоактив элементларнинг узаро муносабати ётади. (Масалан, радиоактив урани мустаҳкам курғошингача парчаланиб кетади). Жинс ёши қанчалик катта бўлса, шунчалик таркибидаги радиоактив элементлари парчаланиш ҳолатига келиб, норадиоактив элементига айланади. Радиоактив элементларнинг ҳозирги парчаланиш суръати тадқиқотчиларга маълумдир, шунинг учун улар, радиоактив элементларни меъёридан келиб чиқган қисмини норадиоактив элементига айлантириш вақтини билишади. Бу вақт оралиғида назарий радиоактив элементларнинг парчаланиши бошланган бўлиб, қотиш вақтидан тахмин килинган жинс ёшини билдиради.

Бу системанинг камчиликларидан бири шундан иборатки, отилиб чиққан жинсларнинг қотиши жараёнида мустаҳкам кимёвий элементларнинг (масалан курғошин) кристалланишига ўрини бўлганми? Биз буни била олмаймиз. Агар курғошин қисми кристалланиш йули билан пайдо бўлган бўлса, унда радиометрик ўлчовининг натижалари баландроқ бўлади, чунки кўрғошингача

тушган радиоактив ураннинг ҳисобланган миқдори, ҳақиқатдан парчаланишига йўликган миқдоридан кўпроқ чиқади<sup>1</sup>.

Тадқиқотчиларга ҳозирги кунда радиоактив элементларнинг парчаланиш суръати маълумдир, лекин бу суръат ўтмишда ҳам ўзгармас (ҳозиргидек) бўлганми йўқми, улар билишмайди. Узок ўтмишда уларнинг узлари ҳам (яъни тадқиқотчилар) ва радиоактив элементларни суръатини ўлчайдиган лабораториялар ҳам бўлмаган. Лаборатория шароитида олимлар, кўпинча радиоактив элементларни парчаланиш суръатини ўлчашга муваффақ бўлишарди<sup>2</sup>. Шунинг учун кимдир, бугунги кунда қандай бўлса ўтмишда ҳам худди шундай бўлган деб таъкидласа, унда астрономик ва ёки геофизик ҳалокатни мумкинлигини рад этган бўлади. Бу ҳалокат, радиоактив парчаланиш суръатини бугунги кун кўрсаткичларидан тойишига шароит яратиб берар эди. Агарда парчаланиш суръати бугунги кунга нисбатан баланд бўлганида, унда ўлчанадиган жинслар ёши асл ёшидан улуғроқ кўринаверарди. Агар суръат паст бўлса, натижаси пастроқ чиқади.

Отилиб чиқган жинслар Ернинг геологик тузилишида муҳим роль уйнайди. Улар билан бир қаторда жинсий қатламлар тоғлар ва биёбонлар ҳудудларини вужудга келтирган. Бу жинслар орасидан доимий равишда ёмғир суви ва ер ости булоқлари оқиб туради. Ер ости нордон сувлари отилиб чиққан жинслардан радиоактив элементларини ювиб чиқишади<sup>3</sup>. Орасидан нордон суви оқиб ўтган жинслар, датировка жараёнида ёши катта кўринади, чунки радиоактив элементларнинг қисми ер ости сувлари билан ювилиб кетган бўлади. Тадқиқотчилар радиоактив элементларининг қайси қисми ювилиб чиқганини билишмайди, шунинг учун жинслардаги дастлабки миқдори пастроқ, датировка натижалари эса баланд чиқади.

Бу уч фаразларни исботланмагани ва буларга асосланган радиометрик ўлчовларига, усуллар аниқлигини ўзи қақшатгич зарба беради. Ва ниҳоят, олимлар жинслардаги устувор элементларнинг дастлабки миқдорини ва ўтмишдаги радиоактив парчаланиши суръатини шунингдек, ер ости нордон сувлари радиоактив элементларини ювиб чиқарганми йўқми, қаердан билишади?! Датировка ўтказувчи олим, худди ёниб турган шамнинг дастлабки узунлигини ёнишидан олдин ўлчамасдан туриб, биладиган одамга ухшайди. Бу одамга шамни ҳозирги вақтда ёниш суръати ва шам қолдиқининг узунлиги маълум халос, лекин бундан не фойда? Шам

узунлигини уни ёқишларидан олдин қанча эканлигини бу одам аниқлай оладими? Албатта йўқ.

Вашингтон штатида 1980 йили Сент-Геленз вулкони энг кучли отилиши содир бўлди. Бир неча миль атрофдаги худудлар лава оқимига тўлган эди. Радиометрик ўлчови вулконнинг қотган жинслари ёшига қараб миллион йилга тенглигини кўрсатди<sup>4</sup>. Ҳолбуки лава қатламлари миллион йил олдин эмас балки, бор йўғи бир неча йилда, олимлар ёшини аниқлашга киришганларидан олдин шаклланган эди.

Радиоизотопли ўлчагичлар Гаваядаги қотган лаванинг ёшини бундан 200 йил илгари маҳаллий аҳолининг берган маълумотларига қараганда, бу вулқонга 1,5 миллион йил эканини кўрсатди<sup>5</sup>. Датировка усули асосида ётган хато заминалар, булмағур натижаларга олиб келади.

Жинслар ёшини аниқловчи олимлар найранг ўйлаб топишди ва унинг ёрдамида уларнинг хулосалари ишончлироқ кўринади. Улар эволюционистлардан ўрганиб, ёши ўлчанадиган жинс эволюциянинг қайси босқичига мувофиқлигини сўрашади ва эволюционистлар жавобан айтадилар, масалан: «Ёшини аниқлаш керак бўлган жинс, геологик қатламининг пастки қисмидан олинган бўлиб, у айтайлик 300 млн. йил илгари, балиқлар судралув-чиларга айланаётган даврида шаклланган». Сўнгра датировка мута-хассислари барча ёши 300 миллион йилдан узоқ бўлган намуналарни ташлаб юборишади. Улар намуналар ёмонлигини айтишади. Лекин улар натижаси чиқмагунича ва намуналар “ёмон”-лигини билишмагунларича, бу намуналар ёшини аниқлаш учун яхши деб фикрлашганди<sup>6</sup>.

Илмий олам, сохта ва фанга асосланмаган «Кўҳна» Ер ва эволюция доктриналари фойдасига кўндирилгандир. Эволюционистлар Ернинг ёши миллион йиллигига ишонишади; жинслар ёшини аниқловчи физиклар, эволюционистларни қарашларини бўлишади ва улар остида ҳимояланишади ва шу билан бирга сайёрамиз тарихига эволюцион қарашларига номуносиб “датировка” натижаларини танқид қилишади. Бу мантиқан нодуруст: Олимлар гурўҳи, ёши миллиард йиллик Ерни, сўнг буни исботловчи “датировка” усулини уйлаб топишган.

## 8-Тасдик

### Бир тур хайвонлар бошқа турдаги хайвонлардан миллион йиллар

### давом этган эволюция

### даврида яралган

Эволюционистлар Ернинг ёшини – миллиард йиллар деб, ҳисоблашади. Бундан келиб чиқган ҳолда, уларнинг таъкидлашларича, геологик колонасида тошга айланган жисмларнинг ўрнашиб олгани, миллион йиллар давомида биологик эволюцияни содир бўлганини билдиради (тошга айланган оддий организмлар, қоидага қараганда, пастда эски қатламларда жойлашган мураккаб “эволюцияланган” организмлар эса тепада, яъни ёш қатламларда жойлашган). Шундай экан, унда олимлар бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиб, шакли ўзгарган тошга айланганларни топишлари лозимдир. Масалан, агар юз миллион йил илгари, судралувчи ҳақиқатдан ҳам балиқдан пайдо бўлган бўлса, унда тошга айланганларнинг солномасида балиқ ва судралувчининг белгиларига мос келадиган организм мавжуд бўлиши лозимдир.

Тахминан, балиқлар эволюцияси аста-секин бошланиб миллион йиллар давом этган, бу миллион йиллар давомида судралувчининг белгилари кўпайиб - балиқлар аломатлари эса камайиб борар эди. Бу давр орасида балиқ аломатлари ҳамда судралувчининг аломатлари билан тошга айланган организмлар пайдо бўлиши лозим эди ва олимлар тошга айланган бу ўтувчи давр шаклларни топишни мужаллаган эдилар. Бироқ ҳалигача бирорта шундай шаклдаги тошга айланган организм топилмаган<sup>1</sup>.

Геологик қатламлардан юзлаб миллион қазилма организмлар қовлаб олинган ва уларнинг бирортаси ўтувчи давр шаклига мансуб бўлмаган. Тошга айланганлар солно-масида балиқ - бу балиқ, парранда - бу парранда, туёқлилар - бу туёқлилар, тиранзавлар эса -

бу тиранозаврлар халос. Бир тур хайвонлардан бошқа хайвонлар пайдо булганлигини исботловчи тошга айланган организмлар йўқдир. Дарвин теорияси эволюцияси- барбоддир. «Табиий танлов» бир тур хайвонлар орасида яралган ва яралиб келмоқдалар (бу ҳақда 14-бобда сўз юритилади), лекин насллар (библиядаги сўз бўлиб, энг тор доирадаги хайвонларни ифодалайди) бошқа насл турига эволюцияланмайди.

Эволюция теориясига мувофиқ, янги турдаги хайвонлар аллақачон мавжуд бўлган хайвонлар туридан, генетик мутацияси натижасида вужудга келган. Муҳитдаги радиация ва кимёвий моддалар хайвон генофондини ўзгартиради ва мутацияланган генлар бир авлоддан бошқасига тана тузилишининг арзимас ўзгариши кўринишида ўтади. Миллион йиллар ўтгач ва миллион мутациялар эволюция йўли билан гўёки янги турдаги хайвонлар пайдо бўлади. Лекин буни бир кичик муаммоси бор: мутация доимо ё барбод қилади, ёхуд генетик маълумотларни қайтадан тузади, улар ҳеч қачон янги маълумот яратмайди ва генетик аппаратини мукамаллаштирмайди<sup>2</sup>. Шунга мувофиқан, мутация натижасида пайдо бўладиган аломатлар, кўпинча организмлар учун зарарлидир. Бу пакана буйлилар, иммун танқислиги, организмлар деформацияси, гемофилия ва бошқалардир.

Генетик мутациянинг оқибатларини, қисмларга ажратган телевизорни бола қўли билан «қайта йиққан» иши натижасига тенглаштирса бўлади, деталларнинг ярим қисми синиқ, ярими ўзга жойда, яна ярими бошқа деталлар билан бирлаштирган бўлади. Шунда ҳам эволюционистлар, бола телевизорнинг ажралган қисмларидан янада мукамалроқ модел йиғишни удалашига, ишонишади.

Баъзида мутациялар, хайвонларни атроф муҳитни шароитига уйғунлашишига имкон беради. Масалан, шамоли қаттиқ эсадиган ороларда, калта қанотли мутант қунғизлар, узун қанотли қариндошлари олдида устунлик қилади: шамолнинг шиддати уларни денгизга учтириб юбормайди<sup>3</sup>. Бироқ бу – тоза тасодуфдир, эволюцияни эришган натижаси эмас, чунки калта қанотлар генетик маълумотларнинг юқолиши натижасида вужудга келган. Худди шундай оқ айиқнинг пардали панжалари мутация натижасида пайдо бўлиб, музли сувда ҳаракатланиши учун фойдали чиқди<sup>4</sup>.

Эволюционистлар бизларни, судралувчилар балиқлардан пайдо булганига, ишонтиришади. Агарда бу эволюцияни ҳақиқатдан ўрни бўлганида, унда эволюцияланадиган балиқлар маълум босқичдан



Ўтишларига мажбур эдилар, чунки кўп насллар давомида уларда балиқнинг айрим белгилари сақланиб, судралувчилар маълум белгилари ривожланган бўлар эди. Уларда балиқнинг сузгич қанотлари ва судралувчининг нафас системаси бор деб, тасаввур қилайлик, унда бу мавжудотлар доимий равишда сув сатҳида нафас олиши учун бошини кўтарган ҳолатда сузишлари лозим бўлар эди. (Улар китлар ва дельфинларга ўхшамасди; эволюция теориясига мувофиқ, китлар ва дельфинлар балиқ эмас, балки сутэмизувчи бўлиб, миллион йиллар ўтгач судралувчилардан пайдо бўлган). «Балиқсимон судралувчининг» кўпинча авлоди, кейинги мутациялар жараёнида янги узвлар шаклланмагунча, (нафаси, ва қуруклик шароитида ҳаракатланиши янгитдан ҳосил бўлгунча) ва улар мукамал судралувчиларга айланмагунча, шундай ҳаёт тарзига боғланган бўлар эдилар.

Ярими судралувчи ва ярими паррандадан шаклланган, (паррандалар тахминан судралувчилардан пайдо бўлган) ва минглар авлоди давомида ҳавога кўтарила олмаган, чунки олди оёқининг эволюция - ланиши тугамаган мавжудотни фараз қилинг. Археопетрикс, ҳисобланган судралувчилар ва паррандалар орасидаги «қаторнинг етишмаслиги» натижада қирилиб кетган энг оддий турдаги парранда (иссиқ қон бўлиб) чиқгани, эътиборга лойиқ эмасми?<sup>5</sup>

Энди эса, ярими судралувчи ва ярими сутэмизувчидан шаклланган мавжудотни тасаввур қилинг (эволюционистларнинг ўйлашларича сутэмизувчилар ҳам, судралувчилардан пайдо бўлган). Сутэмизучилар судралувчиларга айланиши учун қисман, бачадонни қайта шаклланиши, сут ҳосилланиши учун кўкрак пайдо бўлиши, иссиқликни таъминловчи узвларни ривожланиши тахмин қилинади, бунинг устига – бу барча биологик мураккаб узгаришлар бир вақтнинг узида содир бўлмоғи лозим эди. Бундай турдаги мутациялар, нафақат янги генетик маълумотни, балки бир вақтнинг узида биологик ўзгаришларига масъул механизмни ҳам яратиши керак эди.

Тошга айланган жисмларнинг геологик колонасида жойланишининг умумий қонунияти, дар ҳақиқат шунга оборадики, оддий организмлар пастки – яъни, секинрок қатламларда, мураккаб организмлар эса, юқори – яъни ёш қатламларда жойлашган. Гап шундаки, олимлар тошга айланганларни «ўзининг жойлашган

жойидан эмас» балки бошқа ердан топишади, бу тошга айланганлар, бошқа гувоҳликлар қатори, дарвинистлар фантазиясини фош қилади.

Хитойда, ёши 500 миллион йил деб тахмин қилинган жинс орасидан, тошга айланган балиқ топилган<sup>6</sup>. Бу топилма эволюционистларни лол қолдирди, чунки эволюция 500 миллион йил олдин бошланиб, моллюскалар, кораллар, шилиққуртлар ва ҳашоратлар пайдо бўлганига, биринчи балиқлар эса, атиги 100 миллион йилдан сўнг вужудга келганига, уларнинг ишончлари комил эди. Кўхна Ер ғояси тарафдорлари, қандай қилиб балиқ «муддатидан 100 миллион йил олдин» пайдо бўлганига, изоҳ топа олмайдилар. Уларнинг тахминларига кўра, бу даврда, оддий бир хужайрали организмлар кичкина моллюскаларга, шилиққуртларга, ҳашоратларга ва коралларга айланаётган эди.

Эволюционистлар шундай аталувчи «кембрик портлаши»-ни ҳам геологик колонасининг тубида бирдан, ҳар турдаги оддий бир хужайралик организмлар (моллюскалар, шилиққуртлар, кораллар ва ҳашоратлар) жумладан, биз ишонч ҳосил қилганимиздек, мураккаб-лари балиқ пайдо бўлганини, тушунтириб бера олмайдилар. Уларнинг ўйлашларича, бу мавжудотлар бир хужайрали организмлардан тахминан 500 миллион йил илгари, кембрийик даврида – гўёки Ерда ҳаёт бошланаётганида, вужудга келган. Бироқ тошга айланган жисмлар солномасида ўтувчи давр шакллари бир хужайралийлардан анча мураккаб шаклдаги организмлар (моллюскалар, шилиқ-қуртлар, балиқлар ва ҳоказо) йуқдир<sup>7</sup>. Бу ажойиб рангоранг шаклдаги организмларлар тўсатдан пайдо бўлган ва уларда эволюцион аждодлари булмаган.

Дарвинистлар геологик колонанинг пастки қатламида жойлашган оддий денгиз организмлар пайдо ишини 500 миллион йил олдин биологик эволюциянинг бошланиши билан боғлашади. Аслида эса, у Умумжаҳон Тўфон бошланишига туғри келади: энг биринчи, денгиз тубида яшовчилар қатламлар остига кўмилган эди, улар ортидан соҳил атрофида яшовчи ҳайвонлар ва ундан сўнг қуруқликдаги анча ҳаракатчан ва ақлли яшовчилари кўмилган. Эволюция тарихи, гўёки жинсий қолдиқлар қатламларидаги муҳридир, аслида эса – кўмилган организмлар хронологиясини глобал сув ҳалокати натижасида кутиш мумкин бўлган, бошида денгиз организмлари, сўнгра соҳил атрофида яшовчилари ва охириги навбатда сув қитъаларни ёпа бошлагач – тез ҳаракат ердаги ҳайвонлардан, ташкил топган. (Тоғлар, Тўфоннинг

сўнги даврларида шаклланганини белгиласак. 4-бобда сўз юритилди.)

Тошга айланган жинсларнинг кўпини денгиз тубида яшовчилар-моллюскалар, кораллар ва йўсинлар (сув усимликлари) ташкил қилилиши ажабланарли эмасдир. Тўфоннинг жушқин тўлқинлари қуруқликга ўпирилиб тушган вақтида, бу мавжудотлар бир онда қум ва лойлар билан кўмилган эди. Юқоридаги тезҳаракат ҳайвонлар эса, бошида қочиш йўли билан нажот топишган охир оқибатда барчаси нобуд бўлиб, чириб чўка бошлаган. Бунинг барчаси тошга айланган жисмлар солномасида сақланган. Тошга айланган судралувчи ва сутэмизувчилар ҳиссаси, сув ва Тўфон қатламига қаршилиқ кўрсата олмаган тошга айланган бешумор денгиз организмларига нисбатан, ғоят камдир. (Турли манбалар, геологик колонасида кўп миқдорда тошга айланган одам таналари топилганлигини маълум қилишади<sup>8</sup>, лекин бу маълумотларни исботлаш мушқилдир. Жумладан, шундай тошга айланган жисмдан ақали биттаси мавжуд булганида – у Дарвин теориясининг ҳақиқат монадлигига жиддий зарба берар эди.)

Агарда эволюция теорияси рост булса, унда тирик мавжудотларнинг аксарият турлари, улардан янги авлод «вужудга келганидан» ў сўнг ер юзидан йуқолиб кетмоғи даркор эди. Эволюцияланган ҳайвонлар тури аждодлари олдида гўёки афзалликларга эга бўлган. Демак, бу «юкори» шаклдаги мавжудотлар уйғунлашган аждодлари билан ҳаёт учун курашида ғолиб чиқишга мажбур, охиргилари эса қирилиб кетиши муқаррар эди. Бироқ бунга ўхшаш ҳолат юз бермас эди. Тошга айланганлар солномасида мавжуд бўлган қариб барча жониворлар, Ер юзида бугунги кунда яшаб келмоқдалар (жумладан динозаврларнинг айрим турлари, 1-бобода исбатланган эди).

Бундан ташқари, олимлар миллион йил илгари қирилиб кетган деб ҳисобланганларнинг «тирик қазилма» турларини топмоқдалар. Дарвинистлар бу турларни, атиги эволюция тарихининг давридек, геологик колонасидаги асирлар биз билан ёнма ён яшашларига ишонч ҳосил қилмагунларича, муҳокама қилишди. (Бундай илмий стереотип бузувчилари қаторига, қисман туатара, целекант, неопилина, лингула ва матасеквоя таълуқли бўлиб, 65 миллион, 300 миллион, 400 миллион ва 30 миллион йил илгари қирилиб кетган деб, ҳисобланган)<sup>9</sup>. Бу турларнинг тирик намояндалари топилган вақтда, дарвинистлар уятдан ёниб, зудлик билан узларининг эволюцион схемаларини таърғиб қилишга киришишди.

«Эволюцион аждодлари» ҳаёт учун кураши натижасида қирилиб кетмаган: уларнинг аксарият қисми бугунги кунга қадар Ер юзида яшаб келмоқдалар. Ҳа, турлари қирилган ва қирилиб кетияпти, лекин эволюцион модели талаб қилган, миллион йиллар давомида макроэволюция натижасида ва кўп миқдорда эмас.

Фанга шундай аталувчи «Лазар-таксонлари» атамаси маълумдир (Лазар, Исо унга қайта тирилишини буюрганида, у ўлганлардан тирилди). Бу термин, узининг кеч пайдо бўлиши асосида, тошга айланганлар солномасида узок ўтмишда «миллион йиллар илгари» қирилиб кетган деб ҳисобланган, лекин кейинчалик анча ёш геологик қатламларида топилган мавжудотларга нисбатан ишлатилади. Шу сабабли дарвинистларга барча турдаги қирилиб кетган ҳайвонларнинг саналарини ва шунга мувофиқ барча эволюцион шкаласини ислоҳ қилишларига тўғри келди<sup>10</sup>.

Ўтувчи давр шакллари, мутациянинг заралиги, «ўзга жойда» топилган тошга айланган жисмлар, турли хил мавжудотларнинг кембрий даврида пайдо бўлиши, қирилиб кетган турли ҳайвонлар сони, бу далиллар алоҳидалиги ва мажмуалигида миллион йиллик эволюцияни реаллигига нисбатан, жиддий шубҳаланишга барча асосларини беради. Бу вақт орасида бир турли ҳайвонлар бошқа турдаги ҳайвонлардан пайдо бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳликлар, бошқача қилиб айтканда мунозарали кўринади.

## 9-Тасдик

### Ер қобиқи қатламларининг ҳаракатланиши миллион йилларда ва доимо секин вужудга келган

Ер қобиқи материк (зич гранитли жинслардан шаклланган) ва океаник (анна зич бальзатлардан шаклланган) қатламларга бўлинади. Ер шарининг айрим минтақаларида океаник қобиқи аста-секин материк қобиқи остига ҳаракатланади, бошқа минтақаларда океаник қобиқи плиталари аста ажраладилар, айрим жойларда эса, бир бирининг устига ўрмалаб чиқади. Бундан ташқари материк қобиқининг гранитли плиталари бошқаларига нисбатан маълум даражада ҳаракатланади.

Материк қобиқининг плиталари мантия – ер ядроси ва қобиқ орасидаги ярим эрилган магма қатлами сатҳида дрейфланади (аста сузади). Анча зичликдан иборат океаник қобиқи плиталари ҳам мантия сатҳида дрейфланади. Бу плиталарнинг барчаси дарз кетган тухум пучоғини эслатади. Бу «пучоғлар» бир бирига яқинлашиб, узоклашиб, натижада ёрилиб бўлақларга ажралади.

Океаник қобиқи плиталари «шўнғиб» материк қобиқи остидан ўтган вақтда мантияга чўқади ва қаттиқ қизиши натижасида, материк плиталарига вулқон ёки интрузия кўринишида юқорига ўпирилиб чиқади. Интрузия бу – қобиқни тешиб ўтган, лекин ернинг сиртига ёйилиб кетмаган магма массасидир (лава эса - бу Ер сатҳига чиққан магмадир). Океаник қобиқнинг плиталари ўзаро тўқнашуви натижасида букла-ниб, чуқурлиги 1 километргача бўлган ер ости тарновларни ҳосил қилади. Материк қобиқнинг плиталари тўқнашганда эса, тоғлар шаклланишига олиб келади.

Океаник қобиқнинг плиталари узоклашган вақтда нима содир бўлади? Лава Ернинг мантиясидан кўтарилиб бўшалган жойларни тўлдиради. Ер шарига коинотдан назар солганда, бу районлар, бейс-

бол тўбидаги чокларига ўхшаганидек туюлади. Бу районлар рифтли зоналардир – улар Атлантик ва Тинч океанининг шимолий ва жанубий қисмларида мавжуддир, улар бирга Жанубий Америка ва Африкага муносибдир.

Дунё харитасига назар соламиз. Шимолий ва Жанубий Американи Европа ва Африкага, пазл қисмларидек, бирлаштириш мумкин ва улар бириккан қуруқликни ташкил қилади. Кўҳна ва ёш ер ғояси тарафдорлари муносиблиги шундаки, иккала Американинг материк плиталари Европа ва Африкадан аста секин узоклашиб бормоқдалар. Қачонлардир улар биргалашиб Пангея қитъасини ташкил қилган. Сўнгра рифтали зоналар пайдо бўлиб Америка, Европа ва Африкадан узоклашган, шунда Атлантика океани вужудга келган. Тинч океанида океаник қобиқ плиталари материк плиталари остидан сузиб ўтгач, «тинч океаннинг оловли ҳалқаси» пайдо бўлган. Бу плиталарнинг контакт зонаси бўлиб, кучли вулқонлар фаъоллиги билан ажралиб туради. Уша вақтда Америка ва Осиё бир бирига яқинлашгач, океаник плиталарнинг орасидаги тўқнашиши натижасида, Тинч океанида тарновлар ҳосил бўлган.

«Кўҳна» Ер тарафдорларининг айтишларича, бу жараёнлар миллион йиллар давомида давом этган. Бироқ, тоғ жинсларида акс топган магнит майдонининг пайдо бўлиши, тектоник плиталарнинг илдам ҳаракатига ишора қилади. Демак, буларнинг бари яқинда содир бўлган<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда плиталарнинг сустр ҳаракатланиши – бу олдинги тезланган жараёнларнинг инерциясидир.

Кўҳна ва ёш Ер тарафдорлари фикрларининг ўхшашлиги шундаки, ўтмишда Ернинг магнит майдони Шимолий кутбдан Жанубий кутбгача ва Жанубийдан Шимолийгача тебранган.

Чукинди жинслар ҳосил бўлаётган даврда бундай магнитли тебранишлар кўп маротаба содир бўлган, неча маротаба деган, савол туғилади. «Кўҳна» Ер тарафдорларининг фикрига кўра, илк магнитли тебранишлар бир неча миллион йиллар илгари содир бўлган ва шундан буён ҳар ярим миллион йилда такрорланиб турган<sup>2</sup>. Чукинди жинслар орасида шаклланган темирга бой минераллар, магнитли кутб йўналишига қараб йўл туттади. Шунинг учун ҳар ярим миллион йилда уларнинг йўналиши қарама қарши томонга ўзгаради<sup>3</sup>.

Бу теорияга катта қийнчилик туғдирадиган шу факт борки, Ернинг магнит майдони доимо кучсизланади ва йигирма минг йил олдин у шу даражагача кучли бўлганки, ундан ажралаётган иссиқликдан ер қобиқи эриши мумкин эди. 150 йилда Ерни магнит майдонининг кучи

етти фоизга камаяди, бу ўлчовларда исботланган. Агарда магнит майдонининг кучсиз суръатини ўтмишда тезлаштирилса, маълум бўладики, 20.000 йил олдин у ниҳоятда кучли бўлган ва катта иссиқлик кучини яратган. Шу боис магнит майдонини йуналишининг ўзгариши миллион йиллар мобайнида давом этиши мумкин бўлмаган. Улар қисқа давр мобайнида – Умумжаҳон тўфоннинг чўкинди жинслари қатламлашганда, рўй берган<sup>4</sup>.

Буларнинг исботига – океан тубида рифтали зоналар бўйлаб лавали жинслардаги минераллар ориентацияси хизмат қилади. Бу лава мантиядан Ернинг сиртига чиқиб, океаник қобик плиталари-нинг тарқалиши натижасида шаклланган ёриқларни, тўлдирган. Лава қотгач тахминан икки ҳафтада тоғ жинсига айланади. Бироқ, бу жинслардаги темирдан таркиб топган минераллар ориентациясига қараганда, лава совуши жараёнида Ернинг магнит майдони йўналишини бир неча маротаба ўзгартиришига улгурган. Демак, ўтмишда Ерда магнитли тебранишлар минг йилларда эмас, балки бир неча кунда содир бўлган<sup>5</sup>.

Бу маълумотлардан биз, магнит майдонининг йуналишининг ўзгариши ва материк жинсий қатламларида қолган акслари ҳам ҳар неча кунда содир бўлганлигини, хулоса қилаоламиз. Бу ўз навбатида, чўкиндилар қатламланиши жуда қисқа даврда, библиядаги Тўфон солномасида келтирилган 370 кун атрофида юз берган. Бу рақамлар, қатламларнинг ўртача қалинлиги - 2км, ва ҳисоботга мос келиши билан, исботланган (бир йил давом этган Умумжаҳон Тўфонига соатига 13 см тўғри келади).

Бугунги кунда дунёда 50.000 атрофида сўнган вулқонлар борлиги маълумдир. Бу вулқонларнинг аксариятининг ёши 65-100 миллион йил бўлганида (Кўҳна Ер ғояси тарафдорлари таъкидлаганларидек), унда улар аллақачон бузилишлари лозим эди. Бир эслаб кўрайлик: эрозиянинг ҳозирги суръати натижасида қитъалар сув ва шамол таъсирида, 15 миллион йилда нобуд бўлар эди. Шунинг учун, бу вулқонлар 15 миллион йилдан анча ёш бўлади. Модомики улар яқинда пайдо бўлган экан Демак, улар қариб бир даврнинг узида, Тўфонгача ва ундан кейинги даврларда, океаник қобикнинг плиталари қитъалар остига сузиб ўтиб, мантия ичида қизиб вулқон ва интрузия кўринишида материк қатламларидан ўтаётган вақтда, пайдо бўлган.

Энди эса «олтмиш тўрт минг» (вакт)да Тўфон сувлари қаердан олиниб қаерга йуқолди деган, саволга қайтамиз. Океаник плиталар орасидаги рифтали зоналарни эслаймиз. Тўфон даврида, плиталар-

нинг илдам ҳаракати натижасида, рифталар орқали сув ва лава шариллаб қуйилган, Пангея бир зумда парчаланган (рифтали зоналарни чизиқи бўйича) ва океаник плиталари қитъалар остига юқори суръатда – конвейер лентаси каби, сирпаниб ўтган.

Вулқоннинг отилиб чиқиши натижасида ажраладиган буғсимон сув тахминан 70% массани ташкил этади<sup>6</sup>, бундан келиб чиқадики Тўфон даврида рифтали зоналардан чиқган лавада ҳам, 70% сув мавжуд бўлган. Бундан ташқари, метеоритнинг океанга тушиши натижасида бошланган қирқ кунлик ёмғир (бу жараён 18-бобда ёзилган) ва стратосферага сув ташувчи «тубсизликнинг азим фавворалари» тўфон сувларининг хажм даражаси, ерости сувларнинг чиқиндиларини ёпмагунига қадар давом этган.

Тўфон ниҳоясида 4-бобда ёзилганидек тоғлар шаклланиши бошланган: шу боис тўфонгача икки километр бўлган океан, чуқурлиги осонгина икки бараварга катталашди (ҳозирги замон океанлари ўртача тўрт километр чуқурликга эгадир). Ер тубидан сизиб ўтган сув ва магма ҳисобидан ва қирқ кунлик ёмғир тўфонгача бўлган қитъаларни яна икки километрга кўмди. Қадимий хитойдаги «Барча билимлар китоби»-да ёзилишича, инсониятнинг гуноҳлари учун «ер бўлақларга парчаланди, сув ўзининг чуқурликларидан ғазабланиб юқорига интилди ва заминни кўмиб юборди»<sup>7</sup>.

Тўфон ниҳоясида қитъалар, жинсий қатламлар, материк плиталарининг тўқнашуви (мисол учун, Ҳиндистон Осиё билан тўқнашди натижада Ҳимолой пайдо бўлди) ва вулканик плиталари кўтарилиши натижасида, баландроқ бўлишди. Океан туби эса, баракс, сув ва магманинг оқишидан сўнг бўшалган чуқурликларга тушди. Шундай қилиб, Тўфон ниҳоясида қитъалар баландроқ кутарилган, океан туби эса чуқурлашган, шу боис Тўфон сувлари океан тубидаги ҳавзаларга тушган. Бу ҳолат Библиянинг Забур китоби 103:5 оятида таърифланган.

Скандинавиянинг олмон қабилаларида бу ҳалокат тўғрисида узларининг фольклорида хотира сақланган:

«Қоядаги ёриқлардан аланга кўтарилди. Ҳамма ерда парнинг ҳуштакли овози эштиларди. Барча тирик жонлар, нимаики ўсган бўлса, нобуд бўлди. Эндиликда барча дарёлар, барча денгизлар кўтарилиб қирғокларидан чиқишди. Улар буғланиб қайнар ва аста-секин борлиқни ёпишарди. Замин сув остига тушарди... Сўнгра замин



аста - секин мавжлардан кўтариларди. Тоғлар қайтадан қад кўтаришди... Қайтадан одамлар пайдо бўлишди. Игдрасиль дарахти ичига яшинган келажак авлод аждоглари ўлимдан нажот топишди»<sup>8</sup>.

Агарда материкалар эрозияланиши доимий суръатда, бугунги кунги-дек бўлганида, унда барча материкалар 15 миллион йил мобайнида бутунлай нобуд бўлишини, ёдга олайлик. Улардан ювилиб тушган қуруқлик массалари океанга тушиб, тўрт километрли чуқурликга эга бўлган ҳавзаларни чўкинди жинсларга 80 миллион йил ичида тўлдир-ган бўларди. Бироқ 80 миллион йил – бу Кўҳна Ер тарафдорларининг уйлашларича, океан ва жинсий қатламлар ёшининг бор йўқи 5% дир, улар, океан 1,6 миллиард йилдан бери мавжудлигини баён қилишади. Бу вақт оралиғида океанларнинг барини, йигирма маротаба чўкинди-ларга кўмилган бўлар эди. Аслида эса, океан тубидаги қатламлар қалинлиги – бор йўқи 300 метр бўлиб, чўкиндиларнинг аксарият қисми дарё дельталарида жойлашган ва Тўфон ниҳоясида вужудга келган<sup>8</sup>. Афтидан чўкинди жинслар океанларда тез, қисқа вақтда йиғилишади<sup>9</sup>.

Оҳактошлар – бу Ер юзида тарқалган қум, қотган гил ва чўкинди жинслардан сўнг учинчидир. Оҳактош мустақил, қум ва қотган гиллар билан аралашган ҳолда жойлашади. Оҳактош Тўфон сувларида, кальций билан ангидрид карбон гази ( $\text{CO}_2$ ) реакцияси натижасида ҳосил бўлган кальций карбонатидан ( $\text{CaCO}_3$ ) иборатдир. Тўфон бошланиб, рифталарда сув ва магма кўтарилган вақтда, улар билан бирга мантиядан ангидрид карбон гази кўтарилди. Туфон сувларида у кальция билан бирлашади, шу зайлда  $\text{CaCO}_3$  – оҳактош пайдо бўлади.

Тўфон давомида маълум жойларда ва маълум вақтдаларда хусусан оҳактошларнинг катта массалари – кальция ва ангидрид карбонат газини оптимал концентрацияси ва сувнинг оптимал ҳарорати натижасида шаклланган. Оҳактошни тез суръатда шаклланиши, геологик колонани муайян қисмини оҳактош қоплашига олиб келди. Бошқа вақтларда бошқача муҳитда кальция карбонати билан бирга оҳактошнинг пайдо бўлишига қум ва гил иштирок этган.  $\text{CaCO}_3$  улар билан тубда жойлашиб, Тўфондан кейин жинсий қатламлар қуриётган вақтда цемент моддаси каби таъсир кўрсатган.

Оҳак-тошни ( $\text{CaCO}_3$ ) аксариятини қумли ва лойли жинслардан топишади. Демак, бу қатламлар кальция ва ангидрид карбон газидан

ҳосил бўлган. Кальция карбонати жинсий қатламларда жойлашган ва цементдек таъсир кўрсатиб жинслар қотишига шароит яратган.

Геологик солномаси шу ҳақда гувоҳлик берадики, яқин ўтмишда, Ер юзини ўзгартирган Тўфон даврида, плиталарнинг илдам ҳаракатла-ниши вужудга келган. Тўфон даврида магнит майдонни йуналишинг ўзгариши «вақтинча музлатилган» бўлиб, бу, темирга бой минерал-лар ориентациясида, лава оқимларида ва улар билан бир вақтда ҳосил бўлган чўкинди жинсларда кўринади. Яқинда шиддатли равишда рўй берган ҳалокатли сув тошқини, чўкинди жинслар қатламлари ва уларнинг ҳозирги даврда зангланиш минералогияси ва геологияни энг яхши тарзда тушунтиради.

### Колорадо катта каньони миллион йилларда шаклланган

«Кўҳна» Ер ғояси тарафдорлари, Аризона штатининг шимолий қисмида жойлашган Катта каньон, миллион йиллар давомида чўкинди жинслар қатламини ювиб кетган Колорадо дарёсидан вужудга келганлигига, ишончлари комилдир. Уларнинг баёнларига кўра, жинсий қатламлар шунча вақт давомида дарёнинг оқиш даражасида қандай ювилиб кетган бўлса, худди шу суръатда кўтарилган. Агарда суръат ўзгача бўлганида, каньон умуман шаклланмасди. Қатламларнинг кўтарилиш суръати миллион йиллар давомида Колорадо дарёси ўзанини тушиши даражасига мувофиқ бўлиши лозим эди, чунки дарё аста секин, лекин аниқлигда кўтарилаётган жинсларни ювиб кетарди.

Бу моделга мувофиқ, жинсий қатламлар кўтарилмаслиги мумкин эмасди, бўлмаса дарё, уларни минг метрлар чуқурликга эга бўлган каньонга ювиб тушмас эди. Лекин маълум жойларда жинсларнинг кўтарилиши (тахминан мантияни интрузив фаёоллиги натижасида келиб чиқган) миллион йиллар давомида айнан ўзгармас суръати билан ўтиши мумкинлигини эҳтимоллиги қандай? Яъни фақат шу суръатда гигант каньон шаклланиши мумкин бўлган. Бундай эҳтимолга арзимас даражада камлиги шубҳасиздир. Агар бу ҳол Аризонада содир бўлган бўлса, унда нима учун шу каби ҳолатлар Ернинг бошқа ҳудудларида рўй бермаган? «Кўҳна» Ер ғояси тарафдорлари тақдим этган модель, ўйлаб чиқарилган ва хатто сафсата кўринади, чунки жинсий қатламларнинг кўтарилиши суръати, ақлга сиғмас узоқ вақт давомида дарёни ювиб кетиши суръатига боғлиқлиги эҳтимолдан узоқ тасодуфларга асосланган.

Шу тарика, ҳақиқат монанд, Катта каньонни вужудга келишини таърифловчи ўзгача модель мавжуд бўлмоғи даркор. Кўндаланг кесимида бу каньон ўнқир-чўнқир қиялиги билан V-шаклини

олгандир. Агарда бу, ҳақиқатдан ҳам миллион йилларда Колорадо дарёсидан шаклланганида, унда қияликлар бунчалик ўқир-чўнқир бўлмас эди ва улар орасидаги масофа дарё ўзанининг кенглигидан озгина ошарди. Бироқ каньон, кўҳна Ер модели таърифлаганидан қариб 20 бараварга кенгроқдир. Эҳтимол бу каньонни шаклланишига сувнинг оқими, сув ҳажми энергиясига таққослаб бўлмайдиган энергия, талаб қилингандир.

Биз аллақачон исботладикки, барча чўкинди жинслар қатламлари ҳалокатли сув тошқини даврида вужудга келган. Жинслар қатламлари қуримаган ва қотишига улгурмаган вақтида бирдан ўпирилган азим мавжлар уларни иккига бўлган, бўлиши мумкиндир. Агар жинслар қотишга улгурганида, унда бита-ягона ҳалокатли мавж уларда, 350 км узунлиги ва бир километрдан ошиқ чуқурликни ташкил этган каньон, “кесиб утмасди”. Бундай турдаги каньонни қуримаган жинслардан шаклланишига, кенглиги тахминан 15 км келадиган, мавжлар энергияси зарур эди, бугунги кунда Катта Каньондан оқувчи Колорадо дарёси – бу оқимга нисбатан бор йўқи анҳордир.

Бундан келиб чиқадики, каньон оқими юқори қисмида жуда катта кўл жойланиши даркор эди. Кўлдаги сувни чўкинди жинслардан иборат бўлган деворлари тутган, сўнгра девор ер қимирлаши ёки ювилиб кетгани натижасида бузилган ва сув азим мавжлари билан пастга оқим билан ҳаракатланиб, Катта Каньон ҳосил қилган. Ўз даврида сув анборини қирғоқи бўлган қоя жинслари, кўлни мавжуд бўлганига кўпгина гувоҳликларни сақлаган. Бу кўл яқин ўтмишда, каньон оқимидан юқорида жойлашган, Юта, Колорадо, Аризона ва Нью - Мексико штатлари ҳудудларини ёпган<sup>1</sup>. «Кўҳна»на Ер ғояси тарафдорлари, каньоннинг пайдо бўлиши азим кўлнинг юқолишига боғлиқ деб ҳисоблашмайди, чунки улар, кўл пайдо бўлган ва Колорадо дарёси миллион йиллар давомида жинсий қатламларни Катта Каньонга ювиб ўтганидан сўнг кўл қуриган деб, каттиқ ишонишади. Уларнинг баёнига кўра, қадимий кўл суви буткул ёки бухорланган ёинки аллақай мавжуд бўлган каньонга оқиб тушган.

Бироқ далиллар каньонни битта азим мавжлар натижасида яралганлигига ишора қилади. Бу мавжлар юмшоқ ва нам жинсий қатламларида кенг ва чуқур сув омборини вужудга келтирган. Агарда кўл буғланиши натижасида юқолганида, унда қуршаган тубида арзигулик миқдорда галит-тош тузи қаватлари сақланмоғи лозим эди, аммо унинг тубида галит миқдори бениҳоят камдир<sup>2</sup>. Эҳтимол, бу кўл Тўфон ниҳоясида, баланд қирғоқлар сувни океанга

ўтишига тўсқинлик қилгани учун ва сув бошқа сув ҳавзалари билан яқин алоқаси бўлмагани натижасида, пайдо бўлган.

Сан-Диего яқинидаги Калифорния чўлида, геологлар юқори қисмидан беш километр чуқурликга кетаётган қум, лой ва балчик қатламини топишди. Катта Каньоннинг анча пастроқ ғарбий тугаш қисмида дельтанинг йўқлиги, энди тушунарли булиябти. Уни вужудга келтирган мавжлар, катта суръатда таркибидаги лой, балчик ва қумни анча нарига, оддий дарёнинг қувватига нисбатан, юзлаб километр ғарбга, Сан-Диего районига, ювиб кетган<sup>3</sup>.

Олимлар эга бўлган гувоҳликларга кўра, дунёда қачонлардир кўпгина ёпиқ кўллар мавжуд бўлган ва улар бизнинг давргача юқолиб кетган. Айрим ёпиқ сув ҳавзалари бугунги кунда мавжуд масалан, Юта штатидаги Катта Тузли кўл шулар жумласидандир. Унга бир нечта кичик дарёлар оқиб тушади ва бирортаси оқиб чиқмайди, сувнинг буғланиш суръати эса, кўлга оқиб келиши сурътидан анча ўтиб кетади. Катта Тузли кулнинг қуриш жараёни бир неча минг йилдан буён давом этмоқда. Тадқиқотлар натижаси кўл атрофидаги қирларнинг тоғ жинслари, кўлнинг дастлабки майдони бугунги кунга нисбатан 17 баравар ва чуқурлиги эса 240 метрдан ошиқ бўлганлигини хулоса қилишга имкон беради<sup>4</sup>.

Бунга қиёс Африкада Чад кўли қуриб бормоқда<sup>5</sup>. У ҳам Катта Тузли кўл сингари - сувни оқиб тушишига монёлик қиладиган, чуқур косада жойлашган. Бу косага ўхшаш қуриб бораётган кўллар ва аллақачон юқолган сув ҳавзалари, Ернинг бошқа регионларида ҳам дуч келади. Шу тариқа, Невада штатининг қариб бутун ҳудудини забот этадиган Катта Ҳавзада юзлаб қуриган кўллар жойлашган бўлган. Яқин Шарқнинг катта қисми қурашган сув ҳавзалари косасидан иборатдир. Улкан косалар кўпинча қуршаган кўллари билан Австралия ва Ўрта Осиёдан топилган<sup>6</sup>. Бу кўллар Тўфон ниҳоясида, қуруқликни ёпган ва узидан чўкинди жинсларнинг кенг қатламларини қолдирган сув қисми, катта косаларда қолиб, океннинг чуқур бағрига оқиб туша олмаганлигидан, вужудга келган.

Маълумки, ҳозирги замондаги сершумор чўллар ўтмишда ўзгача бўлган. Коинотдан олинган расмларда, Сахара ва Яқин Шарқ саҳросининг қумлари остида, қачонлардир бу туманларни суғарган кўл ҳавзалари ва дарё ўзанлари яққол кўринади<sup>7</sup>. Қушма Штатлар жануби-ғарбидаги саҳрони ўсимликлар қолдиқи ва чириндилари аналлизлари, яқинда бу туманнинг шимолий қисмида пакана қарағайлар ва япроқ-ли дарахтлар ўсадиган ўрмон борлигини

кўрсатган, жанубда Мексика сарҳадигача эса, Дуглас пихталари ўсган<sup>8</sup>.

Кичик осие халқининг қадимги хроникаларида, Яқин Шарқ бугунги кунга қараганда – чексиз ўсимликлар билан ёпилгани ва ҳар турли жониворларни сероблигидан, ўзгача тасвирланган. Солномада ёзили-шича, эрамизгача бўлган 2000 йилда, ассирия шоҳи Саргон, Кичик Осиенинг ҳозирги қуршаган марказий қисмида, экспедиция жараёни-да, ёвойи ҳайвонларга тўлиб ётган чангалзор орасидан йул кесиб ўтишига тўғри келди<sup>9</sup>. Қадимий яҳудия манбаларига мувофиқ, Ўлик денгизи атрофида қишлоқ хўжалиги гуллаб яшнаб «сут ва асал зами-ни» дея шўҳрат қозонган. Шарқий Саҳара қоятошларида филлар, бегемотлар, буқалар, жирафа-лар, антилопалар, каркидонлар ва тимсоҳлар расмлари тасвирлан-ган<sup>10</sup>. Тимсоҳлар ҳозирги кунгача Шарқий Саҳарадаги қуршаётган ва ёпиқ кўлларида яшашади.

Умумжаҳон Тўфонидан сўнг тахминан 4300 йилдан кейин, музлик даври бошланган. (келгуси бобларда сўз боради). Музлик даврида Заминни барча ҳудудларига ҳаддан зиёд ёғингарчиликлар кўпаяди ва натижада Тўфон ниҳоясида шаклланган ёпиқ кўллар бор ҳажмидан катталашади. Бироқ музлик даври якунида (тах. 3500 йил олдин) ёғингарчиликлар миқдори бугунги кун даражасигача камаяди ва кўллардаги сувининг буғланиши ундаги сувлар ирмоғидан баланд бўла бошлайди.

Далилларнинг холисона анализлари бизларни, яқиндагина каньон ва ёпиқ сув ҳавзаларни шаклланганига, ишонтиради. Ернинг рельефи гуногун тарзлигидан одамларни ҳайратга солади. Бироқ, унинг шакл-ланишига миллион йиллар талаб қилинмаган. Ўтмишда кузатилган Умумжаҳон Тўфони натижасида вужудга келган ер рельефининг хусусиятлари геологик ва этнографик маълумотлари билан тасдиқланади.

Шу тариқа, катта Колорадо каньони атрофида яшаб утган гавасу-пай қабиласи ҳиндуларнинг афсоналаридан бири, Умумжаҳон Тўфо-ни якунида каньоннинг пайдо бўлиши нақл қилинади:

«Ер юзида одамлар пайдо бўлгунига қадар ерда иккита худо яшаган: Топача-эзгулик худоси ва Гомоката – ёвузлик худоси. Топачада Пукейе исмли қизи бўлган. У, қизини осмон остидаги барча тирикларнинг онаси бўлишини истаган. Лекин ёвуз Гомоката унинг нияти амалга ош-

маслиги учун халакит беришга қарор қилди  
ва бутун қуруқликни ёпган буюк тўфонни ву-  
жудга келтирди. Эзгулик худоси Топача катта  
дарахтни қуллабди ва танасини чуқур уйяди.  
У қизини шу токчага ўтиргизди ва  
босиб келган сув қуруқликни ёпганида, Пукейе  
шу йўл билан яралган кемада, нажот топади.  
Охир оқибат сув туша бошлагач тоғ чўққилари  
кўринди. Дарёлар пайдо бўлди ва улардан  
бири пастга қуллаб, чуқур ёриқлик пайдо қилди  
ва бу катта Каньон бўлди. Дарахт Пукейе  
билан янги Ерга келиб тўхтади; Пукейе таш-  
қарига чиқди ва ҳаётсиз дунёга назар солди»<sup>11</sup>.

## 11-Тасдиқ

### Музлик даври 200 000 йил илгари бошланиб тахминан 10 000 йил олдин яқунлаган

Геологлар асосли исботлари билан маълум қилишадики, уз вақтида Шимолий Европа, Осиёнинг шимоли-ғарби, Шимолий Американинг бирталай қисмини<sup>1</sup> ва бутун Антарктидани азим музли қалқонлар қоплаган. Музли қалқонларнинг пайдо булиши тарихи, кўҳна Ер ғояси тарафдорлари учун жумбоқ бўлиб қолмоқда, чунки улар узларини, музлик даврида Ернинг иқлими бугунги кунга қараганда анча совуқ бўлган деб, ишонтиришган<sup>2</sup>. Бироқ, бу нодуруст фикир, сабаби қор ҳосил қиладиган сув молекуласининг кўп миқдори ҳаво ҳарорати нулдан андак паст бўлган вақтда атмосферада жойлашади. Қутбли районларда ҳарорат анчага пасайган вақтда жуда кам ёғин-гарчиликлар тушади ва у ерда қутбли биёбонлар пайдо бўлади. Шу тариқа, олимлар ва «совуқ музлик даври» ғояси тарафдорлари уни мутлақо асоссиз суриб қуйишади.

Гидрология қонунларидан келиб чиққан ҳолда, исботлаш мумкинки, аслида музлик даврининг қишки ҳарорати ҳозирги кунга қараганда 0°С баланд бўлган. Шунинг учун қиш фаслида жуда кўп қор ёғган. Ёзда эса, ҳарорат бугунги кунга нисбатан пастроқ бўлган, чунки момакалдироқли зарблар туфайли ҳаво доимо булутли бўлган ва бу қорни самарали эришига тўсқинлик қилган<sup>3</sup>. Музлик даври хусусиятига мос азим қорли массивларнинг пайдо бўлиши учун, айнан шунақа шароит зарур бўлган.

Океанлар, дарёлар ва кўлларнинг буғланиши натижасида, атмосферага сув келиб тушади. Атмосферадаги буғли сув ёмғирли ва қорли булутларга айланади. Музлик даврида кенг ва қуюқ булутлар шаклланиши учун сувнинг шиддатли буғланиши талаб қилинган, бу шундан далолат берадики, буғланиш суръати ҳозиргига нисбатан анча устун бўлган. Бунинг сабаби шундан иборатки, Умумжаҳон Тўфон сувининг қисми, ернинг иссиқ қаъридан бўлган. Океан



чуқурлашиб тўфон суви унга тушганида, ҳарорати бугунги кунга нисбатан анча юқори эди. Бу ҳолат сувни шиддатли буғланишига ва уз навбатида сероб булутларнинг шаклланишига олиб келди.

Иллик зимистон ва салқин ёз ойларига қиёсан қандай шароит яратиб бериши мумкин эди? Бири иккинчисига қарама қарши бўлаётгандек, қиш иссиқ келса ёзни ҳам иссиқ келишини кутиш мумкин. Музлик даврида ер устига қалин булутлар қатлами ёйиларди. Қишда бу булутлар қатлами (Тўфон якунида ва ундан кегин вулқон-нинг иссиқлиги билан афзоиш қилиб атмосферага ташлаб юборилган) ерда иллик ҳавони ушлаб турган, шу боис қиш фасли иллик бўлган. Ёз фаслида эса, бу булутлар қуёш нурини утказмаган ва шу боис ёз ойлари салқин бўлган. Натижада қишда жуда кўп қор ёғарди, ёзда эса бу қорнинг энг кичик қисми эришига улгурарди.

Айни вақтда жаҳон океанининг ўртача ҳарорати  $10^{\circ}\text{C}$  ташкил этади. Тўфондан сўнг, «ёш» Ер ғояси тарафдорларнинг баҳо беришларича унинг ҳарорати тахминан  $28^{\circ}\text{C}$  ташкил қилган<sup>4</sup>. Тўфон интиҳога етгандан сунг океандаги сув ҳарорати туша бошлаган ва бу ҳол кўп асрлар мобайнида давом этган. Тўфондан кейин сувнинг совуши ҳақида, арктик сирпанчик музлар қатламида 18-кислород изотопини концентрациясининг камайиши, далолат беради: муз қанчалик баланд бўлса, кислород-18 шу қадар камаяди. Вақт ўтгани сайин океан бора-бора совийди ва атмосферага камроқ кислород-18 тушади<sup>5</sup>. Бу кисло-род буғланган сув молекулаларида таркиб топган. Шу боис, музлик даврида океннинг совиши натижасида шаклланган музда кислород-18 бора-бора кам йиғилган.

Кўҳна Ер ғояси тарафдорларининг фикрларига мувофиқ, океан суви бўр даври (тах.65 миллион йил илгари)бошланишида совиб бошлаган. Уларнинг фикрига кўра, ушанда сув ва ҳаво ҳарорати бугунгидан анча баланд бўлган ва ўсимликларни шиддат билан ўсишига ва динозаврларни бутун Ер юзида кўпайишларига олиб келди. Бироқ бу олимлар, бўр даврида океаннинг илиқ сувининг буғланиши тропик туманларида музликлар шаклланиши учун шароит яратишини, тан олишмайди. Албатта, бу «музлик даври» далиллар билан исботлан-маган, сабаби геологлар бўр даврининг чўкинди жинслар қатлам-ларида сирпанчик музлар ва тундрадан сал жанубда ётган тропик флора ва фауналарни топиб келмоқдалар<sup>6</sup>. Океан сувини совишининг исботларидан бири – бу эслатиб ўтганимиздек, сирпанчик музларда кислород-18 концентрациясининг ўзгаришидир.

Шундай экан, сув-нинг совиши ва сирпанчиқ музларнинг шаклланиши бир вақтнинг узида - Умумжаҳон Тўфондан сўнг бошлаган музлик даврида содир бўлган.

Тўфон яқунланиши билан музлик даври бошланиши учун қулай шароитлар туғилган, айнан уша вақтда музли қалқонлар шакллана бошлаган. Эрамизгача 1500 йилга келиб, уларнинг шаклланиш жараёни яқунлади ва музли қалқонларнинг эриши бошланган. Улар аста-секин ҳозирги ўлчамига яқинлашиб келган<sup>7</sup>.

Музли қалқонлар, музлик даври бошланганидан сўнг бир неча асрлар ўтгач, максимал оғирлик ва қалинлигига етиб борди. Бу вақтда денгиз саёҳатчилари ер шарининг барча бурчакларига саёҳат қилиб, мукамал ва уша музлик остида яшинган ҳудудларни аниқ харитасини чизишга улгуришди. Бу қадимий хариталар билан XVI асрда «кўхна дунё» картографлари раҳбарчилик қилиб, унинг асосида шахсий харита тузишди<sup>8</sup>.

Гренландия ва Антарктиданинг қадимги хариталарида катта аниқлигга бу ҳудудларнинг алоҳида рельефлари изоҳланган. Уларнинг мавжудлигини олимлар яқинда замонавий юқори сезувчанликга эга мосламалар ёрдамида исботлай олишди. Бу мосламалар музлик даврида қуруқлик массивини ёпган қалин музларни «тешиб» ўтишига қодир эди. Бу хариталарга қирғоқ чизиқлари, дарёлар ўзани, тоғлар ва музликгача бўлган Антарктида биёбони, ҳамда музликгача Гренландияни ташкил этган иккита катта ороллар тасвири киритилган. Антарктида 1818 йилгача ҳанўз «очилмаган» эди, олимлар яқинда юқори сезувчанчиликга эга локацион система пайдо бўлгунига қадар бу ҳақда «билишмасди». Ҳолбуки, қадимда денгиз саёҳатчилари бу ерларни музлик давригача кўришган ва уларнинг хариталаридаги кенглик ва узунлик белгиларининг аниқлигига замонавий картографлар ҳавас қилишлари мумкин<sup>9</sup>.

Эрамизгача 1485 йилда Шарқий Уртаер денизидан саёҳатчилар гурўҳи Партолоном (греклар ва мисрликлар авлодидан) бошчилигида Ирландияга денгиз саёҳати уюштирди<sup>10</sup>. Партолона одамлари оролдан фоморларни –Хам авлодидан булган гигантлар қабиласини сиқиб чиқариб, ирландликлар аждодига айланган. Бу кашфиётчиларнинг гувоҳликларига кўра, Ирландияда учта кўл ва тўқизта дарё мавжуд бўлган. Тахминин 50 йил ўтгач у ерга муҳожирларнинг иккинчи гуруҳи келгач, улар кўпгина дарёлар ва кўллар мавжудлигини белгилашди<sup>11</sup>. Бу дарёлар ва кўллар, музлик даврида Ирландияда пайдо бўлиб музликларнинг эриши натижасида вужудга келган.

Қадими ҳиндистон адабиётида ёзилишича, Ориёлилар шимолдан улар томон яқинлашиб келаётган музликдан қочиб, Ҳиндистонга муҳожир бўлиб келишди ва дравидлар қабиласини Жанубий Ҳиндистонга сиқиб чиқаришди<sup>12</sup>. Бу воқеа, ҳиндлар қабиласига ва барчага яхши маълум бўлган Буюк Тўфондан кейин содир бўлди (5-бобга қаранг).

Библиянинг Аюб китобида Яқин Шарқда энг шиддатли қор бўронлари ҳақида маълумот бор<sup>13</sup>. Аюб эрамизгача 2000 йили, музлик даври юқори даражага етган вақтда яшаб ўтган. Эслатиб ўтиш жоизки Аюб, уша вақтда яшаган динозаврлар ҳақида ҳам ёзган (бу ҳақда 1-бобда сўз борди). Бундан маълумки, музлик даври тахминан 4000 йил илгари, Нух авлодлари қабилалари барқарор бўлиб Тўфондан кейин ер юзига тарқалганларида, бошланган.

Музлик даврида жаҳон океанининг даражаси бугунги кунга нисбатан қариб 60 метрга пастроқ бўлган, чунки сувнинг кўп миқдори қуруқ- лигда муз ҳолатида эди<sup>14</sup>. Буларнинг исботига археологлар ёрдамида денгиз тубидан топилган қадимий овуллар ва қисман шельфда Ливан (Ярмута) ва Ҳиндистон (Кембий курфази) атрофида жойлашганли-ги, хизмат қила олади<sup>15</sup>.

Музлик даврида Сибирь Аляска билан буғиз орқали бирлашган. Бугунги замонда бу буғоз ўринида Беринг буғози жойлашган, лекин унинг тубида тундра табиатига хос бўлган ўсимликларнинг қолдиқлари сақланган. Сув тубида тундра бўлмади, демак Беринг буғозининг остки қисми ўз вақтида қуруқлик бўлган. Бундан ташқари у ерда сув ости даралари топилган. Музлик даврида, денгиз сатҳида жойлашгани учун улар сероб дарёлар бўлган. Сибирь ва Аляска орасидаги буғоз жонзотлар ва одамларга Кичик Осиёдан ғарбий нимкуррага муҳожирланишларига имкон яратган. У ерда тўфондан кейин цивилизация тикланган.

Беринг буғози Сибирь ва Аляскани шунчаки бирлаштирмасди. Иллик океанлар яқин жойлашганлиги учун бу қуруқлик йўлини қор ва муз қопламасди. Шу боис одамлар ва жониворлар музламаган йулакдан қийналмасдан бир нимкуррадан бошқасига ўтишарди.

Қадимги тажрибали денгиз саёхатчилари бу регионларга сузгач Осиё ва Америка орасида жойлашган буғозни – музлик даври интихосида сув босқунига қадар харитага киритишган. Уларнинг хариталарида Беринг бўйнининг кенглиги бир ярим километрни ташкил қилади<sup>16</sup>. (Бу хариталарнинг ҳақиқатлигига юқорида айтиб ўтилган Беринг денгизи остида жойлашган дара исботидир).

Бугунги кунда Шимолий Муз океанида тузсиз сувдан ташкил топган музлар массаси дрейфланади (охиста сузади). Тўфондан сўнг муз океанининг совиши сабабли сувнинг буғланиши ва булутлар шакл-ланиши самарадорлиги камаярди. Ёз фаслида Офтоб Евраосиёнинг шимолий қисмини қоплаган музларни эритарди. У вақтга келиб, Ернинг иссиқ ҳавосини ушлаб туриш учун, булутар қатлами етарлича қалинликда бўлмаган, натижада қиш мавсуми совуқ бўлиб қор ҳам кам ёғган. Иқлимнинг ўзгаришлари, кутб музлари эриб Шимолий Муз океанига тушишига олиб келди.

Сўнгра музликнинг тузсиз суви океан сатҳида яхлай бошлади, унинг зичлиги океаннинг шўр сувини зичлигидан камроқ бўлганлиги сабаб, музлик дрейфлана бошлади. Бу музлик Шимолий Муз океанида фақат бир тасодиф орқали яъни тузсиз сув океанга битта азим оқими натижасида, шаклланиши мумкин эди. Агарда ширин сув оқими аста секин келганида эди, унда океаннинг шўр суви билан аралашиб, шўр сувнинг устида йиғилмасди.

Музликлар шаклланиши ва қисқа вақтда максимал даражада яхланиши учун, (бир неча юз йилларда), сўнгра музларни тезда эриши учун (50 йилда бўлиши мумкин) зарур шароит, Умумжаҳон Тўфон яқун топгач, вужудга келган<sup>17</sup>. Тўфондан сўнг океаннинг совиши бу яқин ўтмишдаги музлик даврига, ягона мантиқий тушунчадир. Кўҳна Ер ғояси тарафдорлари музлик даврини бошланишини асл сабабларини тан олишмайди. Уларнинг фикрига кўра, «динозаврлар даврида» (тах. 65 миллион йил илгари) океаннинг иллик суви иссиқ иқлимга боғлиқ бўлган. Бироқ олимлар исботлашди, агарда динозаврлар даврида илиқ океаннинг совиши, булутларнинг қалин қатлами ва ёғингарчиликлар даражаси кескин равишда ўзгаришини шаклланишига олиб келганида эди, унда музлик даври тропик кенглигида бошланарди. Каломдаги сўзларни, Тўфон даврида Ернинг қаъридан ўпирилиб чиқган қайноқ сув «улкан тубсизлик булоқлари» ҳақида, писанд қилмасдан, музлик даврининг бошланиш механизмини тушуниб бўлмайди!

## 12-Тасдиқ

### Радиоуглеродли ўлчовларига мувофиқ, мамонтлар музлик даврида тахминан 10.000йил илгари қирилиб кетган

Узоқ Шимол музликлари ва тундрада катта бўлмаган чуқурликда мамонтларнинг жасадлари топилган<sup>1</sup>. Мамонтлар музлик даври ибтидосида эмас, балки охирида (акс ҳолда улар чуқурроқда қалин муз остида жойлашган бўларди) музлаганлигини тасдиқлашга асос беради. Эҳтимол, улар «ногаҳон сув ва лойқа оқимида чўкган ёки дарё қирғоқлари ё чуқур жарликлар деворларининг қуллаб туши-ши натижасида кўмилиб буғилиб ўлгандирлар»<sup>2</sup>. Бошқа мамонтлар жасади тоза муз қатламларида асир бўлган. Бу музлар ўз даврида эригач пастликларни босган ва музлик даврининг ниҳоясида иқлимнинг кескин равишда совиши натижасида, сув қайта музлаган.

Катта муз парчаларида яхлаган мамонтларни, асосан дарё водийлари ва тепаликлар ён бағридан топишади<sup>3</sup>. Бу жонзотлар, эриган муз бирдан дарёли водийларни босган вақтда ғарқ бўлган. Сўнгра сув музлаган ва мамонтлар муз қобиқи, қор ва шамол билан эсиб келган қатламлар остида кўмилиб қолган. Афтидан, бу ҳодиса бир кун ичида, кечки кузда ҳарорат 0°С дан кўтарилмаган вақтда содир бўлган, қор, муз ва лой чўкган мамонтлар танасини олиб кетган ва қишда музлаган.

Музлик даври якунида булутларнинг шаклиниши ниҳоятда сусай-иб, туманларда иқлим ўзгарган, арктика иклимидай бўлган. Шу боис мамонтлар эрмаган, улар бугунги кунгача музлаган ҳолатида қолган. (Булутлар қатлами шаклланмаслиги сабабли мавсумий ва суткалик ҳарорат кескин равишда ўзгарганлигини инобатга оламиз. Арктикада қиш фасли узун ва совуқроқ бўлгач ёз фасли қисқарган). Бундан ташқари, Арктика тадқиқотчилари Шимолий Муз океани оролларида яхлаган

мамонтларни топишади. Бу ороллар, музлик-лар эриб океан даражасининг кескин равишда тахминан 60 метрга кўтарилганлиги боис, ҳосил бўлган. Жониворлар қитъалардан узилиб қолиб, кўп ўтмай океандаги қуруқлик парчаларида музлаб қолган<sup>4</sup>.

Радиоуглеродли ўлчагичлар, мамонтлар жасади қолдиқларини текшириб, бу жониворлар гўёки 10.000 йил илгари ўлганлигини кўрсатади<sup>5</sup>. Бироқ, ёшни аниқлаш услублари углеродли изотоп-ларга нисбатан, музлик даврида атмосферанинг муҳим таркибини ҳисобга олмайди.

Радиоактив 14-карбонати атмосферада таркиб топган ангидрид карбон газини ( $\text{CO}_2$ ) таркибида арзимас миқдорда жойлашган (атмосферадаги ангидрид карбон газини асосини устувор 12-карбон ташкил қилади). Қуёшнинг ультрафиолет нурлари азот атомига ( $\text{N}_{14}$ ) ҳужум қилиб, атомларни  $^{14}\text{C}$ га айлантиргач, атмосферанинг пастги қисмларида карбонат-14 шаклланади. Бу 14-карбонат кислород билан таъсирланади шу заминда, ангидрид карбон газини айрим қисми молекулалари  $\text{C}_{12}$  эмас, балки  $^{14}\text{C}$ ни ташкил қилади<sup>6</sup>.

Ўсимликлар ангидрид карбон газини ютиб, қўшимча озудадек кислород ишлаб чиқаради. Ўсимликлар тириклигида ва нобуд бўлган вақтида ҳам, карбонат-14 атмосферада қандай бўлса ўсимликлар тўқималарида ҳам шундай қолади. Нобуд бўлган ўсимликларда радиоактив  $^{14}\text{C}$  атомлари аста секин радиоактив парчаланишига дучор бўлиб, қайтадан оддий азот атомига айланади. Шу сабабли, радиоуглеродли ўлчовлар мутахасислари, нобуд бўлган ўсимликларнинг тўқимасида азот қанчалик кўп бўлса, уларнинг ёши шунчалик улуғ кўринишини, тасдиқлайдилар.

Бироқ бу олимлар, атмосферада радиоактив  $^{14}\text{C}$  атомлари миқдори ва оддий  $\text{C}_{12}$  атомларнинг узаро мутаносиблиги, доимо ўзгармаслигига, асосланишади. Бу фараз уларга, ўсимлик тўқима-лар таркибидаги  $\text{N}_{14}$  ни ўлчаб, қанча вақт мобайнида карбонат-14нинг асосий қисми азотга айланишини муайян қилишга имкон беради. Бу вақт –ўсимлик нобуд бўлган вақтидаги ёшидир. (50.000 йилда ўсимликлар намуналаридаги қариб барча карбонат-14 азотга айланади. Агарда намунада  $^{14}\text{C}$  ўлчанадиган миқдори мавжуд бўл-са, унда унинг ёши «албатта» 30.000 йилдан кам бўлади)<sup>7</sup>.

Бирок датировка ўтказган тадқиқотчилар, аслида  $^{14}\text{C}/\text{C}_{12}$  мутано-сиблигини бугунги кунда қандай бўлса, доимо шундай бўлганлиги ҳақида, маълумотларга эгадирлар. Аслида эса, ўтмишда бир қатор сабабларга кўра,  $^{14}\text{C}/\text{C}_{12}$  мутаносиблиги бугунги кунга нисбатан пастроқ бўлган, шу боис радиоуглеродли ўлчовлар баланд натижа-ларни беради.

Биринчидан, Тўфон ниҳоясида ва ундан кейин вулконнинг интенсив фаёоллиги шунга олиб келдики, ер қаъридан ҳавога кўп миқдорда –тонналаб ангидрид карбонат газ ( $^{14}\text{C}$  камаяди) келиб тушади.  $^{14}\text{C}/\text{C}_{12}$  мутаносиблиги пасаяди ва шу вақтда нобуд бўл-ган ўсимликлар датировка жараёнида ёшига нисбатан катта кўринади, чунки олимлар, Тўфондан кейин атмосферада  $\text{C}_{12}$  кўпайганлигини назарга олишмайди<sup>8</sup>.

Маълумки, қуёшнинг ультрафиолет нурлари, азот атомларига ҳужум қилгач атмосферада 14-карбонат ҳосил бўлади. Тўфондан кейин бир неча юз йиллар давомида  $^{14}\text{C}$  ҳосил бўлишига, атмосфе-ранинг пастки қисмидаги қалин булутлар қатлами, ультрафиолет нурларини керакли миқдорда ўтишига, монёлик қилган. Шу боис, булутлар қатлами ҳам  $^{14}\text{C}/\text{C}_{12}$  мутаносиблигининг пасайишига олиб келган, натижада уша даврда ўсиб ва нобуд бўлган ўсимлик-лар радиоуглеродли ўлчовларда, асл ёшига нисбатан катта кўри-нади.

$^{14}\text{C}/\text{C}_{12}$  мутаносиблигига таъсир ўтказган учинчи омил – бу сайёрамизнинг магнит майдонидир. У космик нурлари қисмини Ердан акс эттиради. Бир неча минг йиллар илгари Ернинг магнит майдони бугунги кунга нисбатан анча кучлироқ бўлган (9-бобга қаранг). Шу боис, ўтмишда космик нурлари кам миқдорда атмосфе-ранинг пастки қисмларига етиб,  $^{14}\text{C}$  ҳосил бўлишига қатнашган.

Бир неча асрлар давомида ернинг магнит майдони сусайиб кел-моқда, атмосферадаги  $^{14}\text{C}$  эса, оғишмай купайябди ва тахминан 30.000 йилдан кегин атмосферадаги азот( $\text{N}_{14}$ ) мувозанатига етиб келади<sup>9</sup>. Олимлар томонидан кузатилаётган бу «пойга»  $^{14}\text{C}$ ни  $\text{N}_{14}$ га нисбатан потенциал мувозанати шуни билдирадики, бир неча минг йиллар илгари атмосферадаги радиоактив карбонати даражаси бугунги кунга нисбатан анчагина паст бўлган. Шу тариқа, радиоуглеродли ўлчовлар асосида ётган  $^{14}\text{C}/\text{C}_{12}$  мутаносиб-лиги, аслида музлик даврида ҳаводаги  $^{14}\text{C}/\text{C}_{12}$  мутаносиблигидан анча узоқдир ва шу даврда

нобуд бўлган ўсимликлар ёши табиёки бениҳоят баланд кўринган.

Жониворлар ўсимликлар таркибидаги радиоактив  $^{14}\text{C}$  билан озукландилар, натижада уларнинг тўқималарида жойлашган  $^{14}\text{C}$  вақт ўтгани билан  $\text{N}_{14}$ га айланади. Шу боис, кўпинча ҳайвонлар жасадининг ёши (масалан мамонт, радиоуглеродли ўлчов йўли билан муайян қилиш мумкин), ўсимликлар ёшидек, асл ёшидан анча катта чиқади<sup>10</sup>.

Тўфондан кейин юз йиллар ўтгач, уша даврдаги ўсимликлар каби нобуд бўлган мамонтлар, радиоуглеродли ўлчовлар доирасида асл ёшига нисбатан катта кўринади. Геофизикавий ва иқлимий омил-лар атмосферада (туфондан кейинги даврда)  $^{14}\text{C}/\text{C}_{12}$  мутаносиб-лигига жуда паст шароит яратган ва мамонтлар қолдиқлари учун белгилаган ёши шубҳасиз асл ёшидан узоқдир. Мамонтлар, ному-камал радиоуглеродли ўлчовлар кўрсатганидек 10000йил олдин эмас, балки, тахминиан 3500йил илгари, материк музликларнинг эриши даврида нобуд бўлган. Шу орада, Непалада зоологлар филга ухшаш жонзотни таърифлашди, унинг боши мамонт бошига ух-шарди<sup>11</sup>. Эҳтимол, бу фил – 3500 йил олдин музлик даври ниҳоясини бошдан ўтказган мамонтлар наслидандир.

6-бобда кўмир қатламидан топилган дарахт парчасининг – ёшини 250 миллион йил деб тахмин қилинганлигини, эсга олайлик. Радиоуглеродли ўлчовлар бу дарахт ёшини 30.000 йил кўрсатди. Бу кўрсаткичлар жумладан мамонтлар қолдиқларига ҳам тегишлидир. Фаннинг барча маълумотлари шу ҳақда гувоҳлик берадики, Тўфон даврида жинсларнинг қатламланиши ва мамонтларнинг кўмилиши бир вақтнинг узида тахминан 4000йил олдин содир бўлган. Шу тариқа, радиоуглеродли ўлчовлар усули ўзига хос намуналар ёшини катта кўрсатишини, назарга олмоқлик зарурдир.



### Тахминан уч миллион йил илгари одамлар маймунлардан вужудга келган

Илму фан тарихида дағал фальсификациялардан бири, одамлар маймунлардан (ёки қандайдир номаълум маймунсимон аждод) шаклланган деган «исботлар» билан боғлиқдир. Кўхна Ер ғоясининг айрим тарафдорлари, бу маълумотларга қаттиқ берилиб, эволюцион шаклланишларига (фикрларига) фойдаланган ва бу иштиёқ эволюция «исботларини» мўхрлашга мажбур қилган. Бугунги кунга келиб, товламагарчиликлар фош бўлди, аммо бу қалбаки маълумотларнинг маълум бир қисми ҳали ҳанузгача биология китоби саҳифаларида эволюция теорияси исботларига муҳим рольни уйнаб келмоқда. Ҳеч ким, илмий товламачилик санъатида, дарвинизмни ҳимояловчи олимлар каби бундай чўққиларга эришмаган (14-бобга қаранг).

Маймунлар ва одамлар орасидаги «етишмайдиган қаторнинг» энг муҳим намунаси, пилдаун одам бўлиб қолади. Бироқ, олимлар кўп йиллар илгари, бу қалбаки эканлигини аниқлашган: маймун жағини одамзод бош сўягига мувофиқ келиши учун суяг билан сайқалланган, сўнгра ундан гипсли қолиб ясаб, эволюциянинг «исботи» дея, дунёдаги барча музейларга тарқатишган<sup>1</sup>. Аммо ҳанўзгача, айрим китобларда пилдаун одами «маймунодамлар» мисоли сифатида келтирилган.

«Небраскадаги одам», бу топилманинг бор йўги битта тиши — у ҳам бўлса, тўнғизга тегишли эканлиги маълум бўлмагуни қадар, эволюциянинг маймундан одамга ўтувчи шакли дея, ҳисобланиб келган. Тўнғизнинг бир дона тишидан «олимлар» чарақлаган тасаввуротлари билан маймунодамни «реконструкция» қилиш-ган<sup>2</sup>. Шунга қарамай, «Небраскалик одам» ҳам, айрим китобларда эволюция «теориясининг» фойдасига гувоҳлик сифатида гавдала-нади.

Африкада қазилмалар орасидан узунлиги сал кам бир метрга тенг жасад топилган. Эволюционистларнинг хулосасига кўра, бу топилма аёл жинсида бўлиб, ёш маймунсимон мавжудотга мансубдир. Олимлар бу мавжудотга «Люси» деб исм қуйишди ва приматлар билан одамлар орасидаги «етишмаган қатор» дея эълон қилишди. Одамларникидек бел суягининг букилганлиги билан «Люси» одамларнинг эволюцион аждоди дейишга, дарвинистларга имкон берди. Бироқ, бу олимлар дарахт маймунларнинг бел сўяги букилганлигини эътиборга олишмади, шу боис «Люси» оддий шимпанзе бўлиши мумкин эди<sup>3</sup>. Аммо бу жасадга олдингидек маймундан одамга ўтувчи эволюцион даврининг муҳим намунасидек қарашади.

«Яван одами» 1890-йилларда Эжен Дюбуа томонидан бир бири-дан 15 метр масофада топилган бўлиб, узидан икки гурўх тошга айланган сўякларни ташкил қиларди. Эволюционистлар бирдамлик билан «Яван одамни» *Homo Erectus*<sup>4</sup> авлодига мансуб қилишди лекин, аслида унинг боши арангутанники оёғи эса одамники бўлиб, бундан қунт билан «етишмаган қатор» тузилган<sup>5</sup>.

Дарвинистлар, неандертальларни ҳам маймунлардан одамларга ўтиш даврининг формасига мансуб билишади. Неандертальларни, топилган жасадларининг миқдори бўйича «чемпионлар» деб тан олишган. Неандерталлар бизлардан қош устида ривожланган дўға, пастки жағининг нишеблангани, кейшиқ оёқлари ва қалин қуллари билан фарқ қилишади. Улар пакана ва чорпахил бўлиб, бир сўз билан айтганда маймунодамларга идеал номзодлардир.

Р. Вирхов неандерталлар жасадини топган вақтда, уларнинг жисмоний белгиларининг нооддийлигини кўриб, бу рахит ва артрит касаллигининг натижаси дея, тахмин қилди. Вирхов буларни маълум бир касаллик билан касалланган оддий одамлар деб, ҳисоблади. Сўнгра жасадлар эволюционистларнинг қулларига тушди ва кўхна Ер ғояси тарафдорлари неандерталларни маймунлардан одамларга ўтувчи шакли эканлигини ва бу эволюциянинг навбатдаги «исботлари» дея овоза қилишди. Неандерталлар сўягини қийшиқланиши эҳтимол рахит ёки артрит асоратидир, чунки Тўфонд ортидан бошланган музлик даврида булутлар қатлами қуёш нурларини ўтказмаган.

Бизларга зарур бўлган D витаминининг катта қисми, теримизга Офтоб ультрафиолет нурлари таъсири натижасида ҳосил бўлади. Музлик даври бениҳоят булутли бўлганлиги боис, одамлар витамин D танқислигини бошдан кечиришган ва рахит билан касалланган. Неандерталлар сўяги қийшик бўлганидек, рахит касаллиги сўяклар ривожланишини бузиб қийшайтиради. Европада XIX асрда саноат революцияси даврида, рахит билан касалланганлар сони кескин равишда кўтарилди. Бунинг сабаби кўмир билан ишлайдиган заводларнинг Европа осмонида доимо турувчи тутунли булутларда эди. Неандерталлар ҳам, D витамини етишмаслиги натижасида, рахит касаллиги билан оғриган.

Музлик даврининг ушбу яшовчилари оддий одамлар касал ва қари булган<sup>6</sup>. Эҳтимол улар 100 йилдан зиёд яшашган, чунки Библияда ёзилишича, Тўфондан кейинги ўнта авлодгача инсоният умрининг бир давомлиги тезда қисқарган. Ҳозирги вақтга нисбатан ўтмишда умр бир давомлиги зиёд бўлган, бу фактни кўпгина қадимги тарихшунослар, жумладан Берозос, Николай Дамасский, Гесиод, Гекатей, Мохус, Иероним ва Манефон кабилар тасдиқ-лашган<sup>7</sup>. Ҳозирги кунга келиб, қарияларда букриланиш ривожланиб юз тузилиши ўзгариб бормоқда, бу музлик даврида, неандерталлар билан рўй берган даврнинг суст аксидир.

Агарда одамлар дарҳақиқат маймунлардан вужудга келганида, унда эволюционистлардан, ўтувчи давр шакллари-гоминидларнинг мавжудлигидан, шубҳасиз исботларни кутиш мумкин. Бироқ барча маймундан одамгача эволюциясини тасдиқловчи тошга айланган жисмлар ёки қалбакилаштирилган, вохаланки қўпол хатолар натижасидир. Ҳайратланарли жойи шундаги, қайси иштиёқ билан дарвинистлар даъволарини илмий ҳақиқатда ҳимоя қилишади!

## 14-Тасдиқ

### Одамзод “ирқлари”-ни ҳам хайвонлар “турлари” каби ЭВОЛЮЦИЯ ҚИЛИШГАН

Дарвин теориясининг эволюцияси XIX аср охирига келиб гуллаган даврида, инсониятга хос бўлмаган ҳаракатларни олиб келган идео-логияни туғдирди. Эволюцион идеологияси тарафдорларининг фаразларига кўра, айрим этник гуруҳлар бошқаларига нисбатан кам эволюцияланган ва тўлиқ одам қатори ҳисобланмаган. Бронкса зоопаркида битта қафасда орангутан билан бирга африкалик пигмей қуйилган эди<sup>1</sup>. Қадимий Олам аҳли Австралиялик оборигенларни маймунлардан одамларга ўтувчи давр шакллари деб билиб, узларига ўхшаган одамларни, ёввойи хайвонларни ов қилгандек овлашарди. Оқ танли европаликлар оборигенлар мурдаларини таниш таксидермистларга оборишиб, сўнгра ҳаммага ўз қуллари билан ўлдирилган ёввойилар тулупи билан мақтанишарди<sup>2</sup>. Шимолий ва Жанубий штатлар орасидаги уруши арафасида тарқалган Дарвин теорияси, Жанубий қулдорлар қарашларини мустаҳкамлади. Уларнинг фикрларига кўра, кора танлилар маймунсимон аждодларидан ҳануз узоклашмаган ва шунинг учун улар билан маймунларга муносабат қилгандай муносабатда бўлиш лозим эди. Айрим японлар ҳалигача, танасини туклар қоплаган одамларда, приматлар аломати сақланган деб, фараз қилишади<sup>3</sup>. Илмий ўрнатилган расизм жамъиятга ихтилоф солди ва унинг асоси дарвин философияси бўлиб, «ирқий тафовут» эволюцияси – оддийлардан одамгача тасодуфий мутация йули ҳисобланган.

Эволюционистлар, Ернинг ёшини миллиард йиллигига асосланиб, шундай фараз қилишадики, агарда маймунлар одамларга айланиш жараёни миллион йиллар давом этган бўлса, унда бизнинг май-мунсимон аждодларимизнинг

фақатгина оз гуруҳларига ҳал қилув-чи мутацияга йўлиқишларига омад кулиб боқганлигини ва қолганлар устидан афзалликга эга бўлганликларини билдиради. Фақат шугина гуруҳлар эволюциянинг барча босқичларидан ўтишган, қолганлар эса, охиригача приматлар белгиларидан ҳалос бўла олмаганлар. Шу тариқа, «мукаммал» одамлар тезда кўпайишиб омадсиз рақибларини сиқиб чиқаришган ва уларнинг ноёб генофондлари авлодларига ўтиб такомиллаштишни давом этган. Шу тарзда, эволюционистларнинг таъкидлашларича, «ирқлар» маймунодамлардан эмас, балки биринчи мукаммал одамлардан эволюцияланган. Бу – расистлик, дарвинизм мохиятининг юмшоқ кўринишидир: аммо, шундай йўқми, турли гуруҳ одамлар (“ирқлар”) намоёндаларини бўладиган аломат, муқаррар эволюцион догмалари доирасидаги маънони билдиради<sup>4</sup>. Ушбу догмага мувофиқ, бир «ирқлар» охир оқибат бошқалар устидан узларининг афзалликларини исботлаб, кўпайишиб, «анча мукаммал» генларини бешумор авлодларига ўтказиб, ҳукмфармолик қилишади. Афтидан, бу тарздаги эволюциянинг юмшоқ талқинлари, барибир бир гуруҳ одамлар бошқаларнинг устидан генетик афзалликни фараз қилади. (буни, охиригиларини текшириб билиш мақсадида, аборигенларни ўлдирган давинистлар яққол исботлашган). Адольф Гитлер эволюциянинг «юмшоқ» талқини тарафдори эди<sup>5</sup>, одамзод эволюцияси ҳақидаги дастлабки тасаввуротларига амал қилганида нималар қилган бўларди?

Биринчи «мукаммал» инсонлар, гуё мутацияга йўлиқиб буткул маймунлар аломатидан ҳалос бўлиб, камчиликни ташкил қили-шарди. Афтидан, бу одамларнинг умумий генофонди унчалик катта бўлмаган. Шу боис, ирқлар (инсонлар аро тафовут) вужудга келиши учун мутация лозим бўлган. Мутация бу дастлабки генофондни янги генетик информация йўли билан катталаш-тирган бўларди. Аммо бунинг иложи йўқ (8-бобда изоҳлаганидек). Мутация, генетик маълумотларни доимо нобуд қилади ёки қайта шакллантиради, лекин ҳеч қачон янги маълумот барпо қилмайди. Баъзан мутант –жонзотлар ривожланишади (масалан, қаттиқ шамол эсувчи ороллардаги калта қанотли қунғизлар), фақат шу сабабдаки, мутация кутилмаган ҳолда уларнинг яшашлари учун қулай бўлган бўлса, вохаланки бу мавжудотлар муҳит атрофнинг маълум шарт

шароитига янги генетик маълумотларни пайдо бўлгани туфайли «адаптацияланган».

Пуделлар, итларнинг танлови ва чатиштириши йўли билан неча вақт давомида ҳосил қилинган эди. Пуделлар генофонди уларнинг аجدодлари булмиш – ёввойи итлар генофондидан кичикроқдир, сабаби шунча вақт давомида, хусусан ҳосил қилмоқчи бўлган зотларнинг (пуделларнинг) белгилари пайдо бўлгунича, итларни танлаб чатиштиришган. Кинологларнинг янги зотга оид тасвирот-ларига, ташқи кўринишида мутаносиблиги кам бўлган итларни чатиштирилишига йўл қуйилмаган. Ўринсиз белгиларга эга бўлган жониворларнинг эланиши натижасида, кўп наслар ўтгач итлар генофондидан генетик маълумотларнинг қисми йуқолади. Шу боис, зотли итлар генофонди, уларнинг зотсиз аجدодларининг генофондидан анча кичикроқдир. Бу чекланган генофонд натижа-сида жуфтланган пуделлардан фақат пуделлар туғилади, ваҳолан-ки, генофонди зотдор итлар генофондидан анча катта бўлган ёввойи итлар чатиштирилади ва улардан бир бирига, ҳам ота онасига ўхшамайдиган ит болалар туғилади<sup>6</sup>.

Агар авлодлар гуногунлиги, катта генофондларга эга алоҳида зотларнинг чатиштирилишига асосланса, у ҳолда инсоният «ирқларининг» вужудга келиши ва аجدодларимиз генофонди ҳозирги одамлар генофондидан катталигига боғлиқ эмасми? Бу ҳақиқатга ўхшагани билан дарвинистлар фантазиясига тўғридан тўғри қарама қаршилиқ қилади. Иккита пудел жуфтланганида, фақат пуделлар ҳаётга келади, ёввойи итлар болачалари эса, ота онасига ўхшаши шарт эмасдир. Аналогик тарзда, оқ танли одам-лардан фақат оқ танли болалар туғилади, ваҳоланки хачирлардан турли тусдаги болалар туғилади. Хачирлар генофонди оқ танлилар ва қора танлилар генофондидан каттароқдир; шунинг учун улар-нинг болаларида турли хил белгилари кузатилади. Афтидан, кела-жак авлодларида ирқлар билан ассосиациланадиган одамлар аро тафовут вужудга келиши учун, биринчи одамлар катта генофондга эга бўлишлари лозим бўлган. Эволюция теорияси генетика асос-ларига яққол қарама қаршилиқ қилади<sup>7</sup>.

«Сайенс» журналида ёзилган очиқлик, дарвинистларни ниҳоятда лол қолдирди. Орегона тиббиёт институти олимлари, одамзод гемоглобини структурасини текшириш натижасида, ер

шарининг барча бурчакларидаги одамларнинг «фойдасиз» ДНК участкалари-нинг (интронлар) таркибида, мутация рафтида келиб чиқган, вариациянинг сақланмаганлигини (йўқлиги) аниқлашган. Бу исбот инсоният цивилизациясининг ёшини (у икки уч миллион йил эмас, балки бир неча минг йил бўлиб чиқди<sup>8</sup>) баҳолашга, ҳамда яқин ўтмишда инсонлар популяциясининг халокатли қисқаришда ўрни борлигини хулоса қилишга имкон берди. Дар ҳақиқат, олимлар Умумжаҳон Тўфонидан генетик исботларини олишди. Тўфон, Ер аҳолисини, Кемада нажот топган 8та одамларгача қисқартирган эди<sup>9</sup>.

Айтайлик, биринчи мушуклар генофонди (Тўфонни бошларидан ўтказган одамлар, итлар ва бошқа жонзотлару ўсимликлар) бугун-ги кунда яшовчи мушуксимонлар генофондидан устунлик қилишига ишонч ҳосил қилиш мумкинми? Генларнинг катта тўпламидан, ихчам изоляцияланган популяцияларда ички насллар чатиштирилиши натижасида, алоҳида белгиларга ва кичик генофондга эга (шундай аталувчи “турлар”) мушуксимонлар пайдо бўлди. Миртл-Бич, Жанубий Каролина штатида жойлашган ноёб турлар ва хавф остидаги турлар Институтида, шер ва урғочи йўлбарсни бирга ўстиришган эдилар. Табиий шароитда шер ва йўлбарс адоватда бўлишади, озод бўлмаганликлари учун, шер ва йўлбарс дўстлашиб жуфтлашгач «шерйўлбарс» наслини барпо қилишди. Бу мушуксимонлар насл шакллантиришга қодирдир, бу далиллар шубҳасиз улар фойдасига, яъни умумий аجدодларидан вужудга келганликларидан далолат беради.

Зебра ва эшак жуфтлашгач «зебраэшак» туғилади, касатка ва дельфиндан – «касальфинлар», туя ва ламадан – «туялам», сигир ва ёввойи буқадан – «буқасигир» дунёга келади. Барча ҳолатларда чатиштирилган жуфтларда умумий аجدодлари бўлган ва афтидан улар бир «наслдан» бўлган<sup>10</sup>. Шу тариқа, Ер юзидаги барча одамлар катта генофонд соҳиблари бўлган камшумор аجدодлар гуруҳидан яралган; жумладан бу итларга, мушукларга, отларга, эшаклар, китлар, дельфинларга... тегишлидир. Эҳтимол, сайёрамизда макон топган ҳайвонларнинг миллион «турлари» камсонли аجدодларидан келиб чиқганлар. «Турлар шаклланиши» (эволюционистлар ишлатидиган термин) генофонднинг кичайиши натижасида

содир бўлади, дарвинистлар эса генофондни катталашиши натижасида дея таъкидлашади.

Бир авлодга тегишли бўлган ҳайвонларнинг айрим «турлари» (зебра ва эшак мисолида) репродуктив тарзда бир биридан изоляцияланган. Бу турдаги ҳайвонлар қовушиб авлод яратишга қодир, аммо уларнинг гибридлари зурриётсиздир. Насл яралишининг бузулиши, оқсил билан генетик маълумотларни сақловчи ДНК участкаларининг узаро муносибати натижасида келиб чиқади. Шу тариқа, бу ўхшаш турларнинг гибридлари зурриётсизлиги, уларнинг аجدодлари бошқа-бошқа эканлигини билдирмайди. «Турлардан» бирининг генлари мутация натижасида оқсилнинг таъсирланишига дучор бўлган ва бошқа тур намоёндалари билан жуфтлашиб, самарадорлиги тўхтаб қолган ваҳоланки генетика нуқтаи назарига кўра, ички турларнинг чатиштирилиши уз моҳиятини йўқотмаган<sup>11</sup>. Оқсил таъсири – бу механизмлардан бири бўлиб, у туфайли ҳайвонлар насли вақт ўтгани сайин бошқа алоҳида «турларга» ажралган.

Ҳайвонлар наслининг дастлабки миқдори унчалик кўп бўлмаган, лекин ҳайвонлар (катта генофонд соҳиблари) купайишган ва уларнинг авлодлари ер юзига тарқалиб мустақил гуруҳларни ташкил қилган. Бу гуруҳдан ташқари бўлган ҳайвонлар генофонди аجدодлариникига қараганда кичикроқ бўлган, чунки гуруҳларнинг саравлодлари ота оналаридан генетик фондини фақат маълум бир қисмига эга бўлган. Чатиштириш вақтида, бундай холис гуруҳларнинг ичида, рецессив генлар ҳукм фармолик қилиши мумкин эди, натижада сиртки аломатларининг янгиланиши юз берарди (пудел селекцияси каби). Бу белгиларнинг айримлари – мисол учун қалин мўйина – шимолда яшовчи жонзотларни тирик қолишларига мадад берган, шу вақтда музлик даврида уларнинг қариндошлари калта тукли ёпинчиқлари туфайли совуқдан ўлаверган. Қалин мўйинали ҳайвонлар узларининг авлодларига, шу аломатларга масъул генларини қолдирган, калтатукли қариндошлари эса совуқдан ўлиб насл қолдирмаган. Иқлими совуқ туманларда, қалин мўйинага масъул генлар ҳукм фармо бўлган. Иқлими иссиқ туманларда эса, бу аломат секин йўқолиб бораверган.

Тўфонни бошидан кечирган насл аجدодлари Ер узра тарқалиб қавмлар барпо қилишган. Агарда, улар аждодларининг



генофондини фақат катта қисмига ворислик қилганида, унда турли гуруҳ ҳайвонларда, ҳар эҳтимолга қарши у ёки бу аломатларни рамз билан ифодаловчи (қалин муйин, калта оёқлар, тукли қуллар ваҳоказо) турли умумий миқдорда генлар бўларди. Демак, ҳар турдаги ҳайвонларда неча авлод ўтса ҳам, бошқа гуруҳ намоёндаларидан фарқланишига мойиллиги – «тур шаклланиши»-нинг тузилган механизми бўлган.

Турли гуруҳ намоёндаларининг ўлчамлари ва ҳатти ҳаракатидаги фарқлар ҳам «тур шаклланишига» олиб келган. Шерлар ва йўл-барслар умумий аждодларидан яралганларига қарамай, ашаддий душманларга айланган. Гепард уй мушуки билан жуфтланиши беҳад мушқил, клейдесдал юкташувчи оти – шетланд понийси билан ва лама – туя билан жуфтланиши мушқилдир. Турли ҳайвонлар орасида ташқи кўриниши қанчалик кўпайса, шунчалик насллар орасидаги чатиштиришлар аён бўларди.

Умумжаҳон Тўфондан сўнг, Ердаги иқлим бугунги кун иқлимдан бениҳоят фарқ қиларди. Музлик даврида – қорлар ва ёмғирлар ниҳоятда кўп ёган (ёмғирлар тропик кенглигида ёғарди). Тўфон сўнгида тоғлар шаклланган; шу тариқа янги экологик зоналар яралган (улар муҳитга мослашиши лозим эди). Бир регионда жонзотларнинг айрим аломатлари фойдали бўлса, бошқа регионда унчалик фойдали бўлмаган. Муваффақиятли генлар авлодларига ўтаверган, янги шароитга кўника олмаган жонзотлар эса, ўлаверган.

Нуҳ авлодлари Ер узра таркалганларидан сўнг, сершумор насл-ларга бўлинишди. Бу насл одамларнинг ташқи кўриниши ҳам, холис гуруҳлардаги турли насл жонзотларнинг аломатлари каби, ўзгарган. Натижада одамларнинг турли гуруҳлари (ирқлар) вужуд-га келган. Уларнинг махсус белгилари, жонзотлар гуруҳларини «тур шаклланишига» олиб келган фактлар таъсирида, шаклланган.

Маълум белгиларга генетик мойиллигини яққол мисоли – қуёшли Жанубий Американинг асл яшовчиларининг оқ сариклигидадир. Оқсарик жанубий Америкаликлар, тери касаллигини келтириб чиқарадиган қуёшли радиацияга анчагина мойилдир; тери қорачадан келган одамлар эса, қуёшли радиация регионлар ҳаётига анчагина мойилдирлар. Шу тариқа, оқ-сарик аборигенлар Жанубий Америка иқлимига мослаша олмаган ва

дарвин эволюцияси рафтида буғдойранг одамларга айланмаган. Уларнинг терисини ранги генетик мойиллигига асосланган. Шу боис, Жанубий Америкага муҳожир бўлгач, қуёшли иқлимга генетик мойил-лигига қарамай, улар оқ-сарик бўлиб қолаверган.

Саммитлар қабиласи намоёндалари, булутли Аляскада яшаш-ларига қарамай, буғдойранглар. Буғдой рангли теридан, маллаларга нисбатан, ультрафиолет қуёш нурларини ўтувчанлиги анчагина камрокдир. Вахоланки, бизларга зарур булган D витамини, ультрафиолет қуёш нурлари терига таъсирланиши натижасида ҳосил бўлади. Демак, буғдой рангли одамлар булутли иқлим натижасида рахит билан касалланиш хавфи кўплигидан, регионлар ҳаётига ёмон мойиллашган. Бироқ, саммитлар қабиласи, аждодларидан меросий генларининг буғдойрангга мойиллигидан, қуёш нури кам бўлган Аляскада барии бир тирик қолишди.

Олдинги бобда неандерталлар ҳақида сўз юритилди. Бу ҳар эҳтимолдан, музлик даврида шимолий нимкурра музликлари яқинида яшаган буғдой рангли одамлар бўлган. Доимий булутли ҳаво туфайли, улар D витаминининг етишмаслигидан оғриган. Бу витаминнинг етишмаслиги рахитга – суякларни қалинлашиши ва қийшайшига олиб келган. Аляскалик саммитлар неандерталлар-дан фарқли равишда D витаминига бой бўлган – кўп балиқлар истеъмол қилишади ва у рахит касаллигига чалинмасликга имкон беради.

Дарвин теорияси тарафдорларининг маълум қилишларича, ҳай-вонлар «тури» ва шунга мувофиқ одамзод «ирқлари» мутация ёрдамида узларидаги аъло даражали белгиларга эга бўлган, мута-ция гўёки генофандларни кенглаштириб янги генетик маълумотни барпо қилади. Аслида эса, бу «турлар» ва «ирқлар» аждодларидан мерос қолган генофондининг кичайиши натижасида вужудга келган; бунинг натижасида кичайишлар генетик тафовутлар кўринишида намоён бўлди.

Вахоланки, ирқлар аро ёмон ном билан танилган генетик тафовутлар, кутилганидан ниҳоятда кичик бўлиб чиқди. Ер шарининг барча ҳудудларида яшовчиларнинг ДНКсини текширгач, олимлар, истаган иккита турли ирқлар намоёндалари орасида, ўртача иккитадан битта «ирқлар» намоёндалари орасидагига нисбатан, ҳақиқатдан ҳам генетик тафовутлар камроқ эканлигини маълум қилишди<sup>12</sup>. Шу тариқа, мавжудотлар

атроф муҳитнинг узига хос ўзгаришларига миллион йиллар давомидаги эволюциянинг қулай мутациялари таъсири остида, гўёки «мослашган»-ликлари учун эмас, балки барча инсоният – битта зотдан яралган бўлиб, биологик маънода генофондлардаги фарқлар орқали шохаларга ажралган.

## 15-Тасдиқ

# Ҳайвонларнинг миллион «турлари» Нўҳнинг кемасига жойлаша Олмадилар

Эволюционистлар, Тўфон даврида Нўҳ Кемасида ер жонворла-рининг барча намоёндалари жойлашганлигини тўғрисида, кулгули мулоҳазаларни ўйлаб топишади. Нахотки жонзотларнинг миллион «турлари» бурунги буржада жойлаша олишса? Олдинги бобда биз, турлар шаклланиши, генофонднинг кичайиши натижасида вужудга келганлигини ва ҳайвонларнинг атроф муҳит шароитига мослаш-ганлигини, исботладик. Шу тариқа, дастлабки наслар, улардан пайдо бўлган «турларига» нисбатан, кўп маротабага кичикроқ бўлган, лекин уларнинг генофонди, кичик генофондли кўп навли авлодларини таъминлашига етарли даражада катта бўлган. Демак, Кемада мутлақо миллионар нафар ҳайвонлар мавжуд бўлмаган.

Креационист олимларнинг фикрларига кўра, бугунги кунда ер юзида яшовчи ҳайвонларнинг миллион «турлари» бор йўқи 16.000 ҳар хил жонворлар наслидан вужудга келишлари мумкин эди<sup>1</sup>. Бу жонзотларнинг катта қисми, қўй ёки ундан кичикроқ жонзотларнинг ўлчамида бўлган. Маълумки, Нух Кемасининг узунлиги тахминан 137 метрни, кенглиги- 23м, баландлиги 14 метрни ташкил қилган. Шу боис, барча 16.000 намудлар, унинг хажмидан атиги 15%ни эгаллаган! (Динозаврлар ва бошқа улкан жонворларга келсак, афтидан, нажот топиш учун Кемага фақат ёш, кам жой ва кам овқат танаввул қиладиган намудлар жойлашган). Кеманинг сифими ҳисоб-китоби ва йил давомида 16.000та жонзотларни парваришлаш имкони шуни кўрсатадики, ғамланган озиқ-овқатлар атиги 12%ни, ичимлик суви атиги 9% жойни эгаллаган<sup>2</sup>. Шундай қилиб, жониворларнинг эҳтиёжлари ва уларни парваришловчи саккиз нафар одамлар учун, Кемада етарлича жой бўлган.

Қадимги кемасозларга, Нух Кемаси каби кемаларни ишлаб чиқариш техно-логияси маълум бўлган. Ҳатто бортдаги кўп миқдордаги жонзот-лар мавжудлиги муаммо туғдирмаган. Қадимги юнонлар улкан ҳарбий кемалар яшашган, улардан яққол мисолида тахминан эрамизгача 300 йилда сувга туширилган «Леонтифера»дир. Унинг 8та палубасида умуман олганда 1600 нафар кема эшкакчилари кема бўйидаги қаторларда 100 нафардан жойлашиб<sup>3</sup>, узунаси 170-200 метр (Нух Кемасининг узунлигидан ошади) келадиган бу азим кемани ҳаракатга келтиришган. Қадимий цивилизация маркази-нинг Инда водисидаги (шимоли-гарби Хиндистон) Мохенджо-Даро яшовчилари – Масих Мавлудигача минг йил илгари, шаҳарни сув билан таъминлашни ва канализацияни, ҳожатхонадаги совуқ ва иссиқ суви билан ноёб системасини яратишди.

Лотал қадимги ҳинд шаҳрида, эрамизгача тахминан 2000 йилда сунъий док (кемаларни таъмирловчи иншоот) – трапеция шаклдаги 200га 20 ўлчамида, ҳавза қурилган. Ушбу докда ништак ва кемаларнинг кириб чиқишига мосламалар ҳамда кемалар юк оли-ши ва юк тушириши мумкин бўлган. Қадимий хитойликлар ҳам, илғор технологияси асосида конструкция элементларини бирлаш-тириб, мураккаб порт иншооти қуришган<sup>4</sup>.

Бурунги дурадгорлар ҳам, замонавий дурадгорлар арсеналига кирадиган асбобларнинг баридан: болталар ва тешалар, ёғочли ва металдан ясалган болғалар, искана ва тиғлар, қайчилар ва дреллар, рандалар ва сухонлар, рейсшиналар ва циркуллардан фойдаланишган. Замонавий усталар қуллайдиган: ғўлабанд, михлар, тирноқлар, елимлаш ва қийшайтириш, ҳамда мураккаб пайвастлашиш ва киритиш йўли билан деталларни бирлаштириш усулларининг қарийб баридан хабардор бўлган<sup>5</sup>.

Тўфондан кейин биринчи асрларда моҳир денгиз саёҳатчилари бутун дунёни кўздан кечириб, музлик давригача булган, китъалар-нинг қирғоқ чизмаларини муфассал харитасини тузишган. Ушбу хариталарда, ҳозирда музликлар билан қопланган ҳудудларнинг рельефлар хусусияти белгиланган. Буларнинг мавжудлигини олимлар яқинда, охириги ўн йилларда эхолокациянинг янги воситалари ёрдамида тасдиқлашга муваффақ бўлишди (11-бобга қаранг). Объектларнинг кенглиги ва узунлиги тўғрисида курсат-

маларнинг аниқлиги, қадимги денгиз саёҳатчиларнинг олий даражали билим ва ажойиб зеҳн соҳиби эканликларидан далолат беради. Яқинда олимлар, қадимги навигаторлар денгизда эгат очиб ва ҳақиқатдан замонавий аниқлик билан тафтиш қилинаётган ҳудудларнинг харитасини тузишига имкон берган механизм белгиларини англаб олишди. Координатларни аниқловчи ушбу асбоб фавқулодда жисмлар проекцияси бўйича, хочдан ва унинг атрофида айланувчи ҳалқадан иборат бўлиб, ҳалқанинг керакли жойига ипга боғлиқ шаст лангарчаси боғланган эди. Шаст лангар-часи тикка осилиб хочга нисбатан ҳалқа ҳолатини туғриларди.

Миср эҳромлари ва Бобил (Ассурия) зиккуратлари, қадимий майя ва инкларнинг маҳобатли иншоотлари ва бу шоҳ асар архитекту-расини яратган моҳир меъморларнинг ажойиб ихтирокорлиги билан барчани лол қолдиради. Бурунги архитекторлар узларининг ҳисобларида муқаррар юқорида таърифланган «Кельтс хочи»-дан фойдаланишган<sup>б</sup>.

Нуҳнинг Кемасига келсак, қадимий тарихшунослар ишларида, кеманинг сузуши ҳақиқатдан ҳам, Библияда кўрсатилган шарқий Турциянинг «Арарат тоғлари»-га келиб тўхтаганлиги ҳақида, гувоҳликлар келтирилган. Иосиф Флавий, тахминан 2000 йил олдин ёзган эди:

“Хозирги барча мажусий солнома ёзувчилари, тўфон ва ушбу кемани эслатишади; жумладан халдей (бобиллик) Берозос, у Тўфон ҳолатини тасвирлаб, шундай ёзади: «Айтишларича, кеманинг қисми хануз Арманистондаги Кордиена тоғида жойлашган ва одамлар дарахт ва мум парчаларини йиғиб, балогардон тўмор сифатида узлари билан олиб кетишади». Бу ҳақда мисрлик Иероним ва «Финикавий қадималар» муаллифи ва бошқалар хотирлашади. Николай Дамасский тўқсон олтинчи китобида шундай ёзади: «Арманистонда азим Барис тоғи мавжуд, ривоят қилишларича тўфондан қочган одамлар шу тоғда нажот топишган; ҳамда кемада сузган қандайдир инсон шу тоғнинг чўққисига келиб тўхтаган. Уша кеманининг ёғочли қолдиқлари узоқ вақт давомида сақланган. Яхудий-

ларнинг қонунбарори Мусо китобида эсга олинган инсон, муқаррар уша инсондир»<sup>7</sup>.

Қадимги тарихшуносларнинг эслатмаларига қараганда, «Арарат тоғлари» бугунги кунда шарқий Турцияда жойлашган. Бу мажусий муаллифлар, яхудий ривоятларнинг тарқалишига қизиқишмасди; улар Умумжаҳон Тўфон ва Кемада нажот топган одамлар ва жониворлар ҳақида, ҳақиқий тарихий воқеани ёзишган.

Эрамизнинг 600 йилида шарқий Турция тоғларига форслар томонидан ташкил қилинган экспедиция, «Варунанинг пахсадан ясалган уй» топилмаси ҳақида хабар берганди. Варуна Форс ва Ҳиндистонда яшовчи қабилалар ривоятларида, Нухнинг исмидир. Кема ернинг ўпирилган зонасида жойлашган бўлиб, экспедиция иштирокчиларининг гувоҳлик беришларича, кема кўп хужралар-дан иборат бўлган<sup>8</sup>.

Барча китъалардаги 270 тадан ортиқ қабилалар афсоналари, глобал сув тошқини ва улардан кўпинчасида нажот топган одамлар ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу этногрф билан ёзилган афсоналарнинг барида нажот топишнинг уша бир хил усули: қандайдир ёғочли «эрмавосита»да, хоҳ каноэ, ковокланган дарахт танаси ёки сандиқ-да келтирилган. Шу зайлда, Нух Тўфони ҳақида, «бағишланган» замонавий олимлар – кўҳна Ер ғояси тарафдорлари ва эволюция пайравларидан ташқари, бутун оламга маълумдир.

Кимгадир диний афсонадек туюлар, аслида илмий ва тарихий нуқтаи назаридан мутлақо ҳақиқатмонандир. Нух Кемасига оид барча маълумотлар илмий тафтишларга дош беришди. Умумжаҳон Тўфони далилларини, насронийлик пайдо бўлгунига қадар, сершумор тарихшунослар ва унинг фойидасига нисбатан беҳисоб геологик гувоҳликлар, тасдиқлашади. Кема ишлаб чиқариш учун зарурий техник хулосалари, бурунги моҳир кемасозларнинг имконият чегарасидан чиқмаган – хусусан Кемада, кўҳна Ер ғояси тарафдорларининг фараз қилганларидек жонзотларнинг миллион «турлари» эмас, балки атиги 16 000 та жонзотлар мавжуд бўлиши лозим эди.

## 16-Тасдиқ

### Тош асри тахминан миллион йил илгари, темир ва бронза асрлари эса, анча кеч бошланган

Дарвинистларнинг эволюцион хронологиясига мувофиқ, тахминан икки миллион йил илгари маймунлар одамларга айлана бошлаган; маймунодам қомати ростланиб, тукларидан озод бўлгач темирли ва ёғочли қуроллардан фойдалана бошлади. Дарвинистий дунё караш ва ёши «30 минг йил» ва камроқ «ғордаги одамларнинг» органик қолдиқларини ҳақиқатмонанд радиоуглеродли ўлчовлар хулосасига ишониш - ушбу теорияниг дастлабки заминасидир. (Углерод-14 яримзавол топиши даври тақрибан 5000 йилдан иборат, шу боис ёши 50.000 йилдан зиёд бўлган органик материалларда  $^{14}\text{C}$  миқдори шу қадар озки, ўлчаш мушқилдир).

Қачонки 30 минг йилдан зиёд вақт даври ҳақида сўз борганда, кўҳна Ер ғояси тарафдорлари «ўтувчи шакл қазилмаларга» (13-бобда сўз юритилган маймунодам ҳақида) ишора қиладилар. Уларнинг фикрига кўра, ушбу тошга айланганлар, эволюция тах-мин қилганидек, бир икки миллион йиллар ҳақида гувоҳлик бера-дилар. Мутация туфайли инсоният генофонди секин аста мукаммаллашиб борган. Дарвинистлар ҳисоблаганларидек, ушбу мутация натижасида одамсимон мавжудотларда одамизод тузулиши кўпая бошлаган ва уларнинг орасидан сустроқ эволюцияланганлар, аста секин нобуд бўлаверган. Эволюционистларнинг фикрашларича, айнан шу тариқа мукаммал инсон пайдо бўлиб, маймунодамлар йуқолаверган.

«Ғордаги одам» жасадлари (неандерталь ва *Homo erectus*) катта қисмларда марказий ва жанубий Европада, шимолий Месопотами-да (Яқин Шарқ) ва Ўрта Осиёда жойлашган<sup>1</sup>. Кўҳна Ер ғояси тарафдорлари, «одамизод эволюциясини» музлик



даврининг якуний қисмига боғлиқ қилишади. «Ғордаги одамлар» (аслида оддий қари одамлар бўлиб, витамин D етишмаслигидан азият чекган) Тўфон-дан сўнг тақрибан 800 йил ўтгач (11-бобда изоҳлаганимиздек Масихнинг Мавлудигача тахминан 2400 йили бошланган) музлик даврида музли қалқоннинг жанубий қисмида яшашган. Кўхна Ер ғояси тарафдорлари эса, улар юз минг йиллар давом этган музлик даврида яшашган дея, таъкидлашади.

Ушбу «ғордаги одамлар» узларининг оддий меҳнат қуроллари, кўмилиш маросимлари, тасвирий санъати, музика асбоблари билан ва оловни хизматкор қилиб олиб, бугунги кунда замонавий «тош асри» намоёндалари қандай яшаётган бўлсалар, улар ҳам шундай яшашган<sup>2</sup>. Ман Ернинг алоҳида бурчакларида неча авлодлар давомида яшаб, оддий ҳаёт тарзини бошларидан кечувчи қабила-лар ҳақида сўз юритаяпман. Ўз хоҳишлари биланми ёки у томон-ларга «цивилланган» ва техникавий «ривожланган» бегона одам-ларнинг қадамлари етмагани туфайли, бу одамлар узларининг маданиятларини «ғордаги ҳаёт» даражасигача сақлашган. «Ғордаги одамларнинг» ҳозира замон одамларидан ягона фарқлари – бу қалинлашган кул оёқи ва юзининг сўягидадир. Таъкидлаганимиз-дек, булар жуда қари одамлар бўлиб, музлик даврида аёвсиз иқлим натижасида рахит ва артрит билан касалланган. Улар умуман олганда оддий одамлар бўлган, эволюцияланган гуманоидлар эмас.

Нўхнинг Кемаси Арарат тоғларига келиб тўхтагани боис ва уша вақтда музлик даври бошлангач, мантиқан тахмин қилсак, «ғордаги одамлар»-нинг жасадлари Арарат тоғидан узок бўлмаган музлик қалқонлари ҳудудида кўпроқ топилади. Айнан шу каби фаразлар, инсонлар Ер юзига шарқий Осиёдан атиги юз йиллар олдин тарқала бошлашган. Ва айнан шуни биз тошга айланганлар солномасида кўрамиз. «Ғордаги одамларнинг» қариб барча тошга айланган жасадлари шарқий Турциядан бир неча минг миль нарида ва музлик қалқонининг яқин атрофида жойлашган<sup>3</sup>.

Бироқ айрим қабилалар – масалан саёҳатга қаттиқ ружў қуйган Жанубимексикалик тольтеклар, Осиё ва Барингов кўприкидан сузиб ўтиб, Шимолий Америка ҳудудига келиб жануб томонга сузиб Мексикага келишди. Бу тиллар

аралашганидан сўнг 104 йил ва Умумжахон Тўфондан 520 йил ўтгач содир бўлди<sup>4</sup>.

«Маймунодамнинг» тошга айланган жисмини кўпроқ маймун-никига ухшайди ва уларни ер шарининг турли жойларидан топишади. Ҳар гал бу топилмалар ё қалбаки ёки маймуннинг тошга айланган жисми бўлиб чиқади (13бобга қаранг).

Эътибор лоиқ томони шундаки, «ғорда яшовчиларнинг» тошга айланган жисмларини, тўфондан кейинги оламнинг гуллаб яшнаган цивилизацияларда эмас, балки бошқа ерлардан топилади. Қадимги Бобил, Миср ва Хараппа цивилизацияси (шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг Хараппа ва Мохенджо-Даро каби шаҳарларида сув шабакалари бўлган) ҳудудларида «ғордаги одамлар»нинг жасад-лари топилмаган. Зоҳиран, «ғордаги» аجدодлар буюк қадимий цивилизациянинг истеъдодли техник қурувчилари бўлиб эволюцияланишлари лозим эди; бироқ бу цивилизациялар ҳудудидан «ғордаги одамларнинг» суяклари топилмаган!

Кемадан саккиз нафар одамлар ва жониворлар тушгач Ерни қайта обод қила бошлашди. Тўфонгача бўлган ҳаётнинг сабоқларини сақлаган уюшқоқ ва агрессив насл одамлари, узларига энг яхши заминларни забт этиб, юқори ривожланган цивилизация-ни барпо этишга киришишди. Уша наслдан омади чопмаганлар, йўл беришга мажбур эдилар. Натижада, ижтимоий ташкилоти сустанган ва техник жиҳатдан ортда қолган қабилалар, узоқ ва янада узокроқ сиқилиб чиқиб, бутун Европа ва Осиёдан, биёбон-лар, муз қоплаган ерлар ҳамда жануб ва шарқга сиқилиб чиқишди. Улардан кўпчилиги ғорларда макон топишди, чунки бу ерда сарф харажат ва зўр бериб тиришиш камроқ талаб этиларди. Улар энг оддий меҳнат қуролиларидан ва бошни қотирмайдиган либослар билан фойдаланишарди. Музлик даври барҳам топгач, патология ва улар билан боғлиқ ташки аномалиялар жумладан умр бардавом-лиги камайди.

«Бронза асри» моҳиятан «тош асри» ва музлик даври билан туғри келди. Яқин Шарқнинг қадимий цивилизациясини барпо этган Нуҳ авлодлари, математика билимларига эга бўлиб, металллар билан ишлашни билишган. Шу боис улар конларни топиб метал ишлаб чиқаришни бошлашган. Тез орада ҳаётда инженерлик ҳаёларининг муъжизалари, миср эҳромлари, бобил

зиккуратлари ва Хараппа сув шабакаси мисолида гавдалана бошлади. Қадимий цивилизация намоёндалари техник малака ва билимга эга бўлиб, минг йиллар давомида уларга тенги бўлмаган.

Шундай қилиб, биз Месопотамияда, Мисрда ва Хараппалар цивилизацияда анча билимдон ва мустаҳкам қабилалар ҳукмронлик қилганликларини, кўриб турибмиз. Номутаффақ ва техник билимга эга бўлмаганлар, муз қоплаган ҳудудларга ҳамда жануб ва шарқга сиқилиб чиқишган.

Асрлар ўтарди, ривожланган цивилизациянинг аҳолиси кўпайишди ва техникавий ривожланган халқлар намоёндалари ҳам, аҳолиси кам бўлган ҳудудларга муҳожирлик қила бошлашди. Ушбу муҳожирлар тўлқини «музлик давридаги» ерларгача етиб борди. Бу ерларда олдин зўрга тирикчилик қиладиган «ғор одамлари» яшашарди. Бироқ «ғордаги одамлар»-дан ҳеч кимса қолмаган эди, чунки жисмоний патология ва аномал умр бардавомлигини келтирувчи табиий шароитлар яқун топган эди (тўфондан кейинги авлодларнинг тахминан ўнта насли давомида).

Музлик даври якунида ва унга параллел бронза асрида, Месопотамиядан шимолда, яъни Кавказда яшовчи қабилалар темир тоблашни ўрганишган. Хеттейлар (Нух набираларидан бирининг авлоди) эрамизгача 1500 йили жанубга яъни Ханаанга (ҳозирги Изроил) темирли от аробаларида ва темирли қурооллар билан юриш қилиб борган. Бир неча юз йиллар давомида уларда бошқа қабилалар устидан, ўзга қабилалар ҳам темир тобланишни ўрганмагунига қадар, улкан имтиёзлар пайдо бўлди.

Кавказ тоғлари бугунги кунларидек, уша вақтда ҳам қазилмаларга бой эди. Буни уша томонларда савдо билан шуғулланувчи бобилликлар, юнонлар ва мисрликлар яхши билишарди. Қадимги манбаларнинг гувоҳлигига қараганда, ҳозирги вақтга қараганда, бу ерлар ўрмонлар ва турли туман жонзотларга бой бўлган ва вулқонлар ҳам оташфишон бўлган<sup>5</sup>. Тўфондан сўнг ҳолу аҳвол айнан шундай тус олмоғи лозим эди. Музлик давридаги ёғингарчиликларнинг баланд даражаси, ҳозирги кун биёбонларига нисбатан, ўсимликлар ва жонзотлар ҳаётини фаровонлигига олиб келди (10-бобга қаранг) Уша даврда вулқонлар фаёоллашган, буни Тўфон даврида тектоник

плиталарнинг шикастланишидан сўнг, ер қобиқи айнан «ором топаётган» вақтда, кутиш мумкин эди (9-бобга қаранг).

Кўпчилик қадимий халқларда Умужахон Тўфон борасида ривоятлар сақланган. Турли туман қабилалар узларининг насабномаларини Кемада нажот топган одамлар авлодига таништиришади. Қадимий юнонлар Нухнинг набираси Иавана наслидан келиб чиқган<sup>6</sup>. Финикия пойтахти Сидон шаҳри бўлган, (ҳозирги Ливан ҳудуди), Сидон эса, Нухнинг эвараси бўлган. Нимрод ҳам, Нухнинг эвараси бўлиб, Бобилистоннинг биринчи шоҳи ва бобилликлар саравлоди бўлган. Мисрни бугунги кунда ҳам, араблар Миср дейишади, Библияда эса, Мицраим- бу Нухнинг учиничи авлоди вакилидир. Қадимги ассирийлар (Бобилдан шимолда, шимолий Эрон ва Ироқ) узларининг саравлоди Ашшурга сажда қилишарди. Унинг исми кўпчилик ассирий шоҳларининг исмларида, масалан Пусер – Ашшур I, сақланган. Ашшур Нухнинг набираси эди. Африка ҳозирги кунда ҳам, Хамнинг замини каби маълумдир (Хам - Нухнинг ўғли), Эфиопия – Кушнинг заминидир (Куш- Хамнинг ўғли).

Бу халқларга яхудий тарих эпизодларини ўзлаштириб олишлари учун асос бўлмаган, чунки улар доимо яхудиялар билан адоватда бўлишган. Шу боис уларнинг насабномалари Эски Аҳддан кучи-рилмаганлигидан шубҳаланмаса булади. Шунга мувофиқ библия-даги исмлар ва насаблар, улар тарихида библия солномасининг ҳақиқатлигига ташқи исбот бўлиб хизмат қилади.

Бу қадимги цивилизациялар музлик даври камлигига нисбатан гуллаб яшнаганига қараганда, (тарихий хужжатларда акс топган ва спутник орқали олинган расмлар далолат беради) уларнинг асосчилари Нухнинг тўфондан кейинги авлодлари бўлган. Улардан айримлари муҳожир бўлиб, «тош даврининг ғор одамларига» айланишган; бошқалари эса, яхши заминларда макон топиб, қадимий цивилизацияга (бронза асрига) асос солган; учинчилари эса, жануб ва шарқ томонга кетган. Сўнгра, эрамизгача 1500 йил атрофида темир ишлаб чиқарилиши бошланди ва бу темир асрини дастлабки даври эди.

## 17-Тасдиқ

### Коинот олами миллиард йил илгари Катта Портлаш натijasида вужудга келган

Кўхна Ер ғояси тарафдорлари, Замин ва коинот олами миллиард йил илгари шаклланишига ишонишади. Уларнинг таъкидлашга-рича, юлдузлар бизлардан триллион мильда жойлашган бўлиб, бу юлдузларнинг нури Заминга етиб ва бизлар уларни кўришимиз учун миллиард йиллар лозимдир; шундай экан, узоқдаги юлдузлар ва галактика ёши миллиард йилдан иборат бўлмоғи лозим. (Бу ҳақда доктор Рассел Хамфризнинг “Юлдузли нурлар ва замон” китобида, астрономик кузатувлар натижасининг ажойиб моделлари келтирилганлигига оид, батафсил билиб олишингиз мумкин)<sup>1</sup>.

Бироқ, бу анъанавий мантиқда муҳим нуқсон бор. Унинг фаразига кўра, коинот олами кайҳонда «Катта портлаш» содир бўлгани натижасида шаклланиб, моддаларнинг кенглашига олиб келган. Кенгланиш, ичидан сиртига ҳаракатланишни билдиради. Бу ердан, табиийки уз узидан хулоса чиқади, яъни қандайдир «ботин» (нутро) ёки истасангиз, қандайдир марказ мавжуд. Шу тариқа, материя кенглашади, лекин марказ қолади ва барча эҳтимолларга қараганда, материянинг ташқи чегаралари кенгаяди. (ёки кенгланаётган). Кўхна Ер тарафдорлари, коинот олами чексиз деган тахминга асосланиб, Катта Портлаш борасида хулоса чиқаришади. Бу тахмин ҳозиргина, коинот оламида марказ<sup>2</sup> ва унинг ташқи чегараси мавжудлиги зарур деган хулосамизга, тўғридан тўғри зид чиқади. Шу тариқа, биз коинот оламида чегараси бор деган, хулосага келамиз.

Катта Портлаш ғояси тарафдорлари, чегарасиз Коинот олами тўғрисидаги мунозарали ғояларига мустаҳкам туришларига тўғри келади чунки, агар улар коинот оламида ташқи чегара

борлигини тан олишса, шу билан бирга марказ борлигини ҳам тан олишади. Агарда марказ мавжуд бўлса, унда кенгланаётган материяга ва ёруғлик суръатига гравитацион таъсирининг имкони мавжуд бўлади. Бундан келиб чиқадики, узоқдаги юлдузларнинг нури заминга, айтилган мўҳлатидан миллиард йилдан камроқ вақтда, етиб келишга қодирдир.

Соат, тоғ чуққисида нисбатан, денгиз сатҳида сустрок юради. Қанчалик баландроқ жойда бўлса, шунчалик Ернинг маказидан узоқда бўлади, демак ернинг тортиш кучи шунчалик камаяди. Энди фараз қилайлик, исботлар гувоҳлик берганларидек, коинот оламида чегара мавжуд ва у марказдан чеккаларига кенгайиб бормоқда. Эйнштейннинг умумий нисбият назариясига мувофиқ, гравитацион кенгайиш даври юлдузлар пайдоланиши жараёнини кескин равишда тезлаштирди (худди соат мисолида, қаерда гравитация кам бўлса, соат шунчалик тез юради) ва ёруғлик суръатини катталаштирди. Бу «тезлашишга» қарама-қарши ёруғлик суръатининг сустраниш жараёни ва моддаларнинг қариши назарий «қора тўйнигда» содир бўлади. Қора тўйнигда гравитацион воронкаси ёруғлик билан бирга моддаларни ютиб юборади.

Қора тўйнигни, кўринмас гравитациянинг кенг доираси ихоталаб олган. Бу доира воқеалар горизонти дея номланади. Воронкага чўкган модда ва ёруғлик, воқеалар горизонтдан ўтишади ва унинг содир бўлаётган нуқтасида моддалар қариши ва ёруғлик суръати кескин равишда камаяди. Горизонт орқали қанча миқдорда кўпроқ моддалар утса, у шу қадар кенгайди, чунки қора тўйнигнинг гравитацион майдони, массалар йиғилиши натижасида катталашиб боради.

Агарда Заминнинг зичлиги моддалари бирдан сирли равишда икки баравар камайса (масса ҳам, икки бараварга камаярди), унда тортиш кучи камайганлигидан, соат тоғлар чуққисида янада тезроқ юради. Агарда бу зичлик уша сирли равишда икки баравар кўпайса, унда соат тоғ чуққисида гравитация таъсири остида сустрок юрар эди. Соатнинг юриш суръатини қайта барқарор қилиш учун, уни Заминнинг марказий майдонидан узоқроқга олишга тўғри келади. Шу зайлда, агар моддалар гравитация марказидан узоқлашса (энтропия катталашиши томон ўзгаради) тезда қарийди.

Аналогик ҳолат коинот олами шаклланиши даврида содир бўлиши мумкин эди. Ёруғлик ва моддалар тарқалишига қадар «оқ тўйниг» (қора тўйнигни акси) массани йуқотарди. Оқибатда унинг воқеа горизонти бўлиниб кетди ва у орқали кўпдан кўп моддалар чиқиб кета бошлади. Ёруғлик суръати ва моддаларнинг қараши, қора тўйнигнинг воқеалар горизонтига эришганида, кескин равишда пасайди ва шунга мувофиқ, яралиш даврида - оқ тўйнигнинг воқеалар горизонтдан чиқганидан сўнг, кескин равишда кўпайди. Оқ тўйнигдан чиқгач, ёруғлик суръати ва моддалар қариши кескин равишда катталаниши давом этди. Бу ҳолат воқеалар горизонти нульга тушгунига қадар давом этди ва ундан кегин оқ тўйнигнинг кўрсаткичлари ичида ва сиртида тенглашди.

Воқеалар горизонти заифлашгач, ёйилган материянинг кириши янги шаклланган юлдузларда термоядерли синтезни келтириб чиқарди; улар миллиард йиллар орасида кексаярди ва уларнинг ёруғлиги, воқеалар горизонти йуқолмагунича, катта тезликда тарқаларди (Энштейннинг умумий нисбият назариясига мувофиқ). Машҳур астрофизик доктор Рассел Ҳамфриз, оқ тўйниг назарияси асосида Уран ва Нептуннинг, кейинроқ “Вояджер” аппарати билан ўлчанган, магнит майдони моҳиятини олдиндан хабар қилди<sup>3</sup>. Ҳамфризнинг башорати унинг назариясига – яъни дунё яралиши вақтида оқ тўйниг диаметри икки йиллик ёруғликга тенг келадиган сувли шар куринишида бўлган; Худованд Яратилиш вақтида «тубсизлик» (тубсиз сувни билдиради) устида бўлган ва айнан шу ҳақида Ибтидо 1:2да ёзилган. Сўнгра бу модда – сув тез тарқала бошлаган, юлдузларга ўтгач улар «ердаги» миллиард йил давомида кексайиб, шиддатли суръатларда – бир неча соат давомида (ёки бир неча кун, бу ҳақда Библияда ёзилган), ерга етувчи нурларини тарқатган. Термоядерли синтез модда – сувни сайёра минералларига айлантди. Сайёралар таркиби дастлабки модда-сув билан аниқланади. Сув термоядерли синтезга учрайди, шунинг учун Ҳамфриз уларнинг таркибини ва магнит майдони кучини, олдиндан аниқ айта олган.

Энштейн назариясининг мувофиқлигида ва коинот олами чегарадан иборатлиги эҳтимолида, узоқдаги юдузлар миллиард йилларга бир неча соатда шаклланиши ва кексайиши мумкин эди ва улардаги ёруғлик ҳам, Замингача бир неча соатда етиб

келар эди. Ушбу юлдузларнинг ёруғлик суръати, моддаларнинг кенгайи-ши ва унинг натижасида коинот олами яралиши сабаб, кўп баравар тезлашган эди. Шу залда, инсоният тарихида энг машхур физик томонидан олға сурилган назария, Ернинг яралиши ва унинг навқирон ёшига ажойиб тушунтиришлар беради.

Ўта янги юлдузлар - бу портланадиган юлдузлар бўлиб, портлагач, синган парчалари барча йўналишларга тарқалиб кетади. Ўта янги юлдузларнинг шаклланган давридан қанча кўп вақт ўтса, портлаш жойидан шунча узокроқда «космик партовлар» тарқалади. Агарда коинот оламининг ёши бир неча миллиард йил бўлганида, унда ўта янги юлдузлар қолдиқлари жуда катта диаметрга эга бўлиши лозим эди, чунки кўпинча янги юлдузлар ҳали миллион йил илгари портлаган бўларди. Бироқ, ўта янги юлдузларнинг барча маълум қолдиқлари шу қадар камлигидан маълум бўладики, уларнинг ёши бир неча минг йилдан ошмаган<sup>4</sup>.

Агар қуёш системаси ва галактикалар ҳақиқатдан ҳам миллиард йилдан буён мавжуд бўлганида, унда қандай қилиб ҳалигача коинот оламида спиралсимон галактикалар сақланган? Спиралсимон галактикада юлдузларнинг ҳаракатланиш суръати шундайки, ушбу “спираллар” аллақачон тўкилиши лозим эди. Бироқ, галактикалар мавжуд демак, улар ҳали ёшдир<sup>5</sup>.

Кўпчилик астрофизиклар тахминларига кўра, қуёшдаги иссиқлик, бу водородни гелийга термоядерли ўзгартирилиши натижасида ҳосил бўладиган илиқликдир. Ушбу термоядерли ўзгаришлари жараёнида Офтоб субатомли заррачаларни – нейтриноларни, соча бошлайди. Ушбу нейтринолардан айримлари Ергача учиб келади. Нейтрино тушган миқдорини кобалтдан таркиб топган жинслар-нинг анализи йўли билан, ўлчаш мумкиндир. Олимлар кобалтни, қуёшдан сочилиб чиқадиган нейтрино сонини аниқлаш учун ишла-тишади. Агарда офтоб анча вақт олдин мавжуд бўлганида эди, унда ушбу нейтрино сони кўп бўларди, аммо буларнинг сони ҳайратланарли даражада камдир. Бу водородни гелийга айланиши яқинда атиги бир неча минг йил илгари бошлаганини билдиради<sup>6</sup>.

Замин ҳар йили узининг айланишини тахминан бир сонияга сусайтиради<sup>7</sup>. Бу сусайтирилган темпида, 30 миллион йил олдин



у шу қадар тез айланиши лозим эдики, кун атиги тўрт соат давом этмоғи лозим эди.

Агарда бизнинг қуёш системамизнинг ёши ростакан миллиард йилларни ташкил қилганида, унда бу системада кометалар ва метеоритлар бўлмаслиги лозим эди. Машҳур Хейла-Бопа кометаси ва Галлея кометаси ва «қулаётган юлдузлар» – булар осмон жисм-лари бўлиб, уларнинг орбиталари қуёш системасининг доирасида ётади. Миллион йиллар орасида улар қуёш системасини ҳатман тарк этишган бўлардилар. Уларнинг ҳамаси ёки сайёралар билан тукнашишарди ёки сайёра ёнидан яқин утаётиб, уларнинг атмосферасида ёнган бўларди, ёинки баланд суръатга етиб, орбитадан чиқиб қуёш системасидан учиб кетар эдилар. Ушбу жисмлар қуёш системасини, 10 минг йил давомида тарк этишлари лозим эди<sup>8</sup>. (Кўхна Ер тарафдорлари ва қари коинот олами тарафдорларининг билдиришларича, бизнинг қуёш системамизга, кандайдир тарз билан кометалар, сирли ва тасдиқланмаган «Аорта булути»-дан киришади).

Кузатилаётган далиллар, Ернинг улуғ ёшидаги гипотезалар ёрдамида тушунтиришларга муҳтож эмас. Баракс, уларнинг барини библиянинг назариялари билан, худди геологик, биологик, антропологик ва культурологик исботлари билан мувофиқлигини билди-ради. Библиядаги ҳеч қайси бир ҳолат раъд этилмаган ва библия-нинг ҳақиқатлигига оид ишончли исботлар ғоят сершумордир.

## 18-Тасдиқ

# Динозаврлар 65 миллион йил илгари вулқоннинг фаъоллиги балки метеоритнинг тушиши натijasида қирлиб кетган

Кометалар ва метеоритлар ҳаёти даври 10 000 йилдан ошмаган ҳолатда давом этган. Шу давр орасида улар қайсидир сайёра билан тўқнашиб, ёниб кетишади ёки қуёш системасидан ташқарига чиқиб кетишади. Ушбу жисмлардан қайси биридир Заминни 65 миллион йил илгари тору мор қилиб, бунинг устига буғадиган булутли чанглар билан барча динозаврларни нобуд қилиши, эҳтимолдан узоқдир. Агарда биз барибир, кайҳондан бомбордимон қилиш бошланди ва шунинг натijasида барча динозаврлар буғилиб нобуд бўлди дея фараз қилсак, унда бошқа бир савол туғилади: нега қолган жониворлар нобуд бўлишмади? Нима учун тошга айланган динозаврларни, сув тошқини даврида шаклланган чўкинди жинслар орасидан, дам бадам бутун “мозорлари билан” топишади? Ахир қайсидир жойларда юзлаб жонзотларнинг қолдиқларини, пароканда ва улкан чўкинди жинслар қатлами остидан топишадику.

Агарда динозаврлар буғилиб ўлганида эди, унда улар уша яшаган жойда, яъни қуруликда ўлиб қолиб, жасадлари санокли ойларда тамоман чириб кетиб, бундан кейин ҳеч қандай тошга айланган қолдиқлар, сақланмас эди. Бироқ бу ундай эмас. Бугунги кунгача минглар динозаврларнинг қолдиқлари сақланган. Улар Кемага тушмаган жонзотлар каби чўккан ва чўкинди жинларда мустаҳ-камланган.

Агарда кометалар ва метеоритлар 65 миллион йил давомида Ерга тушганларида, уларнинг излари хатман чўкиндилар қатламларида топилар эди: тоғ жинсларида метеоритли

кратерларнинг излари билан ковокланган бўлар эди. Вақт ўтгани сайин, курукликни океан қайта ва қайта босиши натижасида, ковоклар океаннинг янги чўкиндилари билан тўлар эдилар. Аммо, чўкинди жинслар гео-логик колонасида (гўёки 500 миллион йил давомида йиғилиб қолган<sup>1</sup>), метеорит кратерларидан асар ҳам йўқ эди. Барча шунга ўхшаш кратерлар Ер сатҳига Тўфондан кейин пайдо бўлган.

Ойнинг сатҳида эса, Заминга нисбатан метеорит кратерлари бис-ёрдир. Демак, Ой Заминга нисбатан анча каттадир, (эхтимол узокдан) ёки Ернинг вулканик ва чўкинди жинслари, метеоритлар Ой ва Заминни бомбордимон қилганларидан сўнг, вужудга келган. Замин ва Ой бир вақтнинг узида метеорит эквали остига тушган-лиги тўғрисидаги гипотеза, мантиқан тўғри кўринади, чунки Замин ва Ой бир бирига жуда яқин жойлашган. Қуёш системасининг барча сайёраларидан, танҳо Заминда метеорит фаъоллигини бисёрлиги мавжуд эмас – бу ҳайратланарли фактдир! Демак, Ернинг вулканик ва чўкинди жинслари, сайёраларни метеорит бомбардимон қилганидан сўнг, вужудга келган. Бизнинг қуёш системамизнинг жуда ёш эканлигини назарга олгач, бундан келиб чиқадики, метеоритларнинг тушиши бир неча минг йиллар илгари содир бўлган ва унинг кетидан ҳалокатли Умумжаҳон Тўфони чўкиндиларни шакллаб ва вулқонлари билан бошланиб, метеоритли кратерларни изларини ҳам нобуд қилган.

Қизиқи шундаки, Рабби Раши изоҳлаганидек, Умумжаҳон Тўфони комета туфайли содир бўлган, бу ҳақда Талмудда<sup>2</sup> эслатмаларда қолган. Қадимий бобилликлар, уларнинг худоси Мардук, Тиамит (“денгиз махлуки” маъносини билдиради) сайёрасини барбод қилганига ишонишади. Умумжаҳон Тўфони, бу сайёрани Ер билан тўқнашиши натижасида бошланган. Тиаматнинг «кўзлари» Тигр ва Евфрат дарёларнинг сарчашмасига айланишди ва «терисининг» ярим қисми «фалакларга ёйилди»<sup>3</sup> Айтиб ўтиш жоизки, комета-нинг муҳим таркибини (2% атрофида) қаттиқлашган сувнинг ҳолати ташкил этади.

Кўпчилик астрофизиклар қатори, Том Ван Фландерннинг тахми-нига кўра, Тиамит исмли сайёра ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган. У Марс билан Юпитернинг орасида жойлашган бўлган. Қуёш систе-масидаги кометалар ва метеорларнинг орбиталари,

бу фазовий жисмлар манбасини пайдо бўлишига айнан Марс ва Юпитер орасидаги портлаш сабаб бўлганига, тахмин қилишга имкон беради. Айрим метеорларда олмоснинг мавжудлиги, сайёралар портлаши вақтида ҳарорат кўтарилиши натижасида шакллан-ганлигидан гувоҳлик беради. Кометалар олтингугурт, оливин, никель ва темирдан таркиб топган, бу ҳам портлаш натижасида пайдо бўлган. Тиамит сайёрасининг парчалари, ўз орбиталарига тушмагунига қадар, барча йўналишларга учиб кетишган<sup>4</sup>. Айрим парчалар сайёралар билан тўқнашишган, айримлари ёниб кетган, айримлари қуёш системасининг тортиш кучини енгиб чиқган ва айримлари эса ўзларининг орбиталари чегарасида қолган.

Ой ва суст айланадиган мустаҳкам сайёралар (Уторид, Замин, Зухра ва Миррих) барча эҳтимолга қараганда, бир йўналишга учаётган метеорлар зарбасига учраган. Тиамит сайёрасининг портлаши бу ҳолатнинг ҳақиқат монандлиги ва илмий тушунтирилишидир<sup>5</sup>. Эҳтимол, айнан шу портлаш тектоник бузулишига сабаб бўлиб, Умумжахон Тўфонни келтириб чиқгандир. Шу вақтнинг узида бошқа сайёралар ҳам синик парчаларнинг «отишмаси остига» тушишган. Сўнгра, Тўфондан кейинги катта масоҳотдаги эрозия, Ер сатҳидан бу зарбалар изини ёпиб юборди.

Брама ҳақида қадимий ҳинди ривоятлар шундай садо беради: кунлардан бир кун Брама осмонда кичкинагина ок нуқтани кўрди; у кескин равишда Заминга яқинлашиб, бир соат давомида филдек катталигга келиб, Заминга урилди ва Буюк Тўфон бошланди. Хитой афсоналарида ривоят қилишларича, император Я-Ху ҳукм-ронлик қилган даврида, Инь буржидан ёруғ юлдуз ажралди ва бу ҳолатдан сўнг бирдан ерда буюк изтироблар бошланди. Қадимий Перу қаҳрамони баланд тоғга чиқиб Тўфонни бошдан кечиришга муваффақ бўлди, чунки у «юлдузларнинг» нооддий тарзда айлана-ётганини аниқ ечимини топган эди<sup>6</sup>.

Ер қобиқи қатламларининг фаёоллиги (9-бобга қаранг) вулқонлар шаклланишига олиб келган. Ер юзидаги 50000 та сўнган вулқонлар бу тектоник силкинишларнинг хомўш гувоҳларидир. Бугунги кун-да янги вулқонларни шаклланиши вужудга келмайди; фақатгина азалдан мавжуд булган вулқонлар отилиб чиқишади. «Сўнган» вулқонлар, «мудраган» ва «тирик»

вулқонлардан сиртидан сал фарқ қилади. Кўпинча сўнган вулқонлар илгари жушқин тарзда отилиб чиқишган.

Эҳтимол, ушбу вулқонлар ёшдир. Яна бир бор эслаб кўрайлик, эрозиянинг ҳозирги суръатида континентлар 15 миллион мобайнида денгиз сатҳи билан тенг бўлади. Биринчи бўлиб тоғларайниқиса вулқондан келиб чиқганлари йўқолиб кетарди, чунки улар биринчи навбатда намгарчилик ҳаводан емирилишга дуч келишган бўларди. Шу тариқа, кўҳна Ер ғояси тарафдорларининг тасдиқларига қарамай, 65 миллион йил илгари динозаврлар ҳеч ҳам, вулқоннинг отилиб чиқиши жараёнида ажралиб чиқган газдан буғилаб ўлишлари мумкин эмасди.

Динозаврлар ҳақиқатдан ҳам, вулқоннинг гази ва метеорнинг парчаларидан нобуд бўдишди дея, фараз қилайлик. У ҳолда улар заминда ўлар эдилар ва жасадлари чириб лошахурлар томонидан ейилиб кетган бўларди. Бир неча ой давомида улардан ҳеч бақо қолмасди, яъни тошга айланишларига ҳеч нарса қолмасди. Агарда динозаврлар айнан шу сабаблардан ўлишган бўлса, унда нима учун бошқа жонзотлар билан шу ҳолат содир бўлмади?

Чўкинди жинслар орасидан тошга айланган динозаврлар жасади билан бир қаторда, бошқа жониворларнинг ҳам тошга айланган жисмлари топилади. Уларнинг барчаси, Умумжаҳон Тўфоннинг сувлари ва лойлари остида бирданига кўмилган.

## 19-Тасдиқ

### Ерга – миллиардлар ёш, инсониятга эса- миллионлар

Кўхна Ер ғояси тарафдорлари, ер континентлари ва океанларнинг ёши миллиардлар йил эканлигига ишонишади. Бўлиши мумкин эмас, чунки 15 миллион давомида эрозия континентларни денгиз сатҳи билан тенг келар эди. Океанлар ҳажми, денгиз сатҳидан баланд жойлашган, материк жисмлар ҳажмидан тахминан беш бараварга ошади. Шундай экан, 80 миллион йилда океанлар чўкинди қатламларига буткул тўлган бўларди. Шу тариқа, агарда океанлар ва қуруқликларнинг ёши вахолан 80 миллион йил бўлга-нида эди, унда океанлар жинсий қатламларга тўларди, қитъалар эса асосигача ювилиб кетиб, сўнгра қайта денгиз чўкиндиларидан шаклланган бўлар эди. Албатта, альтернатив гипотезасини ўйлаб топиш мумкин: фараз қилинг, қачонлардир тоқлар ҳозирги кўринишидан юз бараварга баланд бўлса, сўнгра аста секин эрозияга учраб ҳозирги кўринишига келган. Материк жинслардаги барча қазилмалар эрозия таъсири остида 15 миллион йилда емирилиши керак эди, лекин қазилмалар ва тоғ жинсларининг ёшини 500-миллион йил деб ёзилгани ҳам борку.

Океанда (денгиз суви) тузнинг маълум концентрацияси мавжуд. Биз, ҳар йили эрозия сабабли қуруқликдан океанга тушувчи туз миқдорини ҳисоблаб ололамиз. Дастлабки концентрацияси нульга тенг бўлган деб фараз қиламиз, ва натижада, 62 миллион йил мобайнида океанларда сайёрамизнинг барча тузлари йиғилиши керак бўлиб чиқади<sup>1</sup>. Нима, океанлар ёши аввалгидек миллиардлар йилни ташкил этадими?

Туздан ташқари, эрозия натижасида океанларга бошқа моддалар ҳам келиб тушади. Денгиз сувида темир, магний, мис,

никель, марганца, калий ва бошқа моддалар концентрацияси мавжуд. Шундай экан, эрозиянинг ҳозирги суръати бу концентрацияларга танҳо бир неча минг йилда етиши мумкин бўлган - кўҳна Ер пай-равлари тахминаларидек ҳеч ҳам миллиард йилларда эмас<sup>2</sup>.

Умумжаҳон тўфон даврида эрозиянинг глобал жараёни, Тўфон сувларига минералланган моддаларни азим массаларда ювиб юборганини инобатга оламиз. Бинобарин, тўфондан кейинги океанларда, аллақачон етарлича туз ва бошқа минераллар эриган эди. Шу боис, Тўфон беш минг йил илгари содир бўлганлигини фараз қилиш маъносиздир (тўфон, атиги тўрт минг йил илгари юз берганлигини Библия тасдиқлайди).

Тоғ жинсларидаги радиоактивли уран вақт ўтгани сайин парчала-нишга дуч келади ва стабил моддаларга айланади (7-бобга қаранг). Бу парчаланишнинг иккинчи даражали ёрдамчиси-гелийдир. Гелий тоғ жинсларига ковок ё ёриқлар орасидан киради ва атмосферада буғланади. Ҳар йили тоғ жинсларидан атмосферага тушадиган гелийнинг миқдорини ва концентрациясини ўлчаш мумкин. Гелий-нинг ҳозирги концентрациясига етиш учун, атиги уч миллион йил<sup>3</sup> лозимлиги аниқ бўлади. Бу эса, эволюция теорияси тахмин қилган ёшидан – анчагина камроқдир.

Ернинг магнит майдонининг кучи жуда катта суръат билан камай-иб бормоқда, бу эса, атиги 20 минг йил олдин у шу қадар кучли бўлганки, унинг таъсирида ер қобиқи шундоқгина эришига, тах-минлашга имкон беради. Кўҳна Ер тарафдорларининг фаразларига кўра, магнит майдони қандайдир тарз билан доимо янгиланиб туради, (магнетизмни келтириб чиқарадиган сирли ва номаълум жараён ёрдамида) бинобарин у, ҳақиқатдан ҳам сусаймайди. Аммо, охирги 150 йил ичида магнит майдони 7% сусайди, (охирги 1400 йилда эса, икки бараварга сусайган чиқади)! Ва бу – фактдир<sup>4</sup>.

Магнит майдонининг кучини сусайши, термодинамиканинг иккин-чи қонуни нуқтаи назаридан, мантиқан оқланган. Бунда барча физикавий системалар максимал энтропия ҳолатигача парчалани-шади. Радиоактив моддалар парчаланаяди, тоғларга эрозия таъсир кўрсатади, тирик мавжудот кексайиб ўлади, металлар занглайди, магнит магнитли хусусиятини йуқотади, Ернинг магнит майдони эса юз йил давомида кучини сарфлайди.

Жаҳонга маълум кўмир захираларининг умумий ҳажми, кимёвий энергиясининг миқдори ва ерда 128 йил давомида ўсувчи флора-лар миқдорига эгадир, -бу эса, жуда ҳам кўп<sup>5</sup>. Агарда тошкўмир ҳақиқатдан ҳам миллион йиллар давомида узлуксиз равишда шакл-ланса эди, унда унинг конининг қалинлиги 30 000 километрдан иборат бўларди. Геологик колонасида кўмир қатлами 1% ташкил қилади деб, фараз қилайлик. Модомики, Ерда чўкинди жинслари-нинг умумий қалинлиги-1500 метр атрофида экан, унда кўмирга атиги 15 метр келар экан. 15 метр - 128 йил давомида ўсимликлар ўсишининг натижасидир. 300 миллион йилда эса, кўмирга айланадиган биомассалар қатлами 35 000 километр қалинликга эга бўлмоғи лозим бўлади (300 миллион йилни 1500 метрга кўпайти-рамиз ва 128 йилга бўламиз).

Энди эса, 300 миллион йил давомида кўпгина наслари билан туғилавериб ва ўлаверган жонзотлар туфайли шаклланган биомасс-сани инобатга оламиз. Натижасида кўпгина нульлар билан олади-ган сонимиз бу тирик моддаларнинг ўлган массасидир. Ушбу моддалар қаергадир ғойиб бўлган- у ёки тошга айланган ҳолатда туради, ёинки карбогидридли фойидали қазилмаларнинг қисмига айланган (нефт ёки табиий газ). Юз миллион йиллар давомида ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳеч ҳам яшай олмаган ва ўлмаганлиги тушунарлидир.

Шу билан бирга, кўп миқдордаги тошга айланган-лар ва карбогидридлар кони: Умумжаҳон Тўфон теориясининг ҳақиқатлигидан гувоҳлик беради. Бир неча авлоддаги ҳайвонлар Тўфон сувлари билан кўмилган, бошқалари эса, табиий ҳолатда чиришган. Ер юзида барча кўмир захираларининг шаклланиши учун зарур бўлган ўсимлик моддалар миқдори, бугунги кундаги тирик ўсимлик моддалари миқдоридан, атиги уч бараварга зиёд-дир. Шу зайлда, тўфонгача бўлган оламда бугунги кунга нисбатан, ўсимликлар уч бараварга зиёд бўлган. Ҳозирги замонда жаҳонда кенг ҳудудлар биёбонлар, тундра ва қуруқ тоғ ландшафти<sup>6</sup> билан бандлигини инобатга олганда, бунга ишониш мушқил эмас.

Фараз қилайлик, биринчи мукамал инсонлар миллион йил илгари маймунодамлардан шаклланган. Айни кунларда Ер юзи ахолисиолти ярим миллиард одамларни ташкил қилади, икки минг йил илгари эса, 250 миллион одамни ташкил қилган.



Шунинг учун, тахмин қилинган биринчи мукамал инсонларнинг пайдо бўлган-ларидан сўнг, миллион йил давомида дунё аҳолиси 10 миллион одамни ташкил қилганлигини фараз қилиш адолатдандир. Демак, ушбу миллион йил давомида 250 миллиард одам туғилиши ва вафот қилиши лозим бўлган. (агарда бир авлодга 40 йил тенг келса).

Кўпчилик одамлар жумладан “*Homo erectus*” ва “неандерталлар” майитларини кўмиш маросимларига<sup>7</sup> амал қилган ҳолда, уша замондаги маданиятнинг материал буюмлари билан (флейта<sup>8</sup>, гуллар, санъат асарлари<sup>9</sup>) кўмишган. Демак, дунёда 250 миллиард қабрлар бўлиши лозим, улар қаерда?

Кўхна ер ғояси тарафдорлари, эрамизгача бўлган иккинчи минг йилликда Ер аҳолиси, 250 миллионга нисбатан (Масих давридаги аҳоли), анча камчиликни ташкил қилганлигини тан олишга маж-бурдирлар. Шу боис, Ер аҳолисининг баҳоси инсониятни бутун тарихи давомида библиядаги солномасини тўлиқ тасдиқлайди: эрамизгача бўлган тақрибан 2400 йилида, Нух Кемасидан қуруқ-ликга саккиз нафар одам ва 16 000 жонзотлар тушгач, одамлар қайтадан ер юзини обод қила бошлашган (батафсил маълумот 15-бобда).

Нух авлоди наслларининг ҳар бирида олти нафардан фарзанди бўлган деб, фараз қилайлик (бу камтарин сон, чунки Нухнинг биринчи ун авлоди давомида, одамзотнинг ўртача ёши аста секин 600 ёшдан 150 ёшгача камайиб борган). Бундан келиб чиқадики, Тўфондан кейин тахминан 200 йил ўтгач, дунёни юз мингта одам ташкил қилган, Тўфондан сўнг 400 йил ўтгач эса, (эрамизгача тахминан 2000 йили) аллақай миллион нафарни; яъни Нимрод ҳаётлигида бобилдаги туполонлар даврида (эрамизгача тахминан 2000 йили), Ер юзида юз минглаб, балки миллион нафар одамлар яшашган, Иброҳим даврида эса, аниқ миллион нафар бўлган. Шу тарзда, қадимги оламнинг ажойиб цивилизацияси миллион нафар одамлар томонидан, Тўфондан сўнг тахминан 200-400 йил ўтгач, барпо қилинган.

Бу маълумотлар библиядаги тарихни, наинки дарвин теориясини миллиард йиллари билан, тасдиқлаши мутлақо равшандир. Узоқ йиллар давомида геология ва биологияда ҳукумфармолик қилаётган теориянинг бепаноҳ «ҳақиқатлиги» пропагандасини эшитишимизга тўғри келади; бироқ дарвинистлар модели – кўхна Ер ғояси тарафдорлари – статистика нуқтаи назаридан

мутлақо ҳақиқатмонанд бўлмаган дастлабки шарт шароитга асослангандир.

## 20-Тасдик

# Ҳақиқий бутун дунё тарихи «мифологик» библия тарихига нисбатан узок ўтмишга кетади

Миср фиръавнларининг сулолалари (эҳтимол, дунёдаги қадимий цивилизация) эрамизгача тўртинчи минг йилликка тааллуқли ҳисобланади. Умумжаҳон Тўфони эрамизгача 2400 йили атрофида содир бўлган (библиядаги оқсақоллари ёшига асосланган ҳисоб китоблар, шу рақамга олиб келди). Шу боис, ушбу саналардан бири хато эканлигини тахмин қилиш жоиздир.

Эрамизгача 300 йили атрофида яшаган Мисрлик тарихшунос Манефон, мисрлик фиръавнларнинг рўйхатини тузган. Ушбу рўйхат, Қадимги Мисрнинг хронологик тафтишларини олиб борувчи негиз бўлди. Аммо, Менафон рўйхатида ноаниқликлар борлиги исботланган. Тадқиқотчи Джеймс Брестиднинг хулосасига кўра, Манефоннинг рўйхати «бемавке, чала чулпа ва қатъий компиляциядир. Бугунги кунгача етиб келган ёдгорликларнинг кўп миқдори, унинг хатолигини ҳар бир конкрет воқеаларда кўрсатишади»<sup>1</sup>. Алан Гарднер Манефон ишининг устидан кулади: «миср тарихини ифтихор билан эълон қилган нарса, амалда увадалр ҳовучи бўлиб чиқди»<sup>2</sup>.

Исаак Ньютон ҳам, таъкидлаганидек, Манефон, ҳукмронлик қилган уша бир сулолани – икки маротаба ўзга номлар остида зикр этган; фиръавнларни нодуруст тартибда санаб ўтган; уша бир исмни қайта – қайта такрорлаган; рўйхатига ўзга номдор инсонларни – шоҳ қариндошлари, ҳокимлар ва вазирларни киритган<sup>3</sup>. Қадимги Мисрда маҳалий миқёсида ҳокимлари бўлган. Улар бир вақтнинг узида Мисрнинг ҳудудида турли туман «шоҳликларини» бошқаришган. Манефон уларни узининг рўйхатида кетма-кет тарзда санаб чиқган<sup>4</sup>. Шу сабабли,

Манефон рўйхатига ишониш ноўриндир; ҳақиқатда эса, Қадимги Миср тарихи қисқа бўлган.

Музлик даврида Мисрнинг худудида жала ёғаверган, бу ҳақда оҳақтошли карьерлардаги кучли сув эрозияси тахминий гувоҳлик беради. Шу ерда сфинкс ҳайкали уйилган ва ҳозирги кунгача шу ерда жойлашган бўлиб, унинг ёши гўёки 4500 йилдир. Бироқ, муз-лик даври 10 000 йил олдин ниҳоясига етганку? Тўфондан кейин дарров Яқин Шарқ худуди ва Шимолий Африкада, дар ҳақиқат бир неча аср давомида шиддатли жалалар ёғган; худди шу ёмғирлар оҳақ тошли карьерни сфинкс ҳайкали билан эрозияланишига шароит яратиб берган<sup>5</sup>.

Хитой тарихининг ибтидоси эрамизгача 3000 йилга таалуқлидир. Ушбу сана, қадимги қишлоқлардаги ишончсиз радиоуглеродли ўлчовлари натижасига ва Хитой тарихининг тахминий узун «афсонавий даврига» асосланган. Афсоналарнинг бирида ёзили-шича, Ю исмли қахрамон ернинг мелиорация системасини ишлаб чиқди. Барчасига қараганда, катта худудлар сув билан кўмилган эди ва Ю уларни қандай қилиб қуритишни ўйлаб топди. Ахир бу, 10-бобда айтиб ўтганимиздек, Умумжаҳон Тўфоннинг натижаси эмасми?

Классик қадимий хитой матни «И-цзин»-да Фуи тарихи баён этилади. Хитойликлар уни цивилизацияларининг бобокалони деб билишади. Ушбу тарихнинг ривоят қилишича, Фуи, унинг хотини, уч нафар ўғли ва уч нафар қизлари билан тўфондан нажот топишга эришишди. Улардан бошқа, ер юзида бирон бир одам тирик қол-мади ва тўфондан сўнг улар қайта заминни ободлаштиришган. Қадимий Хитой ибодатхоналаридан бирининг деворида, Фуи тўфоннинг шиддатли мавжларида расмни тасвирларида сақланган. Қайиқ атрофида сузаётган дельфинлар ва уларнинг тўғрисида кабутар тумшуғида зайтун чўпи билан учиб келаётгани тасвирланган<sup>6</sup>.

Ушбу тарихнинг муфассал маълумотлари тўлиқ библиядаги ривоятларга – дунёдаги ўзга халқларнинг Тўфон ҳақидаги ривоятлари билан мувофиқдир. (5-бобга қаранг) Биринчи куёш тутилиши ҳақида маълумот тарихда сақланган бўлиб, у эрамизгача 2134 йили Хитойда юз берган; шу тариқа Хитойда «афсонавий давр» ўйлагандан ҳам, жуда кўп давом этмаган<sup>7</sup>. Бироқ, радиоуг-леродли ўлчагичлар (куп хатолари билан)

қадимги хитой овул-ларини «тош асрига» таалуқли қилдиради. Шу боис, кўхна Ер ғояси тарафдорлари, хитой цивилизациясини аслига нисбатан, анча қадим ҳисоблашади.

Олимларнинг нуқтаи назарига мувофиқ, бурунги бобилликлар узларининг улкан иншоотларини эрамизгача 3000 йил атрофида қуришни бошлашган. Аммо, эрамизгача 500 йили ҳукмронлик қилган Бобил шоҳи Навуходносор, лавҳачада (қадимги бир шаҳарнинг вайронаси орасидан топилган) қуйидагиларни ёзган, яъни у, Навхудносор, ушбу шаҳарни қайта тиклади. Бу шаҳар Боболнинг биринчи шоҳи томонидан қурилиши қариб якунига етган эди, аммо шаҳарнинг қурилиши битмаган эди, чунки қурув-чилар бир бирларининг нутқларини тушунмай қолишган эдилар. Ушбу ёзувда Навхудносор, биринчи шоҳ Бобилда 42 авлод, эрамизгача 500 йил ҳукмрон бўлганлигини, таъкидлаган<sup>8</sup>. Шу зайдда, Бобил шоҳларидан бири бўлган Навхудносорнинг ўзи, Бобил тарихи эрамизгача 2200 йили атрофида бошланганлигини тасдиқлайди!

Ушбу сана, библиянинг солномасига буткул мувофиқ келади. Бобилнинг биринчи шоҳи Нимрод – бутпараст каби, Худога қарши исён кўтарган. Бу ҳолат Тўфондан тахминан икки асрдан сўнг юз берган. Бобилдаги тўполонлар вақтида, Худованд минора қурув-чилар тилларини чатиштириб юборди; турли туман қабилалар намоёндалари бир бирларини тушуна олишмади ва Месопота-мидан узокроқга, айнан Худованднинг амрига мувофиқ «Ер юзида кўпайинглар» кетишди. Дунёдаги турли туман халқларда, ушбу тарихий ҳодисага оид ривоятлар сақланган<sup>9</sup>.

Бобилликлардан Искандар Зулқайнарга етиб келган астрономик солномалари, агар эрамизгача 331 йилдан бошлаб ҳисобласак яна 1903 йилга олдин саналанган бўлади. Бобилликлар Искандарга, Бобил тарихи астрономик солномаси бошлангач, яъни эрамизгача 2234 йили ибтидо топганлигини айтишган<sup>10</sup>. Бу ёзувлар, яхудий-ларнинг Эски Аҳдлари эмас, балки бобилликлар ёзувларидир. Бобилликлар ёзувларини, ракиблари – яхудийларнинг солномалари билан тарихан мувофиқ келтиришларига мутлақо асослари бўлмаган. Шунга қарамай, униси ва буниси ҳам, Бобилга асосланган саналарига мос келади.

IV-аср тарихшуноси Евсевий Кесарийнинг баёнига мувофиқ, Грециянинг биринчи шоҳи Эгиалей, эрамизгача 776 йили биринчи Олип уйинлари бошлангунига қадар 1313 йил олдин, эрамизгача 2089 йили ҳукмронлик қилган<sup>11</sup>. Унда нима учун кўҳна Ер ғояси ҳимоячилари Греция ва цивилизациялар ёшини, аслига нисбатан катталигини таъкидлашади? Ҳамма гап, уларнинг радиоуглеродли санагич усулига (14-бобда сўз юритилди) ишонишлари ва дарви-нистлар дунёқарашларидадир. Униси ва бунисининг ҳам ишонч-номаси шубҳалидир. Дар ҳақиқат ишончли илмий ва тарихий исботлар зарурдир.

Византиялик солномаёзувчи Константин Манассия узининг хрони-каларида, миср давлати 1663 йил давомида мавжудлигини ёзган. Агар бу маълумот рост бўлса, унда бу сондан эрамизгача 526 йилни – Миср, Форс шоҳи Камбизом томондан истило қилинган йилларни, айирамиз, ва олган жавобимиздан, Миср эрамизгача 2188 й. асосланганини билиб оламиз<sup>12</sup>. Фиръавн Манес, Мисрнинг афсонавий асосгузори – яҳудийларда бу Мицраим, юнонларда Местре, Нухдан кейинги иккинчи авлоддандир. Бунинг барчаси библиядаги вақт шкаласи билан тўлиқ мос келади.

Эрамизнинг 500 йилларида сакслар континентал Европадан Британияга ҳаракатланиб келган вақтда, валлийлар, янги мажусий кўшнилариининг ёввойи ва ваҳшийлик ниятларини дарров пайқашган эдилар. Саксларда аждодларидан қолган маросимлари бор эди. Улар Один ва Гитга сиғинишиб, Библиядан беҳабар эдилар. Валлийлар (сакслар тилида бу суз «кўрс ажнабийлар» маъноси- ни билдиради<sup>13</sup>) эса, 300 йилга олдин чўқинган бўлган ва шунинг учун улар саксларнинг аёвсиз одатларидан ваҳимада эдилар<sup>14</sup>.

Бу «ёвойилар» узлари билан шоҳларининг, биринчиси – Нухдан бошлаб, хроникаларини олиб келган. Сакслар шубҳасиз Библия билан таниш бўлмаган, лекин узларининг шоҳларининг рўйхатини асрлар давомида тузиб келишган ва бу рўйхатда биринчи ўринни Нух эгаллаган<sup>15</sup>. Биз аниқ биламизки, Нух ва саксларнинг иккинчи шоҳи Скифнинг (Иафет ташрифи) исмлари, рўйхатда сакслар масихилашганларидан сўнг эмас, балки азалдан мавжуд бўлган. Бунга бир қанча исботлар бор. Биринчидан, сакслар Масихий бўлгач, улар иккинчи шоҳларининг исмини Скифдан – Иафетга ўзгартиришди, сабаби,

Библияни ўқигач улар унинг ҳақиқий ва тўғри исмини билишди. Иккинчидан, агар сакслар шоҳларининг рўйхати – бу Ибтидо солномасини контаминациясини анча кечки қалбакилаштирилган бўлса, унда савол туғилади, нима учун сакслар библиядаги исмларни иккитасига тўхтаб қолиб рўйхатни давом этишмади? Нима учун уларнинг ривоятларида Скиф (кейин-чалик Иафетга ўзгартирилган) кемада туғилган<sup>16</sup>, Библияда маълу-мот беришича у кема қурилишига мадад берган?

Эрамизнинг 500 йил атрофида Англияга бешта сакслар авлоди ке-лишди ва уларнинг ҳар бирида ўзларига хос шоҳлар рўйхати бор эди, лекин барча рўйхатларнинг юқори қисми бир хил бўлиб чиқарди. Бу юқорилик – Один эди. Барча сакслар уни бобокалони деб билиб, унга худога сажда қилгандек сажда қилишарди. Одиндан то Нух ва Скифгача бўлган барча сакслар рўйхатлари мос келади. Айтиб ўтиш жоизки, сакслар «хонадонлари» (Линдсей, Кент, Мерсия, Нортумбрия, Шарқий Англия) ўзаро адоватда бўлишган ва шунга қарамай, улар бирликдан келиб чиқганликларини рад этишолмасди<sup>17</sup>.

Скандинавдаги викинглар ҳам насабномаларини Одинга, Сескеф-га ва Нухга тааллуқ деб билишади. Сакслар ва викинглар асрлар давомида бири бирига ашаддий душман бўла туриб, бирдан сулҳга келишиб, шоҳларининг руйхатини шундай сохталаштиришганки биринчи сатрларида библиядаги шахслар, уларнинг – умумий аждодлари бўлиб тўғри келишини хаёлга келтириш мумкинми? Викинглар насронийликни эрамизнинг 900 йили қабул қилишган; сакслар эса, анча олдин 500 йил атрофида қабул қилишган. Улар викингларнинг феълу атворлари ва урфу одатларига даҳшат билан қарашарди ва бу шимолий ваҳшийларнинг бобокалони уларники билан бир эканига ҳеч ҳам ишонмаган бўлар эдилар. Модомики 2000 йилгача сакслар ва викинглар ягона халқ бўлиб европа континентида яшашганлиги боис, ҳолат айнан шундай тус олганди<sup>18</sup>.

Валлийлар ҳам генологияларини Нухга таалуқли деб билишади. Уларнинг аждодлари рўйхатида Нухнинг ўғли Иафет ва унинг набираси Иаван; бундан кейин библиядан узоқ бўлган шоҳлар ва элатлар исмлари киритилган. Биз биламизки, бу рўйхатлар Библия билан таниш бўлмаган мажусийлар

томонидан тузилган. Валлий-лар хроникаси хозир мавжуд бўлмаган тилда ёзилган бўлиб, бу насронийликгача бўлган даврда вужудга келган. Ушбу матнлар замонавий тилларга, ўрта асрларда (э.500-1200й.) таржима қилинган<sup>19</sup>.

Жанубий Хитойда яшовчи миауцо қабиласи ҳам Иафет ва Нухни бобокалонлари деб ҳисоблашади аммо валлийлардан фарқли томони Иавана томонидан эмас, балки Иафетнинг (Иа-фу) бошқа ўғли – Гомера (Го-мена) томонидандир. Уларнинг тарихларида Иафетнинг бошқа биродарларининг исмлари – Хам (Ло-Хан) ва Сим (Ло- Шен) ҳам сақланган. Миауцо Библияга оид ҳеч нарса эшитмаган бўлишса ҳам, лекин кўп маълумотларни билишлари таассурот қолдиради. Уларнинг Нуҳи (Нуах) тўфон мавжларида узок тебранди ва кабутарни қуйиб юборди (хитойдаги қоятош устидаги расмни эслайсизми?) ва суви тушаётган ернинг соҳилида тўхтади. Миауцо узининг авлодининг тарихини анча чуқур, биринчи одамгача таржимада исми «Лой»- ни билдиришигача, билишади (Одам Ато ҳам ернинг тупроқидан яралганини эслайлик!)<sup>20</sup>.

Тарихшунослар, тўфонгача бўлган оламнинг мавжудлигини ва унда Библияга мувофиқ, одамлар 800-900 ёшгача яшашганларини, тасдиқлашади. Бу ҳақда, асосан қадимги маъжусий тарихшунослар, жумладан Гестией, Мох, Берозос, Манефон, Иероним, Гесиод, Гекатей ва Николай эслатишган<sup>21</sup>.

Ниҳоятда узок умрдавомлигини бир қатор факторлар келтириб чиқарган бўлиши мумкин эди: Нуҳнинг кичик оиласига нисбатан, анча катта генофонд сабабли; тўфонгача бўлган оламда атмосфера босими баландлигидан ва Ернинг кучли магнит майдонидан келиб чиққан паст ультрафиолет нурлари; атмосферада кислород ва ангидрид газини кўп миқдорда мавжудлиги ва бундан ташқари бошқа факторлар ҳам бўлиши мумкин эди. Тўфондан сўнг Нуҳ оиласидан саккиз нафар омон қолганларнинг кичик генофонди, шу билан бирга ўзгарган иқлим, одамлар умрини унта авлодга қадар сезиларли даражада қисқаришига олиб келди.

Кўриб турганимиздек, дунёвий тарих, инсоният тарихида энг аниқ китобни – Библияни ҳақиқатлигини тасдиқлайди. Қадимий яхудий солномаларида эслатилмаган мажусий элатлар, Тўфон ҳақида билимларни сақлашади ва узларининг насабномаларини Нуҳнинг ўғлига тааллуқли эканлигини билдиришади.



# Эрамизгача 1400 йилар атрофида Мўсо ёза бошлаган Ибтидо китоби - афсонадир

Кўпинча тарихшунос – эволюционистлар ва кўҳна Ер ғояси тарафдорлари таъкидлашларича, қадимги библия тарихлари Мўсо томонидан «шундай аталувчи» Умумжаҳон Тўфонидан сўнг минимум минг йил ўтгач, ўйлаб топилган эди ва шу боис унга ишониш амри маҳолдир. Уларнинг фикрларига кўра, Мўсо, яхудийларга ёзма равишда тарих кераклигини хулоса қилиб, шахсий таассуротларини, халқнинг нолишини ва афсоналар ёрдамида, буни ўзи ёзган. Шу тариқа, «сўнги маҳсулотни» тасвирлаганларига нисбатан, анча қадимги даврларнинг мутлақо ХХХ ноаниқ асотирлар ижоди каби, ўзлаштирмоқ жоиздир.

Бироқ, ишончли исботларнинг мавжудлиги шуни кўрсатадики, Мўсо узининг аجدодларидан лойли тахталарда миҳхатини мерос қилиб олган. У бу ёзувларни тахрирларди ва натижада Ибтидо Китоби вужудга келди<sup>1</sup>. Шу залда, Ибтидо ёзилишига, ҳеч ҳам афсонлар, овозалар ва фантазиялар, балки воқеа шохидларининг гувоҳликлари маълумотлар манбаи бўлган.

Қадимги месопатам цивилизациясининг ёзувида, белгилар лойли пластинкалардан кесиларди. Бу пластинкалар кейинчалик қотгач, миҳхати лавҳачасига айланишарди (Қадимияхудий сўз «ёзиш» маъносини билдиради ва таржимада «кесиб олмоқ» ёки «ерга ботирмоқ» бўлади<sup>2</sup>; шундан хулоса чиқариш мумкинки, бурунги яхудийлар миҳхатли тахталаридан фоидаланишган). Матн якунига етгач ёзувчи, уша лойли лавҳачада унинг эгасининг исмини ва айрим вақтда матнни яритилиш ҳолатларини ёзар эди. Матннинг остидаги бу тариқа ёзувлар – «колофон»<sup>3</sup> дейилади ва у барча қадимги миҳхати тахталарда мавжуддир.

Библиянинг биринчи китоби Ибтидода «насабномаси» ибораси ун бир маротаба такрорланган. Қадимий яҳудий «толпод»-сўзи «насабнома» - келиб чиқиш ёки авлод тарихи маъносини билди-ради. Шу боис, Библияда «мана Нухнинг насабномаси» дейилгани, бу «Нух оиласининг тарихи»<sup>4</sup> маъносини билдиради. Миххатли матнларнинг анъаналарига мувофиқ, бу ибора колофон бўлиб, тахтачанинг якуний қисмида жойлашган бўлган. Шу зайлда, колофонда олдиндан нима ёзилган бўлса, барчасини Нухнинг узи ёки мирзалари томонидан ёзилган. Демак, тахтачадаги матн Нухнинг келиб чиқиши ёки оиласининг тарихини акс эттиради.

Нух узининг ва аждодлари тарихини лойли тахтачада ёзган, сўнгра колофонда – бу Нух оиласининг тарихи дея, белгилаган. Унинг тахтачаси, Одам-Атодан (Нух туғилгунига қадар юз йил олдин вафот қилган ва у ҳам тахтачага эга бўлган) то Тўфоннинг бошланиш кунигача бўлган тарихни, уз ичига қамраб олган. Нухнинг ўғиллари Сим, Хам ва Иафет биргаликда миххатли матн-лар устидан Тўфон тафсилотларини акс эттириб, меҳнат қилишган.

Шу зайлда, инсониятнинг тарихи, бевосита шоҳидларнинг ва ҳодисаларнинг иштирокчилари томонидан ёзилган бўлиб, улар Мўсо томонидан қайта ёзилиб таҳрир қилинган. Биз биламизки, Мўсо минимум бир нечта миххатли тахтачаларни таҳрир қилган эди. Эрамизнинг 1400 йилидаги яҳудийлар, нима ҳақида сўз юри-тилаётганини тушунишлари учун, Ибтидо китобида айрим геогра-фик номлар «замонавийлаштирган» эди. Аждодларининг эскирган ва унитилиб кетган топонималар рўйхати билан бир қаторда, Мусо уша жойларни замонавий исмларини ҳам, ёзиб қолдирган (Ибтидо 14:2, 3,7,8, 15,17 оятларга қаранг)<sup>5</sup>.

Мўсо маълумот манбаларини синчиклаб қайд этиб, Ибтидо Кито-бига Одам-Ато, Нух, Нухнинг ўғиллари, Фара, Исмоил, Исҳоқ, Эсов ва Ёқубларни миххатли лавҳалар колофонларини мужасам-лаштирган. Шу тарзда, Мўсо, Яратилиш давридан (эрамизгача 1400 йил) то тахминан эрамизгача 1800 йилгача бўлган узининг аждодларини асл ва тўлиқ бўлган тарихий ёзувларидан фойда-ланган. Қизиқи шундаки, Ёқуб Мисрга келгач, у ердаги хат ёзилиш анъаналарни ўзлаштиргач, папрусда ёза бошлади; шунинг учун унинг колофонини Мисргача бўлган даврда яратилган миххатли тахтачаларда учратиш мумкин.

Ибтидо китоби 2:1 оятда Одам Атонинг яратилиши қиссаси олдин -дан, «Шу зайилда осмон ва ер яратилди» деган, колофон мавжуд. Одам-Атонинг ўзи, Яратилишни кузата олмаган, шунинг учун бу биринчи колофон Одам Атонинг яралиши ҳақида эмас, балки осмон ва ернинг яралиши ҳақида хабар беради. Ер юзида одамлар пайдо бўла бошлагач, улар узлари лойли тахтачаларда узларининг тарихларини ёзишган, сўнгра бу тахтачалар Мўсога етиб келган.

Айрим скептиклар (аҳли шак) Мўсони – мифология қаҳрамони деб, ҳисоблашади. Бироқ қадимги тарихшуносларнинг гувоҳлик-лари, Мўсонинг мавжуд бўлганлиги исботини, тасдиқлашади. Масалан, Николай Дамасский шундай ёзган:

«... Арманистонда азим Барис тоғи мавжуд. Ривоят қилишларича, тўфондан қочган одамлар шу тоғда нажот топишган; ҳамда кемада сузган қандайдир инсон шу тоғнинг чўққисига келиб тўхтаган. Уша кеманинг қолдиқлари узоқ вақт давомида сақланган. Яхудийлар қонунбарори Мусо китобида эса олинган инсон, муқаррар уша инсондир»<sup>6</sup>.

Диодор Сицилийский, Мўсо ажнабийларни Мисрдан олиб чиқ-ганини – мисрликлар уларни қувиб юборишларига касалликлар мажбур қилганлигини, ёзган<sup>7</sup>. Геродот ва Страбон ҳам Мисрдан Чиқишни эслатишади<sup>8</sup>.

Яхудийларни Мисрдан Чиқиши, қадимги мисрлик тарихшунос-лари томонидан ҳам, тасдиқланади. Херемон ва Манефон Чиқиш ҳақидаги билимларни мисрдаги ибодатхоналар ёзувларидан билиб олганларини, тасдиқлашганлар. Ушбу ёзувларга мувофиқ, яхудий-лар Мисрдан қувилган эдилар, бунга сабаб, уларни юқумли касал-ликлар билан касалангаларида ва муқаддас жонзотларни (қўзилар-ни?) қурбонлик маросимларига қўллаганларида эди<sup>9</sup>.

Библия эса, мисрликлар яхудийларни Ваъда қилинган Заминга – Исроилга қуйиб юборишга мажбур эдилар, чунки фиръавн уларни биринчи бор қуйиб юборишини рад этганидан бошлаб, Миср халқини ҳалокатлар кузата бошлади. Албатта,

уша вақтда қудратли давлат ҳисобланган Миср, қулларни озодликга қўйиб юборган-лигини тан ололмасди: Шу сабабдан мисрликлар тарихларига шахсий ривоятларини ўйлаб топиб, унда яҳудийларни золим қилиб тасвирлашди.

Чиқиш даврида левитлар ва коэнлар бошқа яҳудийлардан алоҳида яшашган. Оила кўриш борасида шу авлод намоёндалари бир бири билан оила қуриши мумкин эди, сабаби фақат шу иккита авлоддан руҳонийлар келиб чиқарди. Замонавий генетик тадқиқотларни фараз қилишларича, коэнлар изоляцияси тақрибан 106- авлод олдин содир бўлган<sup>10</sup>. Фараз қилайлик, бир авлод - бу 32 йил бўлса, унда тахминан бу изоляцияни санаси – эрамизгача 1400 йил оламиз.

Кўпчилик скептиклар, Мўсогача 400 йил олдин яшаб ўтган Юсуфни ҳам, мифологик арбоб, ҳисоблашади. Юсуф Мисрда ғулом бўлган, сўнгра, фиръавн саройда юксалгач у мисрликларни етти йил давомида ғаллани захиралашга ишонтирди, чунки етти йил фаровонликнинг кетидан етти йил қурғокчилик йили келди. Қурғокчилик йили бошлангач, Юсуф қушини давлатларга дон сотишни таққлади. (Ибтидо 41:53-57).

Яманда (жан. Аравия) 1850 йили, бой ва номдор аёлнинг макба-раси кавлаб топилган эди. (тақрибан эрамизгача 1800 йилга тўғри келади). Макбара ичида ёзув мавжуд бўлиб, унда бу аёл Дзю Шефаранинг қизи Раджа эканлигини маълум қилди. Раджа, Амий-ара худоси исми ҳақи, Юсуфнинг ҳузурига ғалла учун, чопар юборди, лекин чопар қайтиб келмади. Шунда Раджа, хизматкор аёлни ун сотиб обкелиши учун лаганда кумуш билан юборади, лекин хизматкор ҳеч нарсасиз қайтиб келади. У худди шу хизмат-корига олтин ва гавҳарларни бериб юборади, аммо Юсуф қарорида қатъий қолади. Ёзувда ёзилишича, бу аёл очлигидан вафот қилади. Биз яна, Библиянинг ҳақиқатлигини тасдиқловчи ташқи манба-ларни кўриб турибмиз<sup>11</sup>.

Нухдан ўнинчи авлоддаги қабила сардори Иброҳим эрамизгача тақрибан 2000 йил яшаб ўтган. Унинг ҳаётини, айрим скептиклар афсона деб ҳисоблашади, бироқ библиядан ташқари бўлган манба-ларда, Иброҳим ҳақиқий тарихий арбоб эканлигини исботловчи тасдиқлар мавжуд. Мисол учун, ўз матнларида Иброҳимни эслаган қадимги тарихшунослардан Берозос, Николай ва Гекатейдир<sup>12</sup>.

Жанубий Исроилдаги Негев биёбонидаги қалъа, эрамизгача 1000 йилда шоҳ Довуд томонидан қайта мустаҳкамланиб, Беэр-Шева номини олган. Мисрда, Карнакидаги (Луксор) Амон ибодатхо-насидаги ёзувни маълум қилишича, азалда бу қалъа «Иброҳим қалъаси» деб номланган. Яҳудийлар тарихини абадийлаштириш-га мутлақо қизиқмаган мисрликлар, Иброҳим исмли одамни ва у томондан тахминан э.2000 йили қурилган қалъани ҳам билишарди<sup>13</sup>. Шоҳ Довуд минг йил ўтса ҳам, бу қалъани Иброҳим қурганлигини билмаслиги мумкин эди, лекин Исроил душмани-мисрликлар, барча эҳтимолга қараганда, қалъани яратувчисини билишарди.

Барча янгитдан янги археологик очилмалари, Мўсо матнини ҳақиқатлигини тасдиқлаб келмоқдалар. Библияда хатоликлар ва ўйдирмалар мавжуд эмас. Иерихон<sup>14</sup>, Содом ва Гомора<sup>15</sup> шаҳарлари ҳамда хаттейлар<sup>16</sup> халқини мавжудлиги, қачонлардир мифология ҳисобланган. Бироқ, замонавий археология ишоотнарли даражада библиядаги тарихларни тасдиқлаб келмоқда.

# Қадимги Хитой цивилизацияси Яқин Шарқ цивилизациясидан муस्ताқил тарзда ривожланган

Анъанавий антропология, хитойликлар бошқа этник гуруҳлари сингари «тош асри» маймунодамларидан «вужудга келган»-лигини тасдиқлайди; вақт ўтгани сари хитойликларда ёзув пайдо бўлди ва улар ўзаларининг ноёб тарихларини ёзишди. Бу тарих шу қадар ноёб-ми? Хитой худудларида яшаб ўтган қабилаларда, тўфон тўғрисида кўпгина ривоятлар сақланган (ер куррасининг бошқа халқларида сақлангани каби, бу ҳақда 5-бобда сўз юритилди). Шу йўсинда, қадимги хитойликларга Нух Тўфони ҳақида маълум эди.

Хитой тилининг жадвалдаги системаси, хитойликлар Ибтидо Китобида ёзилган бошқа барча воқеалардан хабардор бўлганларини, кўрсатади. Хитойликлар сўзларини билдириш учун иероглифлардан фойдаланган. Иероглиф- алоҳида элементлардан (чизик) ташкил топган оддий тасвирлардир. Қадимги хитойликлар, аллақачон мавжуд бўлган бошқа тасвир сузларнинг йуғунлаш-тириш йули билан, янги иероглифларни тасвирлаб олишарди. (Иероглифларни уйғунлаштириш йули билан мураккаб сўзларни шакллантиргач, улар ёзма луғатларини бой этишарди. Шу тариқа, аллақачон оғзаки нутқларида мавжуд бўлган тушунчаларни, хат орқали билдириш қобилиятларини юксалтирар эдилар).

Масалан, пиктограмма (тасвир) «қайиқ» сўзини билдириш учун «одамлар», «кема» ва «саккиз» сўзлари учун пиктограммалар бирикмаси<sup>1</sup>. «Саккиз», «бирлашган» ва «замин» сўзлари учун пиктограммалар (келгусида «иероглиф» терминни ишлатамиз) биргаликда «умумий» маънодаги иероглифни билдиради<sup>2</sup>. Уз навбатида, «умумий» иероглифи, «сув»

иероглифи билан биргаликда «тўфон» сузи билан ассоциациялаша бошлаган<sup>3</sup>. Саккиз нафардан ташкил топган жамъият, бутун ер юзини сув босаётган маҳалда қайикда бирлашганлари, бу сизларга бирор нарсани эслатмаябти-ми?

«Учта мукаммал шахс» маъносини билдирувчи иероглиф, «уст, тепада» маънони билдирувчи иероглиф билан биргаликда, «топмок, кўрсатмок»<sup>4</sup> иероглифини шакллантиради. Афтидан, хитойликларга аждодларидан, Худонинг уч шахсдаги табиати ҳақида, яҳудийларга «Элоҳим» («им» суффикси кўпчилик сонини билдиради) исми билан маълум бўлгани каби, уларга ҳам, маълум бўлган. «Элоҳим» - Худо уч шахсда, Муқаддас Учликдир.

Хитой ёзувлари шуни кўрсатадики, унинг яратувчилари биринчи одам ҳақида таассуротга эга бўлган, чунки, «мукаммал инсон» иероглифи «ер, тупроқ» иероглифи билан биргаликда «ёши катта эркак» маъносини билдиради. Библияга мувофиқ, Худованд Одамни ернинг тупроқидан катта одам қилиб яратди. Жанубий Хитойда яшаб ўтган миауцо қабиласига, оғиздан оғизга биринчи одам ҳақида ривоятлар етиб келган. Унинг исми «лой» маъносини билдирган; унинг авлодлари жумладан Лама ва Нуй (Нух қабиласи миауцо) бўлган. Библиядаги Ламех, Одам Атони ва Нухни билган. Қадимги Хитойликлар Яратилиш ҳақидаги билимларни Ламадан ва Нуйдан олганлари, ва Нуйнинг авлодлари қаторидан хитой цивилизациясининг асосчилари ҳам бўлишлари мумкин эди.

Хитой иероглификасида «боғ», марказидан чиқувчи тўртта чизик билан ихоталанган участка кўринишида тасвирланади. Библияда Адан боғидан сузиб чиқувчи тўртта дарё кўрсатилган<sup>5</sup>. Бу шунчаки тасодуф-ми ёки хитойликлар аждодлари жаннат боғи тўғрисида бевосита Нухдан билиб олишган-ми?

Библиядаги ғоя, сўз воситасида оламни илоҳий йул билан яралганлиги, «айтиш» иероглифида ўз аксини топади. «Худо» ва «замин» иероглифлари биргаликда «яратиш» иероглифини вужудга келтиради. Бу уз навбатида «оғиз» иероглифи бирикмаси билан «айтиш» иероглифини билдиради<sup>6</sup>. «Оғиз» иероглифи билан «матн» ва «Худо» иероглифлари бирикмаси, «ёзиб олмок» маъносини билдирувчи иероглифни вужудга келтиради<sup>7</sup>. Шу тариқа, хитойликлар матнларини илоҳий илҳом билган ёзилганли-гига ишонишарди ва муқаддас тарихнинг

машхур эпизодлари асосида, тилларини графикавий системасини яратишар эдилар. Хитойликлар Худовандни ҳурмат қилишга ўргатилган эдилар ва бу ҳам, уларнинг иероглификаларида уз аксини топган. «Худо» ва «хона» иероглифлар бирикмасидан «амал қилмоқ», ҳурмат қилмоқ; «дин» иероглифлари вужудга келади<sup>8</sup>. Қадимги хитойликлар уларни Яратган эгаларини ҳурмат қилиб, Унинг амрига амал қилишларига барча асослари бўлган.

Одам Ато ва Момо Ҳаво Адан боғида Худога кулоқ солмаган-лари натижасида Оламга гуноҳ ва ўлим келди. Гуноҳ қилишгач Одам Ато ва Момо Ҳавога яланғоч эканликлари очилди; улар ҳижолат тортишди ва қилмишларидан уялишди. Меҳрибон Худо улар ҳақида ғамхўрлик қилди ва улар учун ўлдирган жонзотлар-нинг терисидан кийим тайёрлади. Терилар Ер юзидаги биринчи жуфтликнинг яланғочлигини ёпди ва қувғинда уларни исситди. Худованднинг одамзодга нисбатан меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги ҳақидаги ушбу мисол «қарам бўлиш» маъносидаги иероглифда ўз аксини топган. Ушбу иероглиф – «Худо» ва «либос» иероглифлари бирикмасидар. «Либос» иероглифи уз навбатида «ёпиш» ва «жуфтлик» иероглифидан иборатдир<sup>9</sup>. Хитойликлар Худога «қарам бўлиш» ёмон эмаслигини билишарди, чунки, Худонинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги жумладан биринчи «жуфтлик» учун «либос» мисолида, маълум эди.

Қадимий Хитой цивилизациясининг бутун тарихи давомида, қурбонлик келтириш маросими мавжуд эди<sup>10</sup>. Худога қурбонлик сифатида фақатгина қўзилар ва бука тақдим этиларди. Хитойликлар, бу жонзотларни қурбонликга келтириш, Яратганга маъқул келишини, фараз қилишарди. Эҳтимол, Худованд Одам Ато ва Момо Ҳавога либос тайёрлаш учун қўзи ёки букани конини тўққандир? Уларнинг ўғли Ҳобил подасидан энг яхши қўзичоқни олиб, Худовандга қурбонлик келтирди ва «Худованд унинг ҳадясини манзур кўрди». Хитойликлар, яхудийларнинг қўзичоқга бўлган муносибатларига алоҳида қарашарди ва буни «қутқармоқ», (нажот бермоқ) иероглифи тасдиқлайди. Ушбу иероглиф, «пинҳона ўрин» маъносини билдирувчи иероглиф билан «қўзичоқ» иероглифининг бирлашиши натижасида, вужудга келади<sup>11</sup>. «Қўзичоқ» «қутқариш» учун даъват этилган.



Тўфондан бир неча асрлар ўтгач кўзичокларни қурбонликга келтиртириш маъносини йўқотди. Хитой цивилизациясининг ривожланиши натижасида, инсонлар кўзида императорлар, Худовандни иноятини берувчилари бўлишди. Қурбонликлар ҳам императорлар шаъни ва фойдалари учун, саройда ўтказилар эди<sup>12</sup>. Бироқ, хитой императорлари 1911 йилгача амал қилиб келган «Чегара қурбонликлари» маросимларида, аجدодлардан ўтган, Худо ҳақида билимлар элементлари кўриб чиқилади. Бу хитой мадани-ятининг асосий маросимларидан бири саналади. Эрамизгача 500 йилдаги машҳур файласуф Конфуций императорлар ва «Чегара қурбонликлари» ҳақида қуйидагиларни айтган: «Кимки, Фалаклар ва Заминга келтирган қурбонлик маросимини фаҳмласа, унга шоҳликни бошқариш, қулининг кафтига қараганга нисбатан, мушқил бўлмайди»<sup>13</sup>. Конфуций яна шундай ёзган эди: «Замину фалакга қурбонлик келтириш бу маросим ва бунинг воситасида одамлар Шан-Дига сажда қилишади»<sup>14</sup>. Шан-Ди, бугунги кунда маълум бўлган Яратганнинг исмидир.

Хитойнинг айрим анъаналари, қурбонлик расму русумларига боғлиқдир. Афтидан бу анъаналар, аجدодлардан, жаннатдан қувилиш тўғрисидаги маълумотларнинг етиб келганига асосланган бўлган. Буқа ва кўзичокларни (қадимги яхудийлар худди шу жон-зотларни Худога ҳадя этишардилар) қурбонликга келтирилиши, империянинг шарқий худудида бажо келтирилар эди<sup>15</sup>. Одам Ато ва Момо Ҳаво Адан боғининг шарқий томонидан чиқиб кетишган эдилар; маълумки, уларнинг ўғли Ҳобил ҳам Адан боғини шарқий чекасида кўзичокни қурбонликга келтирган эди.

Қадимий Хитой ёзувида «Солиҳ» сўзи қуйдаги иероглифлар уйғунлигидан ифодаланар эди: «кўзичок» иероглифи «ман» иероглифи устида жойлашган бўлади. Ёзув яратувчиларининг мантиқига мувофиқ, «Ман» «кўзичок» паноҳида (остида) «солиҳдирман»<sup>16</sup>. Қадимда, хитойликлар буқа ва кўзиларни қурбонликга келтиришни нажот топишга боғлиқ деб ҳисоблашарди (чунки, қадимги яхудийлар шундай қилишарди). «Худо» ва «қон» иероглифлари биргаликда «Худованд» маъносини билдирувчи иероглифни вужудга келтиради<sup>17</sup>. Барча эҳтимолга қараганда, қурбонликга келтирилган қонланган кўзи, - Худонинг Кўзиси - Худованднинг тимсолидир. Бу –қадимги

хитойликларга тилларининг графика системаси воситасида уларга етказилган Худованднинг Хушхабар ҳақидаги башоратидан, ўзга нарса эмас. Буни муъжиза дейиш мумкин эмас-ми?

Ибтидо Китобида (3:15) Момо Ҳаво зурриётидан туғилажак зот шайтонни мағлуб этиши ҳақида башорат мавжуд. «Уруғ», «авлод»-ни билдиради; демак, Момо Ҳаво авлодига шайтонни нобуд қилиш битилган. Хитой иероглифида «уруғ» ва «аёл» иероглифлари бирикмасидан, «эзгулик» иероглифи шаклланади<sup>18</sup>. «Аёл уруғи»-«рахмдил Худонинг Қўзиси» - бизларни шайтондан-«халос этади». Ҳеч қайси бир воизхон бу ғояни, хитой иероглифида ёзилганидек, яхшироқ баён эта ололмасди.

«Чегара қурбонликлари» маросимида талаффуз этиладиган анъанавий нутқ, Худони вақтдан ташқаридаги ҳақида, қуйдаги сатрларни ўз ичида мужассамлаштирган эди: «Қўз очиб юмгунча Шан-Ди, бутунлай юқорида фалакни ва заминни ўрнатади. Унинг ҳукмронлиги абаддул-абаддир»<sup>19</sup>.

Хитойликлар, Худони-Яратувчи ва барча инсонларнинг Парвардигори эканлигини, англашган эдилар:

«Азал азалда, буюк тартибсизлик эди; на бир шакл бор эди на ёруғлик. Бешта сайёралар ҳали айланишмас эдилар; Офтоб ва Моҳтоб ҳали ёруғлик таратмас эдилар.

Сен эй Парвардигори Олам, биринчи бўлиб, покни нопокдан ажратдинг! Сен фалакни яратдинг! Сен заминни яратдинг! Сен одамизодни яратдинг! Барча мавжудотлар пайдо бўлди ва кўпайишга имкон топди»<sup>20</sup>. Шан-Ди – барча мавжуд бўлган ва мавжуд бўлғуси мавжудот-ларнинг, абадий Яратгандир.

Шу йўсинда маълум бўлдики, қадимги Хитойликлар Нух ва унинг хотини авлодидандир, улар ҳам уз навбатида Одам Ато ва Момо Ҳавонинг қавмидан бўлган. Бу маънода хитойликлар бошқа халқлардан ҳеч ҳам фарқ қилишмайди; боиси, биз ҳаммамиз Одам Атонинг, сўнгра Нухнинг қавмиданмиз. Одамзодни «тош асри-даги» маймунодамлардан пайдо бўлгани тўғрисидаги «эволюцион» ғояси, асоссиз ва фан маълумотлари томонидан тасдиқланмайди.

## 23-Тасдиқ

### Қадимги Аҳда Масихнинг ажойиб мужассамланиши ҳақида башоратлар йукдир

Одам Ато замонидан олти минг йил олдин! - Худованд инсониятга Масихни-Адан боғида рўй берган гуноҳни ювиш учун келишини ваъда қилди. Масих (Исо) - Муқаддас Учбирликнинг Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух: учдан бир шахсидир (Илоҳий). «Азалда Худо осмон билан ерни яратди». Бу ерда Худо Ўзи ҳақида birlik сонида гапиради; аммо, давомида «Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик» дейди. Худонинг библиядаги Исмла-ридан бири – Элоҳимдир; сўз сўнгидаги «им» суффикси кўпчилик сонини билдиради; шу йўсинда Худо одамзодга Биттадан кўп эканлигини хабар қилади.

Шайтон (собик Люцифер) Момо Ҳавони ва ниҳоят Одам Атони ҳам, йўлдан оздиргач Худонинг ижоди (яратгани) жисмоний абадийликдан маҳрум бўлади. Аммо, Элоҳим раҳмдиллигидан Унинг мужассамланишига, ўлишига ва Тирилишига қувонганлар учун руҳий нажот ҳадея этади. Одам Ато, 21-бобда айтиб ўтил-ганидек, лавҳачада Худованднинг шайтонга қараб айтилган сўзларини ёзди: «Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан» (Ибтидо 3:15). Худованд, ердаги аёлнинг (Биби Марям) Ўғлига мужассамланиб, шайтонни режаларини борбод қилишини мақсад қилди. Шайтон Масихни ва Унинг издошларини нобуд қилишини ният қилади, («сен унинг товонини чақасан»); лекин узи вайрон ва мағлуб бўлади («уша зот [аёл зурриётии] сенинг бошингни эзиб ташлайди»). Бу - Масихнинг келишини олдиндан айтилган юзлаб башоратлардан биридир.

Юсуф (Иброҳимнинг эвараси) папирусда (бу вақтда яҳудийлар мисрликлардан хатни бу усулда ёзишни ўрганган эдилар) шундай ёзган эди: «Салтанат ҳассаси Яҳудодан силжимас, Мирза ҳам кам бўлмас оёғи тагидан, то Малики Сулҳ келгунига қадар, элу халқлар эса Унга бўйин эгадилар» (Ибтидо 49:10). Исо Яҳудонинг қавми-дандир; Унинг қавми олдиндан аниқ айтилишига, - ун иккитадан битта имкон бор (Исроилнинг қавмлари сони ҳисобида).

Юсуфдан кейин тахминан минг йил ўтгач, Михо пайғамбар, Масих Байтлахм шахридан келишини олдиндан айтган (Михо 5:2). Шаҳар номи аниқ айтилишига қай даражада имкон бўлган? Икки мингтадан бири (Исо даврида, Исроилда тахминан шунча шаҳар-лар мавжуд бўлган). Энди бир савол билан мурожаат қилсак: бу иккала башорат амалга ошишига қай даражада имкон бўлган? 24 000дан 1(чунки  $12 \times 2000 = 24\ 000$ ).

Масихнинг мужассамланишига тегишли бўлган, яна 15 та башо-ратларни изоҳлаб чиқамиз ва бу башоратларнинг амалга ошишига, қай даражада имкони борлигини, осон бўлмаса ҳам тассаввур қилиб кўрамиз. Бу имкониятлар кўпайтирилади (масалан, 12 қавм  $\times$  2000 шаҳарларга = 24 000). Кечроқ шу бобда биз, бу башоратлар ҳеч ҳам ўзгартирилмаганлигини ёки Библияни нусхабардорлари томонидан бири бошқасининг устига мувофиқлаштирмаганлигини кўрсатамиз.

Шоҳ Довуд (Масихнинг Мавлудигача 1000 й) Масихнинг қўл оёқи тешилишини олдиндан айтган эди (Забур 21:17). Довуддан сўнг уч юз йил ўтгач, хочга михлашни форслар ўйлаб топишди. Исо даврида, римликлар жинойтчиларни хочга михламасдан, балки арқон билан боғлашар эдилар. Бу башоратнинг амалга ошишига қай даража эҳтимоллиги бор? Юзга бир. Шу зайлда, барча учта башоратлар мажмуасининг амалга ошиши эҳтимоллиги—1га 2 400 000 ( $12 \times 2000 \times 100$ ).

Шоҳ Довуд, Масихни дўсти сотқинлик қилишини ҳам башорат қилган эди (Забур 40:10). Сиёсатчилар орасида фирибгарлик ва сотқинлик одатий ҳол, бу азалдан азал шундай бўлиб келган, аммо руҳоний бошқарувчилари аро бу ҳолат камдан кам учрайди. Масихга Яҳудо хоинлик қилганлигини эҳтимоллиги, энг озод ҳисоб китобларда 1га 10 тенг келади. Шу

зайлда, ҳар эҳтимолга яқин, 1га 24 миллион (2,4 млн x 10 = 24 миллион) бўлиб чиқади.

Довуднинг забони орқали, Худованд Масихнинг либослари учун қуръа ташлашларини, (Забур 21:19) башорат қилган эди ва бу башорат амалга ошди – римлик зобитлар Исонинг либоси учун қуръа ташладилар. Жаллодлар, ўлимга маҳкум қилган инсонни либосини ўзаро бўлишишлари, ҳар доим бўлиб турадимми? Юзта ҳодисадан биттасида бўлади деб, фараз қилайлик. Унда, бу ҳодиса-нинг эҳтимоллиги -1га 2,4 миллиарддир.

Худованднинг Руҳи билан илҳомланиб Довуд, Масихнинг хочга михланган Танаси ўликлар диёрида чиришига йўлиқмаслигини (Забур 151:10) башорат қилган эди; библиядаги тарихларда бир нечта қайта тирилиш ҳақида воқеалар зухур топган, демак, бу башоратни амалга ошириш имкони -10 000дан 1тадир, эҳтимоллиги – 1га 10 000 x 2,4 миллиарддир.

Забур санолари 33:21 оятда, шоҳ Довуд, Масихнинг сўякларининг ҳеч бири синмаслигини, башорат қилади. Довуд шоҳлигидан минг йил ўтгач, римликлар хочга михланганнинг ўлимини тезлаштириш учун, сўякларини синдиришар эдилар. Исонинг унг ва чап томонида хочланган бахти қароларни оёқларини синдиришади, уларнинг ўлими яхудийларнинг фисих байрамига тўғри келмас-лиги учун – римликларга асир халқларнинг урфу одатларига римликлар ён беришар эди. Исо барвақт «жон таслим қилди» ва шу боис, римликларга Унинг суюгини синдиришига асос қолмаган эди. Бу ҳодиса бўлиши мумкинлигини – 1га 20та деб фараз қилсак, демак, ҳолатнинг эҳтимоллиги – 1га 200 000 x 2,4 миллиарддир.

Амос пайғамбар (эрамизгача 750 йил атрофида) Масихни уқубат тортиши вақтида, кундузи Ер юзини зулмат қоплашини, башорат қилган эди (Амос 8:9). Антик тарихшунос Таллнинг таъкидлашича эрамизнинг 32 йилида, дар ҳақиқат қуёш тутилиши узоқ вақт давом этган. Хушxabарларда, бу воқеанинг ҳақиқатлиги ҳаворийлар томонидан бирор марта баҳсу мунозара қилинмаганлиги, Масих хочга михланган куни кундузги ёруғлик сўнгани ҳақида гувоҳлик беради. Бу ҳодисанинг эҳтимоллиги - 1га 1000 бўлса, унда умумий эҳтимоллиги 1га 200 млн. x 2,4 миллиарддир.

Ишаё пайғамбар (э. 720 й), Масихнинг йўлини ҳозирлаб юрувчи, элчининг – Яхёнинг келишини (Ишаё 40:3) башорат қилган. Тарихда келишидан олдин элчилар томонидан овоза қилинган бошқа бирор шоҳ бўлганми? Эслай олмаяпман. Шундай қилиб, агар бу башоратни амалга ошиши имкони 1га 10 бўлса, унда уму-мий эҳтимоллиги 1га 2 миллиард х 2,4 миллиарддир.

Ишаё пайғамбар, Масихни азоб беришларини ҳам (Ишаё 53:5) башорат қилган эди. Инсоният тарихида, қоидага қараганда ҳукмдорлар ва сардорларни, суиқасд ва тўнтарилиш натижасида, қийноққа солмасдан бирданига ўлдиришарди. Бу башоратни амалга ошишига яна имкони 1га 10 бўлса, умумий эҳтимоллиги 1га 2 миллиард х 24 миллиарддир.

Ишаё пайғамбарнинг китобига мувофиқ, Масихнинг келишини башорат қилган пайғамбар, тошбўрон қилиниши лозим эди (Ишаё 50:6) Бу башорат ҳам амалга ошди (Матто 26:67). Шоҳ ўлдири-лиши бу жарангдор ишдир; лекин, ўлдирилишидан олдин, уни таҳқирлаш, унга тупуриш ва калтаклатиш – бундай ҳолат доим бўлавермайди. Фараз қилайлик 10 та ҳодисадан биттасида бўлса, унда умумий эҳтимоллиги – 1га 2 миллиард х 240 миллиарддир.

Ишаё пайғамбар китобида (53:7) Исо Узини ҳимоя қилишдан воз кечишини башорат қилган. Ўлимга маҳкум қилинган инсон, узини ҳимоялашидан воз кечганини бирор марта эшитганми – сиз? Ман эшитмаганман. Ҳатто агар, бундай ҳолат 1га 100 бўлса, барибир, башоратни амалга ошиши эҳтимоллиги – 1га 200 миллиард х 240 миллиарддир.

Ишаё пайғамбар китобида (53:12) Масихни оддий жиноятчилар билан бирга қатл этилиши ва шу билан Уни янада камситишларини, башорат қилган. Оддий ўғрилар қаторида қатл этилган яна бирор буюк шоҳни биласизми? Фараз қилайлик, бунга ўхшаш ҳолат юздан биттадир натижада, умумий эҳтимоллиги – 1га 200 миллиард х 24 триллиондир.

Ишаё пайғамбар китоби 53:9 оятда Масих, бой одамнинг қабрига кўмилишига оид башорат мавжуд. Ҳаворий Матто, Исонинг Танаси, Ариматиялик Юсуф учун қурилган қабрга қуйилганлигини, тасдиқлайди. Юсуфнинг ўзи, Исонинг танасини қабрга қуйди. Исо шармандаларча ва бешарофона ўлимни ўзига қабул қилди. Қачондан буён бой яҳудий Унинг

Танасини қабрга қуйиб, шу билан узини хатарга йўлиқтирган? (амалдорлар уни Исонинг издошлариидан бири деб, ҳисоблашлари мумкин эди). Имконият – юздан биттадир. Умумий эҳтимоллиги – 1га 20 триллион х 24 триллиондир.

Закариё пайғамбар (э. 520 й.), Масихни Қуддус шахрига танта-нали равишда, эшакда кириб келишини башорат қилган. Одатда биз соҳибқиронларни шахарга эшакда эмас, балки даб-дабали отларда тассавур қиламиз. Фараз қилайлик, бу башоратнинг амалга ошириш имкони – 1га 50дир; унда умумий эҳтимоллиги – 1га 50 х 20 триллионга х 24 триллионлардир.

Закариё яна, Масихни уттиз кумуш тангага сотиб юборишларини ва сўнгра бу пуллар кулолнинг ерини сотиб олиб у ерда ажнабий-ларни дафн этилиши учун сарфланади. Бу башоратни амалга ошириш имкони – 1га 10 000 бўлса, умумий эҳтимоллиги – 1га 500 000 х 20 триллион х 24 триллиондир.

Закариё китобида, Масихни нафақат хочга михланиши, балки Уни (танасини) тешишларини ҳам, башорат этганди (Закариё 12:10). Дарҳақиқат, римлик аскарлардан бири Исонинг биқинини найза билан тешди, бу Унинг танавий ўлимига ишонч ҳосил қилиш учун қилинган эди (Юханно хушхабари 19:34). Исонинг жони кутил-ганидан олдинроқ узилди (бундан келиб чиққан ҳолда, римлик аскарлар Унинг сўягини синдиришларига ҳожати қолмаганди, аскарлар Исонинг унг ва чап томонидан михланган жинойтчи-ларнинг сўякларини синдиришди); бинобарин, Исо ҳақиқатдан ҳам ўлганлигига ва Узини ўлганга солмаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун, аскарлардан бири унинг биқинини найза билан тешди. Кўпчиликнинг ўлимига ишонч ҳосил қилиш учун найза-лашганми? Бундай булиши мумкин эмас. Фараз қилайлик, юзта-дан бир маротабадир. Унда умумий эҳтимоллиги – 1га 50 млн. х 20 триллион х 24 триллиондир. Бу  $10^{32}$  дан 1та имконни билдиради. Бу рақамни – 1ни 32та нули билан тассавур қила олиябсизми?!

Барча ун етгита башоратларни амалга ошириш имкони (улар ҳақиқатдан ҳам амалга ошди!) тахминан худди, нобино астронавтнинг Сомон Йўли галактикасидан, агарда у кумга тўла бўлса, битта ягона рангли кум зарранинг топиши имкони кабидир. Сиз шу каби ҳодисани эҳтимолга яқин куярмидингиз? Келтирган тахлилимизда (Грант Джеффрининг «Худованд дастхати» китобидан таъғир қилинган парчадир<sup>1</sup>) Масихни

мужассамланишига оид 48 та башоратдан атиги 17 кўриб чиқилди. Қадимги Аҳдда умумий характерга эга башоратлар юзлаб саналади.

Савол туғилади: Исонинг Тирилишидан сўнг кўп вақтлар ўтгач, бу башоратлар Унинг ҳаёт тарзига қараб ўзгартирилмагани ва мослаштирмаганлигини биз қаердан биламиз? Ўлик денгизидан 1940 йиллар топилган ўрама қоғозда, Эстер китобидан ташқари барча қадимги аҳд китоблари таркиб топган эди<sup>2</sup>. Тилшунослар, археологлар ва қадимий яхудий тарихи бўйича мутахассислар биргаликда, Ўлик денгизидан топилган ўрама қоғоз эрамизгача 250 ва 100чи йиллар орасида (Масихнинг Мавлу-дигача) ёзилганлигини, хулоса қилишди<sup>3</sup>. Бизгача етиб келган Қадимги аҳднинг ўрама қоғозлари ва матнлари қарийиб барчаси бири бирига айнан ўхшайди; нусхалар орасидаги тафовут оз бўлиб, кўп ҳолларда нусха кўчирувчиларнинг хатолигига боғлиқдир. Шу йўсин Қадимги Аҳд башоратлари ҳеч ҳам қалбакилаштирилиши мумкин эмасди. Бундан ташқари, фараз қилинг, агарда «исён кўтарувчи» масихий – яхудийлар, фирибгар устозини оқламоқ учун, муқаддас каломни ўзгартирганларида қандай ғалаён кўтарилар эди? Бу тарздаги уринишлар эҳтимол аҳамиятсиз қолмас эди.

Септуагинта, Қадимги Аҳднинг юнон тилидаги таржимаси, эрамизгача 330 йили Искандар Зулқарнайн томонидан Исроил забт этилганидан сўнг, тарқала бошлаган. Агарда кимдир сохталашти-ришни ният қилганида, унда унга матнни ва Сиптуагинтани ҳам ўзгартиришига тўғри келар эди. Исонинг мужассамланиши вақтида, Грециянинг таъсири етган жойларда Септуагинта аллақачон тарқалиб бўлган эди ва ҳатто агар, қайсидир фитначи-лар барча маълум бўлган нусхаларга ўзгартиришлар олиб кирмоқ-чи бўлганларида ҳам, улар бу ишни сирли равишда қилаолмас-дилар. Бунга ўхшаш фикрнинг ўзи эҳтимолдан узоқдир.

Қадимги Аҳд башоратлари асрлар давомида ўзгармас қолганлигини билганимиз боиси, биз Исо Масих – Ҳақиқий Масих экан-лигининг фактига дуч келамиз. Унинг даврида аллақачон кўпчилик яхудийлар, Унда ўзгармас ва муфассал Масих ҳақидаги башоратлар амалга ошганлигини тушунар эдилар. Айнан уша даврда яхудийлар узларининг Масихини кутишган эдилар. Дониёр пайғамбар (э. тах. 550 й.) Қуддуснинг



қайта тикланиши учун буйрук берилгач, 483 йилдан сўнг, Масих келиши ва ўлди-рилишини олдиндан айтган эди. (Дониёр пайғамбар китоби 9:25-27). (Қуддус, бобилликлар томонидан эрамизгача 600 й. бузилган эди). Худованднинг иродаси билан форслар итоатсиз бобилликларни мағлуб қилишгач, форс шоҳи Кир ҳақиқатдан ҳам Қуддусни қайта тикланишини буюрди. Ва худди башорат қилинганидек, 483 йил ўтгач, эрамизнинг 32 йилида эшакда савора Масих Қуддусга кириб келди.

## 24-Тасдик

### Исо шунчаки меҳрибон ва оқил инсон эди

Библияга ишонмайдиган, скептиklar, Исони 2000 йил илгари инсон қиёфасида келган Илоҳ эмас, шунчаки оқил, «беғубор» ва хуш ахлоқ Муаллим деб билишади. Уларнинг фикрига кўра, Исо буюк инсонлар – жумладан, Конфуций, Будда, Аристотель, Платон, Муҳаммад ва бошқалар қаторида бўлиб, У инсониятни маънавий таълимот ва хайрли ишларга бахшида этган. Уларнинг бари мукамал ва бегуноҳ Одамхудо бўлмаган. Атеистлар учун, Исо, юқорида санаб ўтилган инсонлар қатори, шунчаки яхши инсондир.

Бироқ, айтингчи: ашаддий фирибгар ва ақлсиз инсонни буюк муаллим дейиш мумкин-ми? Исо Ўзини Худо деб атади ва библиядаги барча тарих, жумладан Умумжаҳон Тўфонига оид ривоят ҳақиқат ва аниқ эканлигини, тасдиқлади. Атеистларнинг фараз қилишларича, Тўфон ва қадимий аҳддаги бошқа ривоятлар, уйдирмадан бошқа ҳеч нарса эмас: афтидан, уларнинг фикрига кўра, Исо ҳеч ҳам оқил ва меҳрибон эмас, балки ёлғончи ва ақлдан озган инсондир. Хайрихоҳ инсон, уйдирмаларни факт деб, онгли равишда инсонларни хато йўлга олиб бормасди: агарда У бу ишларни англамай қилган бўлса, демак ақлдан озган бўлади. Шу зайлда, Исони «шунчаки яхши одам эди» деб таъкидлаш – бу қарордан кетиш демакдир. У ёлғончи ёки тентак, ёки Ўзини – Худодан мужассамланганлигини ва тирилганлигини айтган Кимсадир.

Римлик соқчиларнинг куз унгида, қабрни ёпиб турган, қабр тошини ағдаришганда, Унинг Танаси ғойиб бўлган эди<sup>1</sup>. Соқчилар томонидан бундай бепарволик, Рим ҳукумати<sup>2</sup> томонидан қаттиқ жазога тортилган бўларди; бироқ, Исонинг Танасини ўғирлаб яширишга, соқчиларда ҳеч қандай асос бўлмаган. Жумладан, яҳудий раҳбарларга ҳам устига ҳустак, Унинг тирилиши ҳақида овоза қилишларига асос бўлмаган. Ва

ниҳоят, ахир бу раҳбарлар ўзлари римликлар билан тил бириктириб, У Узини Худо деб атагани учун, қатл этишган эдилар. Сохта равишдаги тирилиш эса, туғридан туғри, Уни Худо эмас, деган таъкидларига қарама қаршилик қилар эди.

Исонинг шогирдларига ҳам Унинг танасини ўғирлаб кетишларига асос бўлмаган, чунки, уларнинг барчаси хаворий Юҳаннодан ташқари, оқибатда Исонинг тирилиши ҳақидаги Хушхабари учун, қатл этилган эдилар<sup>3</sup>. Находки улар шу ёлғон учун ўлимгача боришса? Находки улар ҳаётларини хавф остига қуйиб, Унинг Танасини ўғирлаб, сўнгра сохталаштирган тирилиш ҳақидаги ваъз учун азоб укубат ва қувғинга гирифтор бўлишга боришса?!

Хушхабар эрамизнинг 50 йил ва 80 йиллар орасида ёзилган эди<sup>4</sup> (Исо эрамизнинг 32 йили хочга михланган эди). Афтидан, Хушха-бар матни тарқалаётган вақтда, ҳодисанинг барча шохидлари тирик бўлишган. Улардан ҳеч қайсиси, Исонинг ҳаёти тарзи, Унинг мўъжизалари ҳақида гувоҳликларни ва Унинг қайд этган сўзларини, мунозара қилишмаган. Библияга мувофиқ юзлаб одамлар тирилган Исони Қуддусда кўришган. Ушбу факт, унинг замондошлари ва Хушхабарни эшитган ва ўқиганлар томонидан бирор маротиба мунозара қилинмади. Шу боис, Хушхабарнинг тарихи аниқлигига, шубҳага ўрин йўқ!

Исо даврида яшаб ўтган мажусий тарихшунос Талл, эрамизнинг 32 йилида, Қуддусда ҳақиқатдан ҳам қуёш тутилиши содир бул-ганлигини, ёзади<sup>5</sup> (Исо вафот қилгач 3 соат давомида фалакни қоронғулик қамраб олди<sup>6</sup>). Исо Фисих байрамида хочга михланган эди. Одатда, Фисихни ой тўлганида нишонлашар эдилар, чунки бу вақтда қуёш тутилиши мумкин эмасди (холбуки, қуёш тутилиши бир неча дақиқа давом этади, вахоланки 3 соат).

Яҳудий устозларнинг Талмуда<sup>7</sup> ёзишларича, Исо дар ҳақиқат кўп мўъжизалар яратди, лекин уларнинг барини иблиснинг кучи билан бажарган. Бироқ, Қуддусда яшовчи минглаб яҳудийлар, Унинг сўзлари ва мўъжизаларини Илоҳий ҳисоблаб, ўликлардан тирилганлигини билиб, У Қадимий Аҳдда башорат қилинган ва узоқ кутилган Масих<sup>8</sup> эканлигига ишонишарди (бу ҳақда 23-бобда сўз юритилди).

Рим тарихшуноси Светоний, «Клавдий ҳаёти»-да ёзишича, император Клавдий «Яҳудийлар, тинмай қандайдир Масих

(номи) билан фитнагарчилик қилганлари учун, уларни Римдан қувиб юборди». Худди шу Светоний «Нерон ҳаёти»-да, «Янги ва жиноий хурофот тарафдорларини масиҳиларни қийноқларга солиб жазолашган»-ларини ёзади<sup>9</sup>.

Бошқа бир римлик тарихшунос, Корнелий Тацит ўзининг «Солно-малари»-да, Римда эрамизнинг 64 йилида, содир бўлган ёнғинни Нерон масиҳийларга тўнкашга уринганлиги ҳақида, ёзади: «Нерон айбдорларни дастгир этиб, уларнинг шармандаларча ахлоки сабаб-ли авомлар қуролмаганлари боис, жуда азобли қатлларга мубтало қилди ва уларни масиҳий деб атади. Бу номланиш бошланишига Масиҳ сабабчи эди. У Тиберия императори даврида, прокуратор Пунтий Пилат томонидан ўлимга маҳкум қилинган эди; вақтин-чалик бостирилган ҳалокатли хурофот, бирдан нафақат Яҳудияда, балки пойтахтда [Рим] ҳам қайта авжланиб кетди»<sup>10</sup>.

Тацит, Исонинг танавий ўлими ва «ҳалокатли хурофот»-нинг авжланиши орасида қандайдир муҳим воқеа рўй берганига, аниқ ишора қилади. Исонинг танавий ўлимдан сўнг, Унинг шогирдлари умидсизликга тушишди; уларга, гўё барчаси дастдан кетгандек кўринди. Аммо, Исо ўлимидан кейин уч кун ўтиб, уларга зоҳир бўлиб сўзлашганларидан сўнг, шогирдлари руҳланишди ва бутун дунёга Унинг Тирилганлиги ҳақида Хушхабарни тарқатишди.

Рим тарихшунослари, Исонинг ҳаёти ва ўлими ва шиддатли равишда масиҳилик тарқалиши ҳақида, қувонч билан эмас, балки нафрат билан гувоҳлик беришарди. Улар Исо ва Унинг издошлари Рим ҳукуматининг таҳликасини кўрганлари боис, улардан нафратланар эдилар. Уларнинг кўзи ўнгида масиҳийлар душман, эслашга лойиқ хатарли душманлардек, кўринишарди. Римликлар, айрим яҳудийлар каби, қабрдан Исонинг Танаси юқолгани сабабларини ўйлаб топишга уринганликларига, шубҳа йўқдир.

